

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

С. А. Раззоқов, М.Э. Султонова, В. Г. Кан

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-99-75, 265-23-56.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ноширлик марказида чоп этилди. Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.

Босишга рухсат этилди 24.09.2016.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2016 йил, 3-сон

МУНДАРИЖА

**Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва қонунчиликни
такомиллаштириш**

**Судебно-правовые реформы и
совершенствование законодательства**

Оқюлов О., Примов Ф.

Тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги асосларини такомиллаштириш масалалари3

Раимова Н.

Правовой режим коммерческой тайны в гражданском обороте12

Имамова Д.

Ответственность сторон за нарушение обязательств по внешнеэкономическим сделкам16

Султонов А.А.

Процессуал чиқимлар институтининг вазифалари ва уни такомиллаштириш истиқболлари22

Чутбаев М. Р.

Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш зарурати ...29

Аманов А.А.

Ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари қўлланилиш хусусиятлари.....32

**Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат
хавфсизлигини таъминлаш муаммолари**

**Проблемы профилактики правонарушений и обеспечение
общественной безопасности**

Абдурашулова Қ.Р., Закирова А.Г.

«Коррупция» тушунчаси, коррупциявий жиноятлар ва уларнинг олдини олиш масалалари.....38

Бердиев А.

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш — коррупцияга қарши курашиш омили45

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера

С. А. Раззаков, М.Э. Султонова, В. Г. Кан

Дизайн и верстка

Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 265-99-75, 265-23-56.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в Издательском центре Академии МВД Республики Узбекистан. г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Подписано в печать 24.09.2016.

Заказ №

ISSN 2181-4872

© Академия МВД

Республики Узбекистан, 2016.

Ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш**Подготовка кадров для органов внутренних дел***Зиёдуллаев М.З.*

Ички ишлар органларининг таянч пунктларини малакали кадрлар билан таъминлашнинг бугунги ҳолати ва долзарб масалалари.....50

Тадқиқот, таҳлил, мулоҳаза**Исследования, анализ, дискуссия***Камалова Д.*

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг объектив ва субъектив белгилари таҳлили.....57

Розимова Қ. Ю.

«Бир қанча жиноят» тушунчасига оид назарий қарашларнинг ўзига хос жиҳатлари62

Якубов С. А.

Специфические вопросы привлечения к уголовной ответственности соучастников преступления.....67

Юлдашев Ж.Х.

Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни таъминлаш муаммолари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.....72

Зулфуқоров А.А.

Хатшунослик экспертизасида «белги» тушунчаси.....77

Янгибаев А. К.

Парламентдаги партиявий тузилмалар: хорижий тажриба ва миллий амалиёт.....81

Шаякубов Ш. Ш.

Қадимги давр ва ўрта асрларда Ўрта Осиёда давлат бошқаруви ва жамият қурилишининг ҳуқуқий асослари88

Саитходжаев М.Х., Тураев М.А.

Жисмоний тайёргарликда дидактик принципларнинг аҳамияти.....94

О. Оқюлов,

*Тошкент Давлат юридик университети фуқаролик
ҳуқуқи кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор;*

Ф. Примов,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
катта илмий ходим-изланувчиси*

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги асосларини муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида сўз юртилади, тадбиркорлик субъектларининг маъмурий жавобгарлигини қонунда алоҳида белгилаб қўйиш, уларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини маъмурий жазо чоралари тизимга киритиш таклиф этилган.

Таянч тушунчалар: тадбиркорлик субъекти, ҳуқуқий таъсир чораси, жазо чораси, маъмурий жазо чораси, маъмурий жавобгарлик, лицензия, фаолиятни чеклаш, тўхтатиш, ман этиш, тугатиш.

Оқюлов О., Примов Ф. Вопросы совершенствования основ публично-правовой ответственности субъектов предпринимательства

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы совершенствования основ публично-правовой ответственности субъектов предпринимательства. Авторами предлагается установить административную ответственность субъектов предпринимательства, включить применяемые в отношении них меры правового воздействия в систему мер административных взысканий.

Ключевые слова: субъекты предпринимательской деятельности, меры правового воздействия, административное взыскание, меры административного взыскания, административная ответственность, лицензия, ограничение, приостановление и запрещение деятельности, прекращение деятельности.

Okyulov O., Primov F. The improvement of the foundations of a public responsibility of businesses

Annotation. The article deals with the issues of improving the foundations of public responsibility of businesses. The authors propose to establish administrative liability of business entities, to include applicable in respect of their actions in the legal effects of the measures of administrative penalties.

Key words: entrepreneur, disciplinary action, administrative pressure, administrative responsibility, licence, limitation.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомининг ажралмас таркибий элементларидан бири уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун юридик жавобгарлик, шу жумладан оммавий-ҳуқуқий жавобгарлик субъекти бўлиш хусусияти ҳисобланади.

Ўзбекистонда тадбиркорлар алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлганига кўп вақт бўлгани йўқ. Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришиб, бозор муносабатлари тизимига ўтиш бошлангани-

дан кейин тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар вужудга келди ва тадбиркорлар алоҳида мақомга эга субъект сифатида эътироф этилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг муайян қисми оммавий-ҳуқуқий (молиявий, маъмурий, солиқ ва божхона каби) нормалар билан тартибга солинади. Тадбиркорлик субъектлари ушбу нормаларга риоя этмаган тақдирда уларга нисбатан оммавий-ҳуқуқий таъсир чорлари қўлланади.

Оммавий-ҳуқуқий нормалар бузилганда нафақат мавжуд ҳуқуқ-тартибот асосларига, балки бошқа субъектлар манфаатларига ҳам путур етади. Бу ҳолат Жиноят кодексида ўзининг яққол ифодасини топган. Масалан, ушбу кодекснинг бир қатор моддаларида (167-м. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, 168-м. Фирибгарлик, 180-м. Сохта банкротлик, 181-м. Банкротликни яшириш, 1811-м. Қасддан банкротликка олиб келиш) етказилган зарар ўрни қопланганда ёки уч карра қопланганда (173-м. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, 175-м. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш, 198-м. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш, 202-м. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш, 233-м. Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш) озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслигига оид рағбатлантирувчи нормалар мавжуд.

Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда бундай ёндашув мавжуд эмас. Кодекснинг 31-моддасида айбдорнинг ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зиённи ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган. Аммо кодексда етказилган зарарни қоплаганлик ёки зиённинг олдини олганлик учун рағбатлантирувчи норма ҳали мавжуд эмас. Шунингдек, МЖТКнинг 38-моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган ёки мансабдор шахс (маъмурий ишлар бўйича судья бундан мустасно) кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарар энг кам иш ҳақидан кўп бўлмасагина уни қоплаш масаласини ҳам бир йўла ҳал этиши мумкинлиги белгиланган. Мазкур жараёнда зарар миқдори энг кам иш ҳақидан кўп бўлса, уни қоплаш масаласи фуқаролик ҳуқуқи тартибида ҳал этилади. Қонунчиликдаги ушбу амалиёт тадбиркорлик субъектларининг оммавий-

ҳуқуқий (маъмурий) жавобгарлигини мураккаблаштирувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигини либераллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, халқаро амалиётда ягона бўлган тартиб жорий этилиб, унга кўра, агар шахс солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятларни илк маротаба содир этиб, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни қоплаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши кўзгатилмади ва шахс жавобгарликдан озод этилади.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари айрим турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этиши натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганда уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо қўлланилмади. Шу билан бирга, савдо ва воситачилик фаолияти соҳасидаги айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар жинорий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилди¹.

Бироқ олиб борилган таҳлиллар тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги асосларини такомиллаштиришни тақозо этувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигини амалга ошириш асослари ва механизми тўлиқ шаклланмаган. Шунингдек, уларга нисбатан қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларининг моҳияти ва мазмунини очиб берувчи ҳуқуқий норма мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мх-сонли «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида давлат органларининг тегишли ҳаракатларни бажариши, ваколатлари тартибга солинмаганлиги, ваколатларни амалга ошириш процессуал тартибининг белгилан-

маганлиги, амалга оширилишининг аниқ механизми бўлмаган нормалар мавжудлиги ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигида эса кўплаб бундай бўшлиқларни учратиш мумкин.

Хусусан, амалдаги қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланадиган фаолиятини қайта ихтисослаштириш, банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, лицензиянинг амал қилишини тугатиш, рухсат берувчи ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, рухсат берувчи ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш, фаолиятини тақиқлаш каби ҳуқуқий таъсир чораларининг юридик таърифи белгиланмаган.

Шунингдек, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларида оммавий-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келишининг ҳуқуқий асослари етарли даражада белгиланмаган. Айниқса, фаолиятини чеклаш, тўхтатиш, тугатиш, қайта ихтисослаштириш таъсир чораларини қўллаш асослари «атроф муҳитга зарар етказиш»² ёки «зарарли таъсир кўрсатиш»³, «фавқулодда вазиятларнинг, эпидемияларнинг ҳамда аҳоли ҳаётига ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш»⁴ каби умумий асослар орқали ифодаланган.

«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасида эса тадбиркорлик субъектларига қўлланадиган учта ҳуқуқий таъсир чораси, яъни «фаолиятини чеклаш, «фаолиятини тўхтатиб туриш ва фаолиятини тақиқлаш учун ягона битта асос — фавқулодда вазиятларнинг, эпидемияларнинг ҳамда аҳоли ҳаётига ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш мақсади белгиланган. Айтайлик, фавқулодда вазият, эпидемия ҳамда аҳоли ҳаётига ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш зарурати юзага келди. Бундай ҳолатда қайси таъсир чораси қўлланади? 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти

эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли фармонида тадбиркорлик субъектларига қўлланадиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларининг рўйхати келтирилган. Аммо мазкур қонун ҳужжатларида фақат суд тартибида қўлланадиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларининг рўйхати келтирилган бўлиб, бошқа органлар томонидан қўлланадиган тегишли таъсир чоралари ҳали бир тизимга солинмаган.

Ҳуқуқий адабиётлар⁵ ва тадқиқотлар⁶ тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлиги асосан хусусий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ёритилган, уларнинг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигига оид умумназарий қарашлар ва таҳлилларга етарлича эътибор берилмаган. Бу ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Қатор адабиётларда⁷ тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланадиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чоралари оммавий жазо чораларидан фарқланмаган ҳолда ишлатилмоқда, амалдаги қонун ҳужжатларида⁸ ҳам мазкур икки тушунчанинг ўзаро муносабати ойдинлаштирилмаган.

Ҳуқуқий таъсир чораси ва жазо чорасининг умумий жиҳатлари уларнинг ҳар иккиси ҳам давлатнинг ваколатли органлари томонидан қўлланадиган ҳамда тадбиркорлик субъектига нисбатан маълум мажбуриятларни юклаш, уларнинг ҳуқуқларини чеклаш ёки улардан маҳрум этишдан иборат императив хусусиятга эга давлат мажбурловида ифодланади ва маълум бир ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришида намоён бўлади.

Уларнинг фарқли жиҳатлари шундаки, «жазо» тадбиркорлик субъекти томонидан содир этилган аниқ ҳуқуқбузарлик учунгина қўлланадиган санкциялар кўринишидаги чораларни англатади. «Таъсир чораси» эса жазога нисбатан бирмунча умумий ва кенгрок мазмунга эга бўлиб, тадбиркорлик субъект-

ларига нисбатан қўлланадиган ҳар қандай оммавий-ҳуқуқий таъсир чорасини, шу жумладан оммавий манфаатлар ва хавфсизликни таъминлаш учун қўлланадиган, аммо жазо ҳисобланмайдиган таъсир чораларини ҳам қамраб олади. Масалан, 2015 йил 26 августдаги «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасида – фавқулодда вазиятларнинг, эпидемияларнинг ҳамда аҳоли ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъекти фаолияти ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чекланиши, тўхтатиб турилиши ва тақиқланиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида эса давлат ва жамоат эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ва унда жойлашган ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириб ташлаш мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик субъектларига қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларини бир тизимга келтирмасдан туриб уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш ҳақида сўз юритиш мантиқан тўғри эмас. Шу сабабли тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чоралари тизимини (рўйхатини) ягона қонун доирасида, масалан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ёки келгусида қабул қилиниши кутилаётган Тадбиркорлик кодексига белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ тадбиркорлик субъектларига нисбатан оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш асослари ва тартиботларини ягона қонун ҳужжати доирасида белгилаш қонунчилик концепцияси ва конструкцияси ҳамда юридик техника нуқтаи назаридан имконсиз ҳолат, аммо мазкур ҳуқуқий таъсир

чораларини қўллашнинг умумий асослари, қоидалари ва диалектик механизми, тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни битта қонунда аниқ белгилаб қўйиш айти зарурат ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларининг таҳлили ҳуқуқий жавобгарликнинг тўрт турга (фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, интизомий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка) бўлиниши ҳақидаги анъанавий қарашларга нисбатан шубҳа уйғотмоқда. Хусусан, Солиқ кодексининг 16 ва 17-бобларида тадбиркорлик субъектларининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиги белгилаб қўйилган бўлиб, мазкур жавобгарлик турини ўз хусусиятига (мустақил ҳуқуқ соҳаси билан тартибга солинганлиги, алоҳида ҳуқуқ соҳаси билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатларни бузиши ҳамда уларни қўллашнинг хусусиятлари белгиланганлигига) кўра юридик жавобгарликнинг мустақил шакли деб ҳисоблаш учун тўлиқ асос бўла олади.

Шу сабабли тадбиркорлик субъектларининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлигининг назарий асослари ҳамда амалий жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш зарур. Айрим ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигига оид нормалар ўзаро мос келмайди. Масалан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш (ёки қайта ихтисослаштириш) асоси сифатида фақатгина уларнинг атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётганлиги назарда тутилган бўлса, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги 12/149-сонли қўшма

қарорининг 13-банди учинчи қисмида эса тадбиркорлик субъекти фаолиятини тугатиш асослари нисбатан кенгроқ белгиланган. Унга кўра, фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилганда ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилганда ёхуд давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида устав жамғармаси таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаганида, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда қўлланилиши белгиланган.

Тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги ва уларга нисбатан оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш асосларини фақат қонунлар доирасида ва аниқ фактик ҳолатлар бўйича белгилаш ва мазкур ҳолатда ҳаволаки нормалардан воз кечиш шарт.

Тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигини такомиллаштиришда эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир ҳолат бу борадаги параллель жавобгарликни либераллаштириш ва оптималлаштириш ҳисобланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ушбу модданинг санкциясида белгиланган жарима жазоси ва шу билан бирга «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунга биноан лицензияни бекор қилиш, унинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, лицензияни тўхтатиш таъсир чораларидан бири ҳам қўлланилиши мумкин. Солиқ кодексининг 108-моддаси бешинчи қисмида «юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди» деб белгилаб қўйилган бўлиб, мазкур нормалар шаклан иккита субъектнинг жавобгарлигини назарда тутса-да, мазмунан битта субъектнинг ягона ҳуқуқбузарлик факти юзасидан икки марта жавобгарликка тортилишини аниқлатади. Чунки, юридик шахс (бу ерда юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъекти ҳақида гап кетмоқда) ва унинг раҳбари мол-мулки ягона мулкдорга тегишли бўлиб, юридик шахснинг солиқ қонунчилиги бўйича жавобгарлиги ҳам юридик шахс мансабдор шахсининг маъмурий, жиноий ва

бошқа хилдаги жавобгарлиги ҳам юридик шахснинг мулкдорига қаратилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида битта қилмиш учун бир марта жавобгарлик қўлланилиши ҳақида қоида мавжуд. Мазкур қоида ҳуқуқ назариясида ҳам бор⁹. Шу боис қонунчиликдаги ушбу ҳолат «ортиқча» ҳисобланади.

Бордию, солиқ қонунчилигида белгиланган параллел жавобгарликнинг зарурати етказилган зарар (зиён)ни бартараф этиш мақсади билан асосланадиган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни, Жиноят-процессуал кодексда эса жиноят ишини юритиш чоғида жиноят натижасида етказилган моддий (мулкий) зиённи қоплаш масаласи ҳам ҳал этилиши белгиланганлигини эътиборга олиш зарур. Зеро, жазо тайинлашнинг асосий мақсадларидан бири бузилган ҳуқуқни тиклаш, етказилган зарарни қоплашдан иборатдир¹⁰. Ана шу мақсадни таъминлаш учун ҳам юқорида таъкидланган параллел жавобгарликни белгилаш шарт эмас.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ қонунчилиги бўйича параллел жавобгарликнинг вужудга келиш асосларини бекор қилиш керак. Юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектларига оммавий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилганда унинг мансабдор шахсига нисбатан худди шундай чоралар қўлланмаслиги лозим ёки аксинча. Мана шундагина тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари одиллик мезонлари талабларига жавоб беради.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлари учун қўлланиладиган молиявий санкциялар миқдор кўрсаткичи бўйича одиллик мезонига кўп ҳолларда мос келмайди. Мазкур санкциялар ўз вақтида молиявий интизомни таъминлаш мақсадида жорий этилган бўлиб, бу борада маълум ижобий натижаларга эришилди¹¹. Бироқ, ҳозирги вақтда молиявий санкциялар формаллашиб, уларнинг миқдор кўрсаткичи ортиб бормоқда. Масалан, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаганлик — энг кам иш ҳақининг юз бараваригача, фискал хотирали назорат-касса

машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш тартибини бузганлик эса икки юз бараваригача жарима солинишга сабаб бўлади.

Жариманинг бундай миқдори янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари, айниқса яқка тартибдаги тадбиркорлар учун оғирлик қилади, ҳатто уларни иқтисодий ночор ҳолатга тушириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Жазо миқдорининг мутлақ аниқ белгилаб қўйилиши ҳам адолат мезонларига тўғри келмайди. Чунки барча ҳуқуқбузарликлар айнан бир хил шароит ва омиллар таъсирида содир этилмайди.

Жазо чорасини танлаш ҳамда белгилашда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарарли оқибат, ҳуқуқбузарнинг шахси, ҳуқуқбузарлик содир этилгандаги реал вазият ва бошқа ҳолатлар инobatта олинishi лозим¹².

Демак, ҳозирги кунда молиявий санкциялар миқдорини қайта кўриб чиқиш ва табақалаштириш, молиявий санкциялар ўз миқдори бўйича жиноят учун белгиланган жарималар миқдоридан ошиб кетмаслиги ҳамда уларнинг миқдор кўрсаткичини энг қуёи ва юқори чегаралар доирасида белгилаш талаб этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг жиноий жавобгарлигини ҳам либераллаштириш, хусусан уларнинг бу борадаги жавобгарлиги асосларига оид концепцияни қайта кўриб чиқиш лозим. Бунда тадбиркорлик субъектларининг жиноий жавобгарлиги бўйича рағбатлантирувчи асосларни кенгайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар тайинлаш асосларини камайтириб бориб, энг кам даражага тушириш зарур. Агар тадбиркорлик субъектига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланадиган бўлса, мазкур жазонинг ижро этилиши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ҳам истисно этади. Бу эса жамият учун ижтимоий фойдали фаолият турининг барҳам топилишига олиб келади.

Юқорида кўриб чиқилган муаммо ва камчиликларни бартараф этишнинг ечимини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигига оид тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда

тўлдиришлар киритиш орқали ҳал этиш имкони мавжуд. Аввало, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тадбиркорлик субъектларининг маъмурий жавобгарлигини алоҳида институт доирасида белгилаб қўйиш талаб этилади. Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда эса тадбиркорлик субъектларининг маъмурий жавобгарлиги жисмоний шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги таркибида белгиланган.

Тадбиркорлик субъектлари шунчаки оддий маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти эмас, балки ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Уларнинг маъмурий жавобгарлиги айнан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш билан боғлиқ хўжалик фаолияти соҳасидаги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг XIII боби савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка бағишланган бўлиб, мазкур ҳолат ҳам тадбиркорлик субъектларини маъмурий жавобгарликнинг алоҳида субъекти сифатида белгилашни тақозо этади. Ушбу кодексда шундай жавобгарлик нормалари мавжудки, мазкур ҳолатларда фақат тадбиркорлик субъектларигина жавобгар бўлиши мумкин.

Бу борада МДХ мамлакатларининг Маъмурий жавобгарлик (ҳуқуқбузарлик) тўғрисидаги кодексларида тадбиркорлик субъектлари ва юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгилаб қўйилганлигига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Масалан, Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 2.6.2-моддасида, Беларусь Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 4.8-моддасида, Молдова Республикаси Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 17-моддасида, Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 33-моддасида, Озарбайжон Республикаси Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги кодексининг 17-моддасида, Туркменистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 32-моддасида, Қирғизистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар

тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасида ҳамда Тожикистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқ-бузарликлар тўғрисидаги кодекснинг 31-моддасида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан юридик шахслар маъмурий жавобгарлигининг алоҳида хусусиятлари белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тадбиркорлик субъектларини жавобгарликнинг алоҳида субъекти сифатида белгилаш, ўз навбатида, юридик шахсларнинг ҳам маъмурий жавобгарлигини назарда тутати. Чунки, тадбиркорлик субъектининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири юридик шахс ҳисобланади.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланмаган. Бироқ, юқорида қайд этилган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларининг аксарияти жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бир хил тарзда қўлланилади. Ушбу таъсир чораларини қўллашнинг фактик асослари, аслида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга «чанг солганлиги» ҳолати билан боғлиқ. Масалан, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, лицензияларни бекор қилиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, маъмурий жарима, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш каби ҳуқуқий таъсир чоралари бевосита маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга қарши содир этилганлиги фактидан келиб чиқади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тадбиркорлик субъектлари жавобгарлигининг алоҳида белгилаб қўйилиши юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъекти ва унинг мансабдор шахсининг параллел жавобгарлиги ва ғайриқонуний жавобгарлигининг олдини олишда ҳамда тадбиркорлик субъектлари оммавий-ҳуқуқий

жавобгарлиги асосларини аниқ ва қонуний тарзда белгилаш ҳамда бу борадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда бир хил амалиётнинг шаклланишида зарурий аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик субъектлари оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигида етишмаётган зарурий унсур жазонинг индивидуаллашганлигидир. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тадбиркорлик субъектлари жавобгарлигининг алоҳида институт даражасида белгиланиши тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик бўйича жазо тайинлаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлаш мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, МЖТКга қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ:

1) 172-модда. Тадбиркорлик субъектларининг маъмурий жавобгарлиги

Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллаш ҳамда маъмурий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш тартиби ушбу Кодекс ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2) 23-модда. Маъмурий жазонинг турлари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус

хуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш хуқуқидан, ов қилиш хуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш;

6) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш;

7) лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш;

8) лицензиянинг амал қилишини тугатиш;

9) лицензияни бекор қилиш;

10) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш;

11) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш;

12) фаолиятни чеклаш;

13) фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш;

14) фаолиятни тақиқлаш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2–6-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 7–14-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига белгиланиши мумкин. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига ушбу модданинг 1–3-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

3) 292-модда. Лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш

Лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан ўн иш кунидан олти ойгача муддатга қўлланилади.

Бунда суд лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун олти ойгача муддат белгилайди.

4) 293-модда. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш чораси лицензиянинг лицензия шартномаси ва қонун

ҳужжатларида белгиланган муддатлар тугамасдан туриб унинг амал қилишини бекор қилишдан иборат таъсир чораси ҳисобланади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади.

Мазкур таъсир чораси қўллангандан кейин камида олти ойгача лицензиатга лицензияланган фаолият билан шуғулланишга рухсат берилмайди.

5) 294-модда. Лицензияни бекор қилиш

Лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади.

6) 295-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан ўн иш кунидан олти ойгача муддатга қўлланилади.

Бунда суд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун олти ойгача муддат белгилайди.

7) 296-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш чораси рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар тугамасдан туриб унинг амал қилишини бекор қилишдан иборат таъсир чораси ҳисобланади. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади.

Мазкур таъсир чораси қўллангандан кейин камида олти ойгача бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш зарур бўлган ҳаракатларни бажариш ва (ёки) фаолият билан шуғулланишга рухсат берилмайди.

8) 297-модда. Фаолиятни чеклаш

Фаолиятни чеклаш таъсир чораси тадбиркорлик субъектларига муайян фаолият билан шуғулланишни ман этишдан иборат бўлиб, туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади.

Туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича судьясининг фаолиятни чеклаш таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги қароридан айнан қайси фаолият билан шуғулланиш ман этилганлиги аниқ кўрсатилди.

9) 298-модда. Фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш

Фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан ўн иш кунидан олти ойгача муддатга қўлланилади.

Бунда фаолиятни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш учун олти ойгача муддат белгиланади.

10) 299-модда. Фаолиятни тақиқлаш

Фаолиятни тақиқлаш тадбиркорлик субъектининг фаолиятини бутунлай ман этишдан иборат бўлиб, тадбиркорлик субъектининг тугатилишини назарда тутди. Ушбу таъсир чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади.

¹ Бу ҳақда қаранг: [// Xususiy mulk, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni ishonchli himoya qilishni ta'minlash, ularni jadal rivojlantirish yo'lidagi to'siqlarni bartaraf etish yuzasidan ko'rilayotgan chora-tadbirlar samaradorligi.](http://mineconomy.uz)

² 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддаси.

³ 2013 йил 27 декабрдаги «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 22-моддаси.

⁴ 2015 йил 26 августдаги «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддаси.

⁵ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. — Т., 2005. — Б. 336; Тадбиркорлик ҳуқуқи (Умумий қисм). — Т., 2002. — Б. 672; Тадбиркорлик ҳуқуқи (Махсус қисм). — Т., 2002. — Б. 494.

⁶ Шодманов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2002. — Б. 16; Алиев Ф.Н. Яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2007. — Б. 12; Қувандиқов З.О. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2009. — Б. 20; Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. — Т., 2009. — Б. 283.

⁷ Тадбиркорлик ҳуқуқи (Умумий қисм). — Т., 2002. — Б. 672; Тадбиркорлик ҳуқуқи (Махсус қисм). — Т., 2002. — Б. 494.

⁸ Изоҳ: мазкур қонун ҳужжатлари иловада кўрсатилган.

⁹ Оқюлов О., Отахонов Ф. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизмини мустақкамалаш муаммолари. — Т., 2010. — Б. 48.

¹⁰ Раҳмонқулов А.Х. Юридик жавобгарликнинг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2002. — Б. 59.

¹¹ Оқюлов О., Отахонов Ф. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизмини мустақкамалаш муаммолари. — Т., 2010. — Б. 46–48.

¹² Раҳмонқулов А.Х. Юридик жавобгарликнинг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2002. — Б. 62.

Н. Раимова,
самостоятельный соискатель Ташкентского государственного
юридического университета, кандидат юридических наук

ПРАВОВОЙ РЕЖИМ КОММЕРЧЕСКОЙ ТАЙНЫ В ГРАЖДАНСКОМ ОБОРОТЕ

Аннотация. В статье приведен комплексный анализ сущности и правовой природы режима коммерческой тайны в гражданском обороте.

Ключевые слова: конфиденциальная информация, коммерческая тайна, правовой режим, способы защиты прав.

Раимова Н.Фуқаролик муомаласида тижорат сирининг ҳуқуқий режими

Аннотация. Мақолада фуқаролик муомаласида тижорат сирининг ҳуқуқий режимининг моҳияти ва ҳуқуқий табиати комплекс таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: махфий ахборот, тижорат сирининг, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари.

Raimova N. Legal regime of trade secrets in civil turnover

Annotation. The article deals with analysis of essence and legal nature of legal regime of commercial secrets in civil turnover.

Key words: confidential information, trade secret, method of protection of trade secrets.

В последние годы понятие «информация» получило необычайную популярность и стало своеобразным символом прогресса. С недавних пор информация является и правовой категорией — объектом гражданских прав.

Каждому из объектов гражданских прав должен быть придан свой правовой режим. Но если, например, недвижимые и движимые вещи, ценные бумаги, результаты интеллектуальной деятельности тщательно изучены с правовой стороны и пущены в гражданский оборот в рамках веками отработавшихся юридических механизмов и схем, то информация, будучи феноменом по значимости несколько не меньшим, подобного внимания к себе не испытала. Отсутствие должного внимания к информации, в том числе и конфиденциальной, разновидностью которой является коммерческая тайна, со стороны

цивилистики и иных областей юриспруденции привело к размыванию сущностного смысла информации как правовой категории.

О значимости информации, составляющей коммерческую тайну, свидетельствует и то, что одним из условий вступления любой страны во Всемирную торговую организацию (ВТО) является необходимость приведения внутреннего законодательства в соответствие с положениями Соглашения по торговым аспектам прав на интеллектуальную собственность (TRIPS). Это соглашение, в частности, предусматривает необходимость создания государствами — участниками ВТО действенных механизмов защиты прав обладателей секретной коммерчески значимой информации.

В связи с этим возникает проблема познания гражданско-правовых способов

защиты коммерческой тайны, имеющих важное практическое и теоретическое значение.

Расширение экономических отношений между различными хозяйствующими субъектами в различных странах предполагает необходимость совершенствования их правового регулирования. В частности, это касается такого объекта гражданских прав, как конфиденциальная информация, разновидностью которой и выступает коммерческая тайна.

Коммерческая тайна признается законодательством Республики Узбекистан объектом гражданского права. Коммерческую тайну следует отличать от информации, обладающей собственным правовым режимом (информация в узком, специальном смысле слова), а именно от открытых и свободных в доступе на законных основаниях сведений, в отношении которых признаются неимущественные права на поиск, получение, хранение, передачу и распространение информации. В то же время, поскольку содержательным элементом коммерческой тайны, как и ряда иных объектов гражданского права, являются сведения (знания, данные), то о коммерческой тайне можно говорить как об информации (сведениях) в широком смысле слова, т.е. как о благе, не обладающем собственным правовым режимом, но определяющем особенности правовой природы объектов, в состав которых и входит эта информация (сведения).

Следовательно, при характеристике коммерческой тайны следует выделять две группы признаков, присущих данному объекту: специальные признаки (неизвестность, коммерческая ценность и отсутствие на законном основании свободного доступа к информации, составляющей коммерческую тайну) и общие признаки, присущие любой информации (сведениям) в широком смысле этого слова.

К числу признаков информации следует отнести следующие: а) нематериальная

(идеальная) природа информации, раскрываемая, в частности, через такие ее свойства, как содержательность, качественная и количественная определенность, особый характер ценности; б) отделимость информации от лица, являющегося создателем или носителем информации; в) доступность информации через ее представление в объективной форме. Рассмотрим более подробно каждый из указанных признаков применительно к информации, составляющей коммерческую тайну.

Признак нематериальной (идеальной) природы информации, составляющей коммерческую тайну. Нематериальная (идеальная) природа любой информации заключается в том, что информация является благом, для которого не свойственны физические или химические характеристики. Она обладает пространственной обособленностью, которая характерна для вещей как объектов гражданских прав¹. Информации присущи свойства непотребляемости, фактической неотчуждаемости, подверженности моральному, но не физическому старению, способности находиться в одновременном обладании нескольких лиц². Указанные естественные свойства информации (сведений) обуславливают невозможность применения к отношениям, возникающим по поводу коммерческой тайны, а равным образом и по поводу информации как объекта гражданского права, норм о праве собственности. Поэтому представляется необоснованной позиция как ученых, считающих, что информация является «гибридным» объектом, сочетающим в себе свойства и признаки объектов вещных прав³, так и тех, кто рассматривает информацию в качестве особого, бестелесного объекта права собственности⁴.

В структуре любой информации можно выделить два элемента: содержание и форму выражения (представления). Оба эти элемента тесно взаимосвязаны и

взаимообусловлены, однако применительно к коммерческой тайне юридически охраняемым элементом является содержание информации, причем свойство содержательности информации имеет для коммерческой тайны принципиальное значение. Форма объективного выражения сведений, составляющих коммерческую тайну, не имеет юридического значения. Вместе с тем общие требования к форме выражения информации, раскрывающиеся в признаке доступности информации, применимы и к коммерческой тайне.

Свойство содержательности информации заключается в том, что информация представляет собой сведения о лицах, предметах, фактах, событиях, явлениях и процессах, т.е. является обозначением содержания, полученного из внешнего мира. По своему характеру содержательный элемент структуры информации является сложным и многоаспектным. В зависимости от внутренней формы содержания информации можно выделить информацию в виде знания (решения), опыта (навыка, умения, мастерства), идеи и сообщения о событиях и фактах.

Знание – это проверенный практикой результат познания действительности, ее отражение. Информации в виде знания свойственны систематичность, объективность, истинность, непротиворечивость. Разновидностью информации в виде знания является, в частности, технология, под которой в законодательстве понимается, как правило, новое научно-техническое знание (решение), которое проявляется в виде методов, процессов и процедур для разработки, производства, обработки или использования чего-либо. Опыт (навыком, умением, мастерством) является основанное на практике чувственно-эмпирическое познание объективной действительности. Это – особые формы (разновидности) информации, связанные с ее применением. Под идеями понимают совокупность понятий и образов,

выражаемых, как правило, в форме научного или иного произведения.

Особым видом информации являются сообщения о событиях и фактах, которые носят информационный (осведомительный) характер. Это – может быть, например, статистическая информация, сведения, составляющие ту или иную отчетность, и др.

Коммерческую тайну может составлять любой вид указанных сведений, при условии, что они отвечают специальным признакам информации, составляющей коммерческую тайну.

Критерием разграничения информации по содержанию может быть сфера ее применения. В законодательстве закреплено, что информация, составляющая коммерческую тайну, представляет сведения научно-технического, финансово-имущественного, торгового, организационного и иного коммерческого характера. Действующее законодательство позволяет определить наиболее общие признаки таких видов информации.

В зависимости от наличия в содержательном элементе информации творческого начала разграничивают информацию, являющуюся результатом творческой деятельности, и информацию, составляющую результат квалифицированного труда, не связанного с творчеством. Коммерческую тайну могут составлять оба вида указанной информации.

Нематериальная природа информации не препятствует выделению качественных и количественных характеристик информации (сведений). В случае, если такие характеристики имеют положительный характер, информация может определяться через понятие надлежащей для определенных целей информации. К положительным качественным характеристикам информации следует отнести ее достоверность (истинность), этичность, добросовестность, достаточность, своевременность.

Под достоверностью понимают степень

точности данных, которая позволяет пользователю делать правильные выводы о чем-либо и принимать обоснованные решения. Применительно к отдельным видам сведений могут выделяться и иные качества. Например, в отношении научно-технической и иной информации, применяемой в практической деятельности, в науке выделяются такие требования к качеству, как надежность, экономичность, прогрессивность, технологичность и т.д.

К количественным характеристикам информации может быть отнесено требование полноты информации, которое уточняется применительно к отдельным ситуациям предоставления (передачи) информации. Представляется, что требованию соответствия положительным качественным и количественным характеристикам должны отвечать любые сведения, независимо от того, признаются ли они информацией как объектом гражданского права или являются составным элементом иного объекта права, например, коммерческой тайны. Поэтому, в частности, незаконным является установление правового режима коммерческой тайны на сведения, которые являются ложными, связаны с совершением преступлений или их последствиями.

Нематериальная (идеальная) природа информации (сведений), в широком смысле

этого слова, проявляется также в особом характере ценности информации. В науке высказана точка зрения, что под ценностью как особым свойством объектов гражданского права следует понимать способность блага иметь значение, обусловленное тем, что с объектом связан определенный юридический интерес⁵.

Во многих зарубежных странах с рыночной экономикой (США, Англия, Германия, Франция, Япония, Китай и др.) широко внедрен и законодательно закреплён эффективный механизм защиты конфиденциальной информации от различного рода вмешательств как государственных, так и негосударственных структур. К примеру, в ряде стран эффективно действуют законы «О коммерческой тайне», «Об экономическом шпионаже» и др., в уголовном законодательстве группы стран существует целая система наказаний за неправомерное использование конфиденциальной информации.

К сожалению, в отечественном законодательстве на сегодняшний день нет правовых норм, регулирующих отдельные виды конфиденциальной информации. Соответственно, необходимо кардинальным образом пересмотреть и дополнить отечественное законодательство качественно новыми правовыми нормами, устанавливающими правовой режим конфиденциальной информации.

¹ *Лапач В. А.* Система объектов гражданских прав в законодательстве России: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2002. – С. 13.

² Гражданское право. Т. 1 / Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. – М., 1998. – С. 226.

³ *Бачило Н. Я.* Информационное право: основы практической информатики. – М., 2001. – С. 109.

⁴ *Батурин Ю. М.* Теоретические проблемы компьютерного права: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1991. – С. 12–13.

⁵ *Мейер Д. И.* Русское гражданское право. Ч. I. – М., 1997. – С. 137.

Д. Имамова,
старший научный сотрудник-соискатель
Ташкентского государственного юридического университета,
кандидат юридических наук

ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СТОРОН ЗА НАРУШЕНИЕ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИМ СДЕЛКАМ

Аннотация. В статье раскрывается ответственность сторон в случаях неисполнения и ненадлежащего исполнения обязательств по внешнеэкономическим сделкам в соответствии с Венской конвенцией и национальным законодательством. Раскрываются понятия «неисполнение» и «ненадлежащее исполнение» обязательств по контрактам.

Ключевые слова: внешнеэкономические сделки, договор международной купли-продажи товаров, Конвенция ООН О договорах международной купли-продажи товаров, Принципы международных коммерческих договоров УНИДРУА, средства правовой защиты, неустойка, возмещение убытков, упущенная выгода.

Имамова Д. Ташқи иқтисодий битимлар бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Аннотация. Ушбу мақолада Вена конвенцияси ва миллий қонунчилик асосида ташқи иқтисодий битимлар бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг мажбуриятлари ёритилган. Контрактлар бўйича мажбуриятларни «бажармаганлик» ёки «лозим даражада бажармаганлик» тушунчалари очиб берилган.

Таянч тушунчалар: ташқи иқтисодий битимлар, халқаро олди-сотди шартномаси, БМТнинг Товарларни халқаро олди-сотдиси тўғрисидаги конвенцияси, халқаро тижорат шартномалари бўйича УНИДРУА принциплари, ҳимоя қилиш воситаси, неустойка, зарарларни қоплаш, бой берилган фойда.

Imamova D. Responsibility of the sides for breaking the obligations under foreign economic transactions

Annotation. The article deals with expanding responsibility of the parties in cases of non-performance or improper performance of obligations by foreign economic transactions in accordance with the Vienna Convention and national legislation, discloses the notion of non-performance or improper performance of obligations by contract.

Key words: foreign economic transactions, contract for the international sale of goods, UN Convention on Contracts for the International Sale of Goods, Principles of International Commercial Contracts, legal remedy, penalty, compensation for damages, lost profits.

В настоящее время с широким развитием внешнеэкономических отношений увеличивается потребность в заключении внешнеэкономических сделок. Одним из важных условий во внешнеэкономических сделках является определение ответственности сторон за нарушение обязательств по контракту. Поэтому при заключении внешнеэкономических сделок стороны наиболее часто обращают внимание на определение ответственности за неисполнение или ненадлежащее исполнение обязательств по контракту.

Последствия неисполнения или

ненадлежащего исполнения внешнеэкономических сделок может быть определено сторонами по взаимному согласию или согласно выбранному применимому праву страны, а в случае его отсутствия — на основании коллизионных норм. Под неисполнением обязательств по внешнеэкономическим сделкам следует понимать, что одна из сторон не выполнила обязательство перед другой стороной согласно условиям подписанного контракта, а под ненадлежащим исполнением — исполнение обязательств с нарушениями условий контракта (например, несвое-

временная оплата, недопоставка товара согласно условиям контракта).

В связи с коллизионным регулированием вопросов ответственности по внешне-экономическим сделкам необходимо отметить следующие три обстоятельства.

Во-первых, нормы о гражданско-правовой ответственности сторон содержатся в применимом национальном законодательстве, так как входят в обязательственный статут сделки. Диспозитивные нормы национального законодательства позволяют сторонам внешнеэкономической сделки формулировать положения об ответственности, отличающиеся от предусмотренных гражданским законодательством (понижать или повышать размер ответственности, устанавливать дополнительные основания ответственности и т.п.). При этом должны соблюдаться обязательные к исполнению требования национального законодательства, например, соотношении убытков и неустойки, соблюдении принципа добросовестности, недопущении злоупотребления правом. Во-вторых, пределы ответственности лица по своим долгам определяются его личным законом. В-третьих, нормы об ответственности содержатся также в международных соглашениях.

Вопросы, связанные с последствием нарушения условий договора международной купли-продажи товара, регламентированы в Конвенции ООН о договорах международной купли-продажи от 1980 г. (далее — Венская конвенция), согласно которой общей формой ответственности является возмещение убытков, включая упущенную выгоду. Условие о неустойке, например, за просрочку исполнения, должно оговариваться в контракте. Возмещаемые убытки не могут превышать ущерб, который нарушившая сторона предвидела или должна была предвидеть в момент заключения договора. Ответственность не наступает, если обязанная сторона докажет,

что нарушение договора было вызвано «препятствием вне ее контроля». Эта формула принимается в комментариях к Венской конвенции как возлагающая ответственность независимо от наличия вины¹.

Препятствие вне контроля характеризуется Венской конвенцией как непредвиденное, неотвратимое и непреодолимое обстоятельство. Из положений Венской конвенции следует, что сторона — нарушитель обязательств по внешнеэкономической сделке должна доказать событие, препятствующее исполнению, которое наступило несмотря на то, что были предприняты все необходимые и разумные меры, такие как предотвращение такого препятствия или наступления его последствий. Например, таким препятствием могут быть стихийные бедствия, блокады, войны и т.д.

При этом факт невозможности исполнения обязательств одной из сторон, которая является должником, не принимается во внимание, если исполнение объективно было возможно. В том случае, когда определенные события создают лишь затруднение должнику к исполнению, такие события не могут рассматриваться как «препятствие вне контроля» должника.

При определении правовых последствий нарушения договора международной купли-продажи товаров положения Венской конвенции акцентируют внимание не на обязательствах неисправной стороны, хотя такой вывод может быть сделан из структуры Венской конвенции, а на субъект, чьи права нарушены, и с этой целью ему предоставляются средства правовой защиты для обеспечения своего интереса².

Как показывает судебная практика, обращение к коллизионному регулированию, как правило, возникает в связи с вопросами определения ответственности стороны за неисполнение своих обязательств по договору. Здесь нужно оговориться, что само понятие «ответст-

венность» не употребляется в Венской конвенции, а вместо него используется понятие «средство правовой защиты», т.е. субъективное право, которое предоставляется потерпевшей стороне³.

Основным средством правовой защиты против нарушения договора по Венской конвенции является возмещение убытков. Убытки понимаются как реальный ущерб и упущенная выгода (ст. 74). Однако их размер не должен быть более того ущерба, который могла и должна была предвидеть нарушившая договор сторона. Аналогичное положение о предвидимости ущерба включено также в ст. 7.4.4 Принципов международных коммерческих договоров УНИДРУА (далее – Принципы УНИДРУА).

Данное положение является одной из отличительных черт понятия убытков по Венской конвенции, и происходит оно также из общего права⁴, хотя схожие положения имеются и в законодательстве некоторых стран континентальной Европы. Например, согласно ст. 1150 французского ГК должник отвечает лишь за убытки, которые являются предвидимыми или должны быть предвидимыми, за исключением случаев, когда убытки причинены путем обмана.

Зарубежные суды при взыскании убытков по ст. 74 Венской конвенции специально исследуют вопрос о том, не превышает ли размер убытков той суммы, которую можно было предвидеть во время заключения контракта⁵. Под убытками понимаются реальный ущерб, т.е. расходы, которые лицо, чье право нарушено, произвело или должно будет произвести для восстановления нарушенного права, утрата или повреждение его имущества, а упущенная выгода – неполученные доходы, которые это лицо получило бы при обычных условиях гражданского оборота, если бы его право не было нарушено⁶.

В Венской конвенции предусматривается принуждение к исполнению договора в натуре, являющееся одной из форм

оперативного воздействия на нарушителя договора. Однако согласно ст. 28 Венской конвенции суд не обязан выносить решение об исполнении в натуре, кроме случаев, когда он сделал бы это на основании собственного закона в отношении аналогичных договоров купли-продажи, не регулируемых Конвенцией. Исполнение договора в натуре как форма ответственности характерно для государств континентальной Европы, в то время как в странах англо-американского права такая форма ответственности носит исключительный характер. Суды общего права, по общему правилу, не выносят решения о присуждении реального исполнения (*specific relief*) за нарушение контракта. Обычно они выносят решения о присуждении убытков в виде суммы денег, которая должна возместить истцу его убытки⁷.

Одной из распространенных форм ответственности при неисполнении или ненадлежащем исполнении обязательств по внешнеэкономическим сделкам является условие выплаты неустойки за просрочку исполнения, которое оговаривается сторонами в контракте, а в случае его отсутствия действует применимое право страны. Например, при выборе сторонами внешнеэкономической сделки законодательства Республики Узбекистан ответственность сторон в виде определения форм и размеров неустойки (штраф и пеня) будет регулироваться нормами Гражданского кодекса Республики Узбекистан и Закона Республики Узбекистан «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов».

Неустойка является одним из широко распространенных способов обеспечения обязательств. Легальное определение неустойки отражено в ст. 260 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, где говорится о том, что неустойкой признается определенная законодательством или договором денежная сумма, которую должник обязан уплатить кредитору в случае

неисполнения или ненадлежащего исполнения обязательств.

Штраф представляет собой однократно взыскиваемую сумму, которая обычно выражается в виде твердо обозначенной денежной суммы, хотя и может выражаться в виде процентов пропорционально заранее определенной величине, а пеня применяется при просрочке исполнения обязательства и начисляется непрерывно за каждый день просрочки в течение определенного времени или всего периода просрочки⁸.

В международной практике существуют различия, которые имеются между национальными правовыми порядками, не позволяют сформулировать общие для всех или большинства стран определения конкретных форм ответственности, равно как и оснований освобождения от ответственности. Поэтому такие понятия, как «убытки», «неустойка», «форс-мажор», «затруднения», в различных правовых системах имеют неодинаковый смысл и содержание. На это обстоятельство было обращено внимание ЮНСИТРАЛ при подготовке Краткого сборника по прецедентному праву к Венской конвенции 1980 г. (§ 2 гл. III).

В частности, различие в содержании соответствующих понятий в национальном праве сделало невозможным закрепление в Венской конвенции 1980 г. терминов и категорий, характерных для определенных правовых систем. Руководствуясь стремлением придать Венской конвенции большую гибкость и, таким образом, универсальность, ее разработчики использовали абстрактные категории, например, вместо понятия «форс-мажор» или «непреодолимая сила» Венская конвенция использует категорию «препятствия вне контроля».

Следует отметить, что согласно французскому праву (ст. 1152 ФГК), а также законодательству Швейцарии (ст. 163 Обязательственного закона) и Германии (§ 343 ГГУ) суду позволяется уменьшить размер неустойки, если она является «чрезмерно высокой». Однако суд может и увеличить размер присуждаемой суммы, если она чрезмерно низка. Право скандинавских государств

(Дания, Швеция, Финляндия, Норвегия) позволяет суду либо уменьшать размер неустойки, либо признать ее недействительной, если она является неразумной. Право суда или арбитража снизить размер неустойки «до разумных пределов, если она чрезвычайно велика», предусмотрено также Принципами УНИДРУА. Причем данное право в отношении неустойки (в Принципах оно именуется «согласованным платежом при неисполнении») действует «независимо от какого-либо соглашения сторон об ином» (п. 2 ст. 7.4.13)⁹.

Согласно ст. 24 Закона Республики Узбекистан «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов» в случае неисполнения или ненадлежащего исполнения одной из сторон договорных обязательств эта сторона: возмещает другой стороне причиненные убытки и несет иную ответственность в порядке, предусмотренном Гражданским кодексом Республики Узбекистан, настоящим Законом, другими актами законодательства и договором. В данном законе предусматриваются меры ответственности за неисполнение и ненадлежащее исполнение хозяйственных договоров. В случаях, если стороны при заключении внешнеэкономических сделок сами отразят меры и размеры ответственности, то они будут обладать юридической силой, а в случае отсутствия каких-либо видов ответственности стороны вправе применять нормы данного закона, если иное не предусмотрено в контракте.

В странах англо-американского права существенными чертами ответственности являются исключительно компенсационный характер и невозможность взыскания штрафных санкций. Как уже отмечалось, основной формой ответственности в странах общего права является возмещение убытков. Неустойки и прочие формы ответственности, по общему правилу, взысканию не подлежат (не пользуются судебной защитой)¹⁰. Уплачиваемая при нарушении договора фиксированная сумма может выступать либо в виде заранее согласованных убытков (liquidated damages), либо в виде штрафа (penalty)¹¹.

Следует отметить, что в Венской конвенции говорится об обязанности виновной стороны возместить убытки. Правил о неустойке Венская

конвенция не устанавливает, следовательно, неустойка носит не нормативный, а договорный характер. В отличие от внутренних сделок, внешнеэкономические сделки характеризуются специфическими убытками.

Согласно Венской конвенции ответственность заключается в возможности стороны приостановить, в ответ на нарушение другой стороной контракта, исполнение своих обязательств либо расторгнуть договор и обязанности виновной стороны возместить убытки, причиненные нарушением договора.

Приостановление исполнения своих обязанностей по договору допускается, если после заключения договора становится очевидным, что другая сторона не исполнит в значительной части свои договорные обязательства, например, в силу ее неплатежеспособности. Однако сторона должна продолжить исполнение, если получит достаточные гарантии встречного исполнения. В силу ст. 72 Венской конвенции сторона может расторгнуть договор, если становится очевидным, что другая сторона совершит существенное нарушение договора. Указанные случаи характеризуются как реакция на так называемое «предвидимое нарушение договора».

В качестве мер ответственности за нарушение контрактных обязательств Венская конвенция предусматривает оперативные санкции и меры ответственности, в строгом смысле слова. Оперативные санкции исправный контрагент может применить в силу самого факта нарушения контракта, а меры ответственности – только в случае вины неисправного контрагента (ст. 74). Обстоятельства непреодолимой силы (форс-мажор) исключают вину и освобождают от ответственности¹².

Существуют ограничительные оговорки об ответственности (за рубежом они именуются *handcuffscloauses*, дословно – оговорки о наручниках), которые направлены на исключение применения положений применимого права об ответственности к отношениям сторон по данному контракту. Контракт, таким образом, видится единственным источником, регулирующим отношения сторон в области ответственности. Л. Ди-Мацо приводит пример такой оговорки:

«Положения об ответственности, предусмотренные в настоящем договоре, являются исключительными и не позволяют сторонам искать иные средства правовой защиты своих прав согласно применимому праву, но не предусмотренные настоящим договором»¹³. По мнению О. Сандрок, ограничительные оговорки являются недействительными в той степени, в которой они ограничивают стороны в осуществлении тех их прав, которыми они обладают согласно императивным нормам применимого к контракту права¹⁴.

К ограничительным оговоркам об ответственности примыкают так называемые исключительные оговорки (*exclusiveclauses*), определение которых дано в ст. 7.1.6 Принципов УНИДРУА: «Оговорка, которая ограничивает или исключает ответственность одной стороны за неисполнение или допускает, чтобы одна сторона произвела исполнение, существенно отличающееся от того, что другая сторона разумно ожидала, не может быть использована, если ее использование привело бы к явной несправедливости, принимая во внимание цель договора»¹⁵.

Важное значение имеют основания освобождения от ответственности, прежде всего обстоятельства непреодолимой силы, или форс-мажор. Стороны во внешнеэкономических сделках вправе сами определить те обстоятельства, которые будут освобождать их от ответственности за неисполнение обязательств, однако при формулировании форс-мажорных оговорок нередко не учитываются последствия той или иной формулировки, что приводит к снижению или повышению имущественной ответственности соответствующей стороны контракта. Указание во внешнеэкономических сделках на конкретные обстоятельства, освобождающие от ответственности, в дальнейшем лишает заинтересованную сторону возможности ссылаться на какое-либо иное «препятствие вне контроля», если оно не было предусмотрено перечнем, содержащимся в контракте. При этом желательно использовать ссылки на различные типовые международные документы, принятые и широко применяемые в международной торговой практике, а именно на Общие условия

экспортных поставок машинного оборудования, разработанные Европейской Экономической Комиссией ООН, ИНКОТЕРМС, Принципы УНИДРУА, которые вызывают доверие среди коммерсантов всего мира.

Необходимо отметить, что выбор конкретной системы внутреннего законодательства для регулирования отношений сторон необходим в силу возможности подчинения внешне-экономических сделок нескольким правовым системам и вероятности возникновения

неопределенности вследствие неоднозначного регулирования отношений нормами различных государств, т.е. стороны должны в контракте сделать оговорку о применимом праве страны или предусмотреть меры ответственности сторон за неисполнение или ненадлежащее исполнение обязательств по контракту. Также стоит детально относиться к составлению внешнеэкономической сделки, лишь в этом случае можно избежать больших финансовых затрат по разрешению споров и долгих судебных тяжб.

¹ Богуславский М. М. Международное частное право. – М., 2010. – С. 325.

² Жарский А. В. Правовые последствия нарушения договора международной купли-продажи товаров: общая характеристика на основе Венской конвенции 1980 г. // Право и экономика. – 2001. – №11. – С. 40.

³ Канашевский В. А. Внешнеэкономические сделки: материально-правовое и коллизионное регулирование. – М., 2008. – С. 169.

⁴ Дело Hadleyv. Baxendale. См.: *DiMatteo L. A. The Law of International Contracting.* – The Hague: Kluwer Law International, 2000. – P. 148.

⁵ Канашевский В. А. Внешнеэкономические сделки: материально-правовое и коллизионное регулирование. – М., 2008. – С. 169.

⁶ Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Узбекистан. Т.1 / Под. ред. Х. Р. Рахманкулова, Ш. М. Асыянова. – Т., 2010. – С. 661.

⁷ Канашевский В. А. Внешнеэкономические сделки: материально-правовое и коллизионное регулирование. – М., 2008. – С. 170.

⁸ Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Узбекистан. Т.1 / Под. ред. Х. Р. Рахманкулова, Ш. М. Асыянова. – Т., 2010. – С. 581.

⁹ Канашевский В. А. Внешнеэкономические сделки: материально-правовое и коллизионное регулирование. – М., 2008. – С. 86.

¹⁰ Там же. – С.170.

¹¹ Шмиттгофф К. М. Экспорт: право и практика международной торговли / Пер. с англ. – М., 1993. – С. 78.

¹² Гетьман-Павлова И. В. Международное частное право: Учебник для магистров. – М., 2013. – С. 456.

¹³ *DiMatteo L. A. The Law of International Contracting.* The Hague: – Kluwer Law International, 2000. – P.61.

¹⁴ *Sandrock O. Handcuffs Clauses in International Commercial Contracts // The International Lawyer.* – 1997. – № 31. – P. 1116.

¹⁵ Канашевский В. А. Внешнеэкономические сделки: материально-правовое и коллизионное регулирование. – М., 2008. – С. 85.

*А. А. Султонов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
дастлабки тергов ва криминалистика
кафедраси ўқитувчиси*

ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАР ИНСТИТУТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада процессуал чиқимлар институтининг вазифалари, ушбу институтни такомиллаштириш, жиноят ишларини юриштирининг сифатини ошириш, жиноят процессининг умумий қийматини аниқлаш ҳамда коррупция ривожланишига сабаб бўлувчи омиллардан бирини бартараф этишга оид фикр ва мулоҳазалар берилган.

Таянч тушунчалар: процессуал чиқимлар, процессуал чиқимлар институтининг жиноят-процессуал аҳамияти ва вазифалари, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари.

Султонов А.А. Задачи института процессуальных издержек и перспективы его совершенствования

Аннотация. В статье проведен анализ задач института процессуальных издержек, даются предложения по совершенствованию данного института и повышению качества расследования уголовных дел, определению общей стоимости уголовного процесса, а также устранению факторов, способствующих развитию коррупции.

Ключевые слова: задачи уголовно-процессуального законодательства, процессуальные издержки, уголовно-процессуальное значение, задачи института процессуальных издержек.

Sultonov A.A. Problems of institution of the procedure costs and the prospects of its improvement.

Annotation. The article deals with analysis of the problems of institution of procedure costs, offers on perfection of institution of procedure costs and improvement of quality of the investigation of criminal cases, definition of the total cost of criminal trial, and the elimination of the factors promoting development of corruption.

Key words: Problems of the criminal procedure legislation, procedure costs, criminal procedure value, problems of the institute of procedure costs.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида янги концепциянинг ҳаётга татбиқ этилиши фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш борасида том маънода янги ҳуқуқий замин яратди. Бу айниқса, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштиришга қаратилган ислоҳотларда яққол кўринади. Зеро, барча янгиланишлар замирида қонунийлик, одил судловни таъминлаш ва инсонпарварлик принциплари, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини таъминлаш самарадорлигини ошириш каби мақсадлар мужассамдир.

Жиноят-процессуал қонунчиликни янада эркинлаштириш ҳамда такомиллаштиришга йўналтирилган ислоҳотлар доирасида алоҳида эътиборга молик яна бир ҳуқуқий институт борки, унинг такомиллашуви аввало жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазифаларининг самарадорлигига ва принципларининг таъминланишига хизмат қилади.

Жумладан, процессуал чиқимлар институти жиноят процессида катта аҳамиятга эга бўлса-да, унинг бугунги жиноят-процессуал ҳолати мавжуд имкониятларини тўла намоён қилмаяпти. Бу, бир томондан, процессуал чиқимлар институтини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш зарурати

билан боғлиқ бўлса, иккинчи томонидан процессуал чиқимлар институтига оид жиноят-процессуал муносабатлар доирасини фақат жиноят ишларини юритишга оид харажатларни қоплаш тариқасидаги қараш билан чекламоқда.

Юқоридаги омиллар процессуал чиқимлар институтининг жиноят процессида тутган ўрни, аҳамияти, ҳуқуқий тартибга солиниши ва амалий жиҳатларини илмий тадқиқ этишга эҳтиёж мавжудлигини намоён қилади. Зеро, процессуал чиқимлар институти, аслида, нафақат жиноят ишларини юритишни моддий жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган, балки жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини ижро этувчи институтлардан биридир. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда жиноят-процессуал муносабатлар айнан процессуал чиқимлар институти таъсирида юзага келади ва ривожланади.

Процессуал чиқимлар институтининг аҳамияти ва вазифалари хусусида қатор қарашлар шаклланган. Уларнинг ҳар бирида процессуал чиқимлар институтига оид муайян миллий қонунчилик тажрибаси ва юридик табиати кўзга ташланиб туради. Жумладан, А. Х. Раҳмонқуловнинг фикрича, «процессуал чиқимлар – жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун, шунингдек ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш кабилар учун тўланадиган пул суммалари бўлиб, улар давлат томонидан тўланади»¹. Шу билан бирга, процессуал чиқимлар институтининг аҳамиятини асосан, жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун, шунингдек ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатишни моддий таъминлаш билан боғлаб, улар орқали барча турдаги чиқимларни қамраб олишни назарда тутаяди. Аммо, бизнингча, процессуал чиқимларнинг аҳамиятини фақат муаллиф эътироф этган чиқимлар билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Боиси, улар

ўз хусусиятлари ҳамда мақсадларига кўра нисбатан кенгроқ кўринишда намоён бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, О. Ю. Кузнецов томонидан процессуал чиқимлар институтининг умумий вазифалари сифатида эътироф этилган қуйидаги қарашлари алоҳида қизиқиш уйғотади:

– процессуал чиқимлар жиноят процесси иштирокчиларига зиммаларидаги вазифаларни бажаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратади;

– жиноят ишларини юритишда давлат ҳисобидан сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш имконини беради;

– жиноят процессига кўмаклашувчи иштирокчиларнинг моддий (биринчи навбатда молиявий) манфаатлари муҳофаза қилинишини таъминлайди;

– турли билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни кенгроқ доирада жалб этиб, жиноят иши юритилишининг сифатини оширишга замин яратади;

– ўзининг профилактик хусусиятини намоён этиб, жиноят ҳақида етарли асосланмаган ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишларнинг олдини олади;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қўшимча шакли сифатида намоён бўлади².

Процессуал чиқимлар институтининг умумий жиҳатлари нуқтаи назаридан, муаллиф томонидан эътироф этилганларга қўшилиш мумкин. Аммо уларни процессуал чиқимлар институтининг вазифалари ёки мақсадлари тариқасида қабул қилиш масаласи атрофлича мулоҳаза юритишни талаб этади. Шу асосда юқорида келтириб ўтилган умумий вазифаларнинг учтаси ўз мазмунига кўра процессуал чиқимлар институтининг мақсадларига мувофиқ келади. Боиси, «мақсад» атамаси аслида «вазифа» сўзига яқин бўлиб, араб тилидаги «ният», «юқори тилак», «интилиш» сўзларидан олинган ва луғавий мазмуни жиҳатидан «эришиш», «амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса», «муддао»

маъноларини англатади³. Бироқ, кейинги вазифаларнинг амалга оширилиши бевосита мазкур институтни янада такомиллаштириш натижалари билан боғланган. Чунки, араб тилидаги «амал», «хизмат» ва «топшириқ» атамаларининг бирикмасидан шаклланган «вазифа» сўзи ўзбек тилида, «зиммасида бўлган иш», «доим амалга ошириладиган», «амал қилинадиган», «бажариш учун берилган ишлар» маъноси-ни ифодалайди⁴. Юқорида келтирилган фикрлар процессуал чиқимлар институтига муайян вазифаларни юклашидан олдин уни юридик ва моддий жиҳатдан мукамал тартибга солиш ва ўзаро мувофиқлаштириш шартлигини англатади. Негаки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда процессуал чиқимларнинг турлари ва ундирилиши тартибга солинган бўлса-да, бироқ уларни қоплаш манбалари ва амал қилишнинг ишчан механизмини шакллантириш вазифаси охирига етказилмаган.

Шу боисдан процессуал чиқимлар институтини тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш мақсадида, процессуал чиқимлар институтининг вазифаларини илмий-назарий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш учун зарурий шарт-шароит яратиш. Ушбу йўналиш жиноят процесси иштирокчиларининг тоифаларидан келиб чиқиб ўзаро фарқланиши мумкин. Жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноят ишига алоқадор далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган тергов ҳаракатларини ўтказиш, шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш, ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш, экспертиза муассасаларида экспертиза текшируви ўтказиш каби ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фаолиятини моддий-ташкилий жиҳатдан таъминлаш масаланинг бир жиҳатини ташкил этади. Унинг иккинчи жиҳати эса жиноят ишини юритишга кўмаклашувчи шахслар, яъни гувоҳ, эксперт, таржимон,

мутахассис ва холисларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб-кетиши, кундалик машғулотларидан чалғитганлик учун тўлов, иш жойидаги ўртача ойлик маошининг сақланишига оид нормаларни қўллаш тартибини жорий этиш ҳамда уларни жиноят процессида кўрсатган кўмаклари учун қўшимча равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш, шахсий хавфсизлигини кафолатлаш кабиларда ўз ифодасини топади. Демак, ушбу вазифаларнинг ҳар томонлама тўлиқ бажарилиши процессуал чиқимлар институтининг жиноят процесси иштирокчилари зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг мақсад ва вазифалари самарали амалга оширилишга хизмат қилади.

2. Жиноят процесси иштирокчиларининг моддий манфаатларини самарали муҳофазалаш. Ушбу вазифа бевосита Жиноят-процессуал кодекснинг 75-моддасида белгиланган: «Жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақирилган шахснинг иш жойидаги ўртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланади. Ишламайдиган шахсларга улар кундалик машғулотлари билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади. Бундан ташқари, кўрсатилган ҳамма шахслар чақирилиши муносабати билан қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эгадирлар. Эксперт, мутахассис ва таржимон ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади»: Айнан ушбу қоиданинг амал қилиши жиноят процесси иштирокчиларининг ишда иштирок этишлари билан боғлиқ сарф-харажатлари ёки бой берилган даромадлари қопланишининг кафолати, уларнинг жиноят процессига фаол жалб этилишини таъминловчи

бирламчи омил бўлиб, моддий манфаатлари самарали муҳофаза қилинишини таъминлайди. Жиноят процесси иштирокчилари манфаатларининг таъминланмаслиги, ўз навбатида, бир томондан, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг манфаатларини, бошқа томондан, жиноят процессида кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, моддий манфаатларини камситиш эвазига муҳофазалаш деб тушунишга асос беради. Бу эса амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам беришдек асосий вазифани эътибордан четда қолдириш демакдир.

3. Махсус билим ва кўникмаларга эга мутахассислар ҳамда зарур маълумотга эга шахсларни жалб этишнинг самарали тизимини жорий этиш орқали жиноят ишини юритиш сифатини ошириш. Процессуал чиқимлар институти мазкур вазифасининг тўлақонли бажарилиши жиноят иши заруратидан келиб чиқиб, психолог, педагог, таржимон, агроном, шифокор, диний масалалар бўйича мутахассис каби керакли билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни жалб этган ҳолда, улар хизматидан самарали фойдаланиб, экспертиза текширувларининг сифатини ошириш, вазият тақозоси билан барча тергов ва процессуал ҳаракатларни ўз вақтида тўлиқ амалга ошириш орқали, жиноят ишлари бўйича синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларга асосланган қарор қабул қилиб, жиноят ишини белгиланган муддатларда сифатли тамомлаш имконини беради. Пировардида, жиноят ишларини ўз вақтида, сифатли олиб бориш орқали уларнинг қўшимча терговга қайтиши каби салбий ҳолатларнинг камайишига эришиш мумкин. Бу эса жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан иборат жиноят-процессуал қонун

ҳужжатларининг вазифаларига ҳам мувофиқ келади.

4. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш. Процессуал чиқимлар институтининг профилактик хусусиятини икки хил тавсифлаш мумкин. Биринчидан, фуқаролар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, яъни жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши билан бирга, ундан жиноят ишини юритиш учун сарфланган харажатларнинг сўзсиз ундирилишига сабаб бўлади. Бу эса жиноятчиликка қарши кураш сиёсати негизида жиноий қилмиш оқибатларидан хавфсирамасликка сабаб бўлувчи омиллар, яъни эълон қилиниши мумкин бўлган амнистия акти, жиноят ишининг ярашув муносабати билан тамомланиши, тайинланиши мумкин бўлган жазо чораларининг энгиллиги ва бошқа шу кабиларнинг таъсирини камайтиради, қўшимча иқтисодий таъсир чораси сифатида қонунга зид хатти-ҳаракатларни содир этмасликка ундайди ёки содир этилишига чек қўйиши мумкин. Иккинчидан, жиноят процессида процессуал чиқимлар институтининг ишчан механизми оптимал тарзда шаклланмаганлиги, жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахсларни иш юритиш билан боғлиқ харажатларни қонунда назарда тутилмаган манба ҳисобидан қоплашга ундаши баробарида юқоридаги каби жиноятларнинг олдини олиш учун учун объектив муҳит шакллантирувчи омил бўлиб қолмоқда. Шу боисдан, процессуал чиқимлар институтининг такомиллаштирилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасидаги ҳокимият ва мансаб ваколатидан четга чиқиш ҳамда уни суиистеъмол қилиш, тамагирлик ва бошқа коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи муносабатларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига таъсир этади.

5. Жиноят ҳақидаги асосланмаган ариза ва хабарларнинг сонини камайтириш. Бунда жабрланувчининг шикоятини бўйича қўзғатилган иш юзасидан судланувчи оқланган тақдирда суд процессуал чиқимларини иш

юрителишига сабаб бўлган шикоятни берган шахсдан тўлиқ ёки қисман ундириб олиш самарадорлигини оширишни назарда тутди. Бу эса жиноятга оид ариза, хабарларни қабул қилиш жараёнида мурожаат этувчини бу ҳақда огоҳлантиришга доир процессуал тартиб жорий этилишини талаб этади. Натижада жиноят ҳақидаги ариза ва бошқа мурожаатларни текширишга ваколатли шахслардан юксак касбий малака ва масъулиятни талаб қилиш билан бирга, асосиз ариза ва мурожаатлар ҳажми камайишига ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслигига, қолаверса, қонуннинг тўғри татбиқ қилинишига эришиш мумкин.

6. Жиноят ишларини юритишда давлат томонидан сарфланган харажатлар миқдорини, яъни жиноят процессининг умумий қийматини аниқлаш. Процессуал чиқимлар, шунингдек жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини ташкилий-моддий таъминлашга давлат томонидан сарфланган харажатлар миқдори, унинг учун сарфланган меҳнат ва воситалар ҳажми орқали муайян жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамасининг моддий қийматини аниқлашнинг аҳамияти катта.

Биринчидан, жиноят ишини юритишнинг қиймати билан жиноий жавобгарликка тортишдан кўзда тутилган мақсад ва эришилган натижаларни ўзаро таққослаб, жиноят ҳуқуқига оид сиёсатнинг истиқболдаги энг мақбул стратегиясини белгилаб олиш мумкин. Мисол учун, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кирадиган айрим турдаги жиноят ишлари мавжудки, уларни юритишнинг процессуал тартибига қўйилган талаблар ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан оғир ва ўта оғир жиноятлар билан тенг иш ҳажми ва моддий маблағ сарфланишини талаб этади. Бироқ, ушбу турдаги жиноят ишлари бўйича айбдор шахсларга тайинланиши мумкин

бўлган жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари нисбатан енгил ҳамда ярашув, хусусий айблов ёки эълон қилинган амнистия актининг таъсирига тушиш эҳтимоли катта ҳисобланади. Бу эса улар бўйича иш юритиш тартибини тоифалаштириш, яъни жиноятларнинг ижтимоий хавфлилики даражасидан келиб чиқиб дастлабки терговни олиб бориш тартибини соддалаштириш ҳамда бу орқали сарфланган вақт ва моддий маблағлар ҳажмини камайтиришнинг энг мақбул янгича механизмини шакллантириш лозимлигини англатади. Шу ўринда, тежаб қолинган ушбу вақт ва маблағлар ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан оғир ва ўта оғир жиноят ишлари бўйича иш юритувига йўналтирилса, жиноят ишларининг сифати оширилади ҳамда моддий маблағнинг тежалишига эришилади. Энг асосийси, бу орқали жиноят ишларини юритишда сарфланган моддий маблағ, куч ва воситалар ҳажми билан шахсларни жиноий жавобгарликка тортишдан кўзда тутилмаган мақсадларга эришиш даражаси ўртасидаги номутаносибликка барҳам бериш имкони юзага келади.

Иккинчидан, дастлабки тергов органлари томонидан айрим тоифадаги ишларни юритиш тартибини соддалаштириш ва самарадорлигини оширишга асос яратилади. Бу процессуал чиқимлар институтининг таъсир доирасига киритилмаган, аммо ваколатли идораларнинг қарори асосида бекор қилинган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш, дастлабки тергов ҳаракатларини тўхтатиш ёки тугатишга оид жиноят ишлари бўйича қўшимча тергов ва суриштирув ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларнинг умумий ҳажми ва иш юзасидан қабул қилинган якуний қарор мазмунини таққослаш натижаларига асосланади. Улар билан боғлиқ ишларнинг ихчамлаштирилган тартибини шакллантириш эса жиноят ишларини олиб боришдаги одил судловни таъминлаш учун давлат томонидан сарфланмаган харажатларни

нафақат тежайди, балки дастлабки тергов идоралари фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Процессуал чиқимлар институтининг самарали фаолияти жиноят ишларини юритишда давлат томонидан сарфланган харажатларнинг муайян қисмини ундириш орқали давлат хазинасини тўлдириши билан бирга, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг давлат манфаатларини муҳофазалаш вазифасининг бажарилишини таъминлайди.

7. Давлат ҳисобидан амалга оширилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлашни моддий кафолатлаб, ҳимоя институтини такомиллаштириш. Гарчи адвокатура ва юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилинган жиноят процесси иштирокчилари билан боғлиқ харажатларни давлат ҳисобига ўтказишни такомиллаштириш юзасидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, уларни моддий кафолатлаш манбаи ҳамда амалга ошириш механизми жиноят-процессуал қонунчиликнинг процессуал харажатлар институти доирасида узил-кесил ҳуқуқий тартибга солинмаган. Бу эса жиноят ишларини юритиш жараёнида процесс иштирокчиларининг ҳимоя билан таъминланишига сезиларли таъсир этмоқда.

Маълумки, юридик ёрдам кўрсатиш бўйича давлат ҳисобига ўтказилган харажатларни тўлаш масъулияти Молия вазирлигининг Фуқарони юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарган орган жойлашган жойдаги газначилик ҳудудий бўлинмаси зиммасига юклатилган⁵. Аммо, ушбу харажатларни тўловчи органнинг бевосита жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари қошида ташкил қилинмаганлиги суд-тергов амалиётида ушбу ҳаракатларни амалга ошириш борасида қўшимча вақт ва иш ҳажми талаб этилаётганлигини ҳамда маблағларни ўз вақтида тегишли адвокатлик муассасаси ҳисобварағига ўтказиб бериш билан боғлиқ

ташкилий муаммоларни вужудга келтирмоқда. Бу эса жиноят ишларининг гумон қилинувчи ёки айбланувчини ҳимоячидан воз кечганлиги ҳақидаги баённомани расмийлаштириш орқали ҳал этилишига ҳамда бунинг натижасида бепул юридик ёрдам олиш учун етарли асослари бўлган жиноят процесси иштирокчиларининг ҳимояланиш ҳуқуқи таъминланмаслигига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, адвокатлар томонидан фуқароларнинг айрим тоифаларига кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун давлат ҳисобидан тўланадиган маблағларни ўзида қамраб оладиган процессуал харажатларни давлат бюджети харажатлар қисмининг параметрларида алоҳида эътироф этиб, уларни тўлаб берадиган органларни бевосита жиноят ишларини юритишга масъул давлат органлари қошида ташкил этиш ҳамда уни амалга оширишнинг содалаштирилган тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

8. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар фаолиятида коррупцияни ривожланишига сабаб бўлувчи объектив омилларни бартараф этиш. Жиноят ишини юритишнинг барча босқичларида процессуал чиқимлар институтининг молиявий имкониятларига зарурий эҳтиёж бўлса-да, бироқ мазкур институт нормаларининг бевосита амал қилишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база, аниқроғи, уни молиявий таъминлаш манбаидан иборат зарур механизм тўлиб шаклланмаган. Бу эса жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахслар орасида тамагирлик ва бошқа коррупциявий ҳаракатларни ривожлантирувчи омиллардан бири бўлмоқда. Бинобарин, давлат жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазифаларининг ижросини таъминлашни суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари зиммасига ваколат тариқасида юклатар экан, улар ушбу йўналишдаги фаолиятида иш юритиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олишлари лозим бўлади. Чунки, том

маънода, жиноят процессининг моддий асосини ташкил этувчи процессуал чиқимлар институтининг молиявий кафолатисиз ҳеч бир тергов ёки процессуал ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитига нисбатан тобора мувофиқлашиб бораётган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларда ушбу кафолатга нисбатан эҳтиёж янада ортади. Шу маънода, дастлабки тергов амалиётида учраётган жиноят ишига мутахассис, таржимон, гувоҳларни, айниқса, ҳолис-ларни жалб этиш, уларнинг иштирокини таъминлаш, далилий ашёларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек амалга оширилиши жиҳатидан нисбатан мураккаб бўлган мурдани эксгумация қилиш, эксперимент ўтказиш, шахсни ва нарсани таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатлари учун ёрдамчи кучлар иштирокини таъминлаш каби бошқа тергов ва процессуал ҳаракатларнинг таъминотини моддий маблағлар сарфисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бевосита ушбу харажатларнинг қопланишини тартибга солишга йўналтирилган процессуал чиқим-

лар институти билан боғлиқ муаммолар, суриштирувчи, терговчи ва жиноят ишини юритишга масъул бошқа мансабдор шахслар жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ юқоридаги каби харажатларни ўз маошлари ёки жиноят ишидан манфаатдор шахслар ҳисобидан қоплаш заруратини юзага келтиради. Натижада, жиноят ишларини юритиш давомида ишни юритишга масъул мансабдор шахсларни тамагирлик ва бошқа жиноий ҳаракатларга ундаб, охи-роқибат коррупциянинг ривожланишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, процессуал чиқимлар институтининг юқорида келтирилган вазибаларининг тўлиқ ижро этилишини таъминлашда процессуал чиқимларни аниқлаш, ҳисоблаш ва қоплашнинг амалий механизминини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш самарадорлигини янада ошириши шубҳасиздир.

¹ Қаранг: *Миренский Б.А., Раҳмонқулов ва бошқ.* Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси. – Т., 2004. – Б. 384

² *Кузнецов О.Ю.* Процессуальные издержки, вызванные реализацией принципа языка уголовного судопроизводства, и порядок их возмещения // Современное право. – 2005. – № 9. – С. 46–55.

³ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т., 2006. – Б. 570.

⁴ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т., 2006. – Б. 433.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 26 ноябрдаги «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – № 49. – 487-м.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ ЗАРУРАТИ

Аннотация. Мақолада жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал муносабатлар таҳлил қилинган. Мулоҳазалар натижасида жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш зарурати асослаб берилган.

Таянч тушунчалар: жиноят процесси, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, процессуал мажбурлов, чеклов, шахс ҳуқуқларини чеклаш зарурати.

Чутбаев М. Р. Необходимость ограничения прав человека в уголовном процессе

Аннотация. В статье анализированы процессуальные отношения, связанные с ограничением прав человека, обоснована необходимость ограничения прав человека в уголовном процессе.

Ключевые слова: уголовный процесс, права и свободы человека, процессуальное принуждение, ограничения, необходимость ограничения прав человека.

Chutbaev M. R. Necessity of the limitation of human rights in criminal procedure

Annotation. The article deals with analysis criminal procedure connected with restriction of human rights. The author justified the necessity of restriction of human rights for criminal trial.

Key words: Criminal procedure, human rights and freedoms, procedural coercion, restrictions need to limit human rights.

Мамлакатимизда кучли демократик давлат ва одил фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг узвий қисмига айланган суд-ҳуқуқ ислохотлари инсон ва унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари — олий қадрият¹ деган конституциявий қонданинг амалда рўёбга чиқарилишига хизмат қилмоқда. Шу боис, мамлакатимизда шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласининг муҳимлигини тан олган ҳолда, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси² (1948 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт³ (1966 й.), Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция⁴ (1984 й.) каби бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилинди ҳамда шахс қадр-қимматини ҳурмат қилиш, давлат томонидан инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинлик-

ларини муҳофаза этиш бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка имплементация қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий демократик давлатда ҳар қандай қонун ўз олдида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифасини кўяди⁵. Бу вазифа ҳаминша қонун ҳужжатининг тартибга солиш функцияси билан узвий алоқада бўлади. Ушбу фундаментал қондалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг дахлсизлиги, суд қарорисиз чекланиши ёки маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги сифатида тартибга солинган.

Қайд этиш лозимки, давлат фаолиятининг бир қатор соҳаларида — маъмурий-ҳуқуқий, жиноят-процессуал, жиноий-ҳуқуқий ва жазони ижро

этиш фаолиятида жамият манфаатлари учун шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига йўл қўйилади. Бу эса жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасида шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш чегараларини белгилаш алоҳида аҳамият касб этишини юзага чиқаради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини амалга оширишда, жиноят содир қилган шахсларни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва зарурат бўлганда ушбу шахсларнинг муайян ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашда, яъни процессуал мажбурлов чораларини қўллашда намоён бўлади.

Зеро, жиноят процесси давлат мажбурлови кенг ва интенсив қўлланиладиган соҳа ҳисобланиб, жиноят-процессуал мажбурловни қўллаш жараёнида қонун жиноят процессининг вазибаларини бажариш мақсадида конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг муайян доирада чекланишига имкон беради⁶.

Ф. Мухитдиновнинг таъбири билан айтганда, жиноят процесси иштирокчиларининг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари «процесснинг бир субъектига берилган ҳуқуқ — ўз навбатида бошқасининг мажбурияти»⁷ шаклидаги ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга оширилади. Айнан ҳуқуқий муносабатлар субъектининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий мақомини белгилайди. Шунинг учун, умум эътироф этган «мажбуриятсиз ҳуқуқ, ҳуқуқсиз мажбурият бўлмайди»⁸, деган қоида ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзаро узвий алоқада бўлгандагина мавжуд бўла олишини ифодалайди.

«Процессуал мажбурлов» тушунчаси процесснинг ҳар қандай иштирокчисига нисбатан бўладиган таъсирнинг барча турларини қамраб олади. Бундай таъсир натижасида шахс процессуал мажбуриятларни ўз хоҳишига қарши бажаришга мажбур бўлади. Шу билан бирга, процесс иштирокчисига нисбатан таъсир чоралари нафақат *процессуал*⁹ (мажбурий келтириш ёки ҳар қандай процессуал мажбуриятни бажаришга мажбурлаш хавфи), балки *жиноий-ҳуқуқий*¹⁰ (масалан, гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши хавфи), *интизомий*¹¹ (масалан,

экспертнинг тергов ёки судда ҳозир бўлиш ва хулоса беришдан бош тортганлиги учун интизомий жазоланиши мумкинлиги), *фуқаровий-ҳуқуқий*¹² (масалан, узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги боис суд муҳокамаси қолдирилганлиги учун процесс иштирокчисидан суд чиқимларининг ундирилиши хавфи) ва *жамоат*¹³ (масалан, ўз вазибаларига сидқидилдан ёндашмаган адвокатга Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари томонидан огоҳлантириш эълон қилиниши) таъсир чораларидан иборат бўлиши мумкин.

Бизнингча, жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш ўринли заруратсиз қўлланилмайди. Жиноят процесси иштирокчиси тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгусидаги жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш зарурати вужудга келгандагина ваколатли мансабдор шахслар ва давлат органлари томонидан Жиноят-процессуал қонунда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Зеро, айнан жиноят-процессуал фаолият давомида суднинг ҳукми билан айбдор деб топилмаган шахслар билан ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга киришилади ва жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилади. Жумладан, ушлаб туриш процессуал мажбурлов ва қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнида суд томонидан айбдор деб топилмаган шахсларнинг шахсий эркинлиги ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, айбланувчини лавозимидан четлатишда эса меҳнат қилиш, хусусан иш жойи ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, айбланувчининг мулки хатланганда эса унинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи чекланади. Шахсий эркинлик ҳуқуқи айбланувчини тиббий муассасага жойлаштиришда ҳам чекланади. Жиноят иши бўйича далилларни тўплаш мақсадида қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда шахснинг бошқа конституциявий ҳуқуқлари — тинтув ва олиб қўйишда (уй-жой дахлсизлиги), почта-телеграф жўнатмаларини хатлашда, уларни кўздан кечириш

ва олиб қўйишда (ёзишма ва хат-хабарларнинг сир тугилиши, шахсий ҳаёт дахлсизлиги), гувоҳлангириш ва экспертиза жараёнида (тана дахлсизлиги), шахсий тинтув ва экспертиза тадқиқотлари учун намуналар олиш жараёнида (шахсий ва тана дахлсизлиги) чекланишига йўл қўйилади.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, «жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш зарурати» деганда тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш, жинорий фаолият давом эттирилишининг олдини олиш, ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тушунилади.

Шу билан бирга, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим: қатъий қонуний тартибга солинганлик; уни қўллаш ваколатига эга бўлган ҳамда чекловлар қўлланилиши мумкин бўлган шахсларнинг аниқ доираси; қўллаш муддатининг белгиланганлиги; ўзига хослиги; муқобиллик, инсонпарварлик ва адолатлилик.

Юқорида амалга оширилган таҳлил натижаларини, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган норматив-ҳуқуқий актлари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, олимларнинг фикрларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда юқорида келтириб ўтилган жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклашнинг талаблари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги Жиноят-процессуал кодексга «шахснинг ҳуқуқларини чеклаш зарурати» принципини қўйидаги таҳрирда киритиш таклиф этилади:

171-модда. Шахснинг ҳуқуқларини чеклаш зарурати

Жиноят ишини юритиш жараёнида шахснинг ҳуқуқлари ишни юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан фақат энг сўнгги чора сифатида ва ўз мажбуриятини бажариш тақозо этадиган даражада, қонунда белгиланган тартибда чекланиши мумкин. Ҳуқуқларни чеклаш учун асосли зарурат, ҳолатнинг фавқулоддалиги, мансабдор шахснинг ваколатлилиги, қонуний мақсад мавжудлиги ва ушбу мақсад учун зарур чегарадан чиқмаслик талаб этилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014. – 13-м.

² Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т., 2002. – Б. 48–53.

³ Ўша жойда. – Б. 54–73.

⁴ Узбекистан и международные договора по правам человека: Сборник международных договоров по правам человека, к которым присоединилась Республика Узбекистан. – Т., 1998. – С. 487–504.

⁵ Нозиров Н.А. Охрана прав и свобод человека и гражданина в досудебном производстве по уголовному делу: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 3; Базюк М.Л. Охрана прав и свобод человека и гражданина как принцип российского уголовного судопроизводства: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2009. – С. 3.

⁶ Ахпанов А. Н. Проблемы уголовно-процессуального принуждения в стадии предварительного расследования: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1997. – С. 3.

⁷ Мухитдинов Ф. М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун ва шакл. – Т., 2002. – Б.83.

⁸ Уразаев Ш. З. Власть и закон. – Т., 1992. – С. 45–52.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2010. – Б. 125–127.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2010. – Б. 144.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2010. – Б. 130.

¹² Ўша жойда. – Б. 131–132.

¹³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2009. – № 39. – 423-м.

*А.А. Аманов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
катта илмий ходим-изланувчиси*

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари қўлланилишининг хусусиятлари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: ахборот хизмати кўрсатиш, мажбурият, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари.

Аманов А.А. Особенности применения способов обеспечения исполнения обязательств в сфере оказания информационных услуг

Аннотация. В статье анализируются особенности применения способов обеспечения исполнения обязательств в сфере оказания информационных услуг.

Ключевые слова: оказание информационных услуг, обязательства, способы обеспечения исполнения обязательств.

Amanov A.A. Features of the application of ways of the maintenance of performance of obligations in sphere of rendering of information services

Annotation. The article deals with analysis of features of application of the ways of maintenance of performance of the obligations in the sphere of rendering the information services.

Key words: rendering of information services, obligation, methods of the maintenance of performance of obligations.

Бугунги интеграциялашув жараёнида ахборотга бўлган талабни қондириш ва бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим ҳисобланади. Гап шундаки, ахборотни тарқатиш жараёнлари комплекс ҳуқуқий характерга эга бўлиб, конституциявий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Фуқароларнинг ўзлари учун зарур бўлган ахборотни излаши, олиши ва тарқатиши ҳамда давлат органлари фаолиятига оид маълумотларнинг очиклигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан белгиланса, давлат бошқарувини амалга ошириш жараёнидаги муносабатларни ахборотлаштириш маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан, ахборотга бўлган эҳтиёжни хусусий тартибда қондиришга оид муносабатлар эса фуқаровий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

Ахборот хизмати ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бир тури ҳисобланади. Шу ўринда айтиш ўринлики, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутганлигини кўрсатмоқда¹. Жумладан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга етди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда².

Шундай қилиб, ахборотга бўлган талабни қондириш доирасидаги муносабатларни тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқи муҳим роль ўйнайди. Чунки, бир томондан, мазкур муносабатлар тарафларнинг эрки ва хоҳиши ҳамда мустақиллигига асосланса, бошқа томондан эса, ахборотнинг мулкӣ қийматга эгаллиги ҳам ушбу муносабатлар концептуал-ҳуқуқӣ асослари фуқаровий-ҳуқуқӣ нормаларга бориб тақалишига сабаб бўлади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ҳуқуқӣ муносабатни тартибга солишда норматив ҳужжатлар муҳим ўрин эгаллайди. Лекин фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда диспозитивликнинг устуворлиги шартномавий-ҳуқуқӣ тартибга солишнинг ўрни ошишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз ўрнида, муносабат иштирокчиларининг тенглиги, ташаббускорлиги, эркинлиги, мустақиллиги ва ўзаро алоқаларни келишув асосида тартибга солиши учун асосдир. Келишув эса фуқаролик ҳуқуқи назариясида шартнома сифатида намоён бўлади. Ҳ. Р. Раҳмонқулов таъкидлаганидек, бозор муносабатлари мажбуриятнинг шартномага асосан вужудга келишини тақозо этади³. Шартномалар ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар ўртасида ҳуқуқӣ муносабатлар ўрнатилишида ўзига хос восита ва тегишли мажбуриятларнинг бажарилишида ҳуқуқӣ асос бўлиб ҳисобланади.

Фуқаровий-ҳуқуқӣ муносабатларнинг диспозитивлиги, бир томондан, тарафларнинг тенглиги ва эркинлигига имкон берса, бошқа томондан, ўз мажбуриятларини суиистеъмом қилиб, иккинчи тарафнинг ҳуқуқларини инкор қилишга ҳам имкон беради. Шу сабабли, қонунчиликда шартномавий муносабатларга оид мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 22-бобида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш асослари, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган

мажбуриятларни бажариши шартлиги⁴, шунингдек, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида ҳўжалик шартномаси тарафлари тузилган ҳўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт эканлиги белгиланган⁵.

Ахборот хизматини кўрсатиш доирасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари ҳам, аввало, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг цивилистик-ҳуқуқӣ усулларига таянади. Аммо, ахборот хизмати кўрсатиш ва у билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хослиги бу борада табиий равишда хусусий ҳолатларни ҳам вужудга келтиради.

Фуқаролик кодексининг 234-моддасида ёзилганидек, мажбурият — фуқаролик ҳуқуқӣ муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи мол-мулкни топшириш, иш бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзи мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ФКда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши белгиланган⁶.

Дарҳақиқат, фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи эркин бозор иқтисодиёти ривожланаётган бир шароитда, айниқса хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик учун барча иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқӣ шарт-шароитлар яратилган бир вақтда шартномалар ва шу шартномалар асосида олинган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслиги оқибатида келиб чиқадиган моддий ва маънавий зарарни қоплаш ўта долзарб масала эканлиги юридик адабиётларда кўп такрорланади⁷. Хусусан, фуқаролик ҳуқуқӣ жавобгарлик масаласи ҳуқуқшунос олимлар

томонидан чуқур таҳлил этилган ва ҳар доим ҳуқуқшунослик фанларида баҳсли масала бўлиб келган⁸.

Шартномавий муносабатлар билан боғлиқ ҳуқуққа хилоф ҳаракатни айрим муаллифлар фақатгина шартнома мажбуриятларини бузганлик билан боғласа⁹, бошқалар ҳуқуқ меъёрларини бузиши билан боғлашади¹⁰.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари қўлланилишининг ўзига хос хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, бугунги ривожланган жамият ҳаётида ахборотнинг ўрни юқори ва бунга ҳамоҳанг тарзда ахборотга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Ахборот бозорини яратиш бевосита бу соҳада иқтисодий манфаатнинг ўсишини таъминлайди. Бу эса, бевосита шартномавий муносабатларнинг ортишида ифодаланади.

Хусусан, ахборот хизмати кўрсатиш ўзининг табиатига кўра номоддий кўриниш касб этиб, бундай фаолият шартномавий муносабатлар орқали тартибга солиниши билан ҳуқуқий асосга эга бўлади. Ахборот хизмати бошқа шартномавий муносабатларнинг объектларидан тубдан фарқ қилади ва асосан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси билан тартибга солинади. Ахборот хизмати кўрсатиш шартномавий тус олар экан, ўз навбатида, тарафларда ҳуқуқ ва мажбурият вужудга келтиради. Шахс истаган вақтида ҳуқуқини талаб қилиши ёки талаб қилмаслиги мумкин. Бироқ ҳуқуқ талаб қилинган вақтда иккинчи тарафда бевосита мажбурият вужудга келади. Мажбуриятнинг бажарилиши ёки лозим даражада бажарилиши қонунда белгиланган бўлиб, мажбурият бажарилмаган барча ҳолатларда давлатнинг мажбурлов механизми ишга тушади.

Ҳ. Р. Раҳмонкулов мажбуриятни бажариш усули мажбурият объектининг хусусиятлари, яъни мажбурият субъектларининг қандай мақсадни кўзда тутган бўлиши ва унга эришиши учун қандай ҳаракат қилиш,

қандай тадбирлар қўллаш зарурлиги билан белгиланишини таъкидлайди¹¹. Кўриниб турибдики, мажбуриятни бажариш усули бевосита шахснинг иродаси билан боғлиқ объектив ҳодисадир. Аммо қонунчилик уни мажбурий қилиб белгилаб қўйганлиги ҳар қандай ҳолатда ҳам мажбуриятни таъминлаш зарурлигини кўрсатади. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, шартномалар бўйича юзага келадиган аксарият низолар айнан тарафлар томонидан тузилган шартномаларда шартларнинг аниқ ва лўнда ифода этилмаслиги натижасида келиб чиқмоқда.

Фуқаролик кодексининг 703-моддасида хизмат кўрсатишнинг бир тури бўлмиш ахборот хизмати кўрсатиш ҳам бевосита шартномавий муносабатлар билан тартибга солиниши белгилаб қўйилган бўлиб, тарафлар шартномада белгиланган талаблар асосида мажбуриятларни бажаришга мажбурдирлар.

Ахборот хизмати кўрсатиш соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари умумий асосларга кўра тегишли мажбурият бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда қўлланилади. Аммо ахборот хизмати кўрсатиш билан боғлиқ мажбуриятларни «бажарилмаган» ёки «лозим даражада бажарилмаган» деб топиш ёки ҳисоблаш ниҳоятда мураккаб масала ҳисобланади. Мутахассислар ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида бажарилган хизмат натижаси анча мавҳумлик касб этишини, шу билан бирга, буюртмачи «кутган», «умид қилган» натижа билан мос келмаслиги мумкинлигини эътироф этадилар¹². Ахборот хизмати ҳам бирмунча мавҳумлик касб этади, яъни унинг миқдори, ўлчами, ҳажми ёки сифат даражаси ҳар доим ҳам аниқ-равшан акс этмайди. Айрим турдагилари (телекўрсатувларни узатиш, телеканаллар фаолиятида) аниқ белгиланиши мумкин, бироқ интернет хизматида ҳар доим ҳам аниқ бўлмайди. Масалан, айрим турдаги интернет провайдерларида интернетдан фойдаланиш жуда қийин кечади. Айрим сайтларга кириш

5-10 дақиқагача вақт йўқотилишига сабаб бўлади. Бу ҳақда интернет маъмуриятига мурожаат қилинганда, улар буни интернетнинг ёмон ишлаётганлиги ёки ана шу сайтга кириш охириги вақтларда қийин кечаётганлиги билан изоҳлайдилар. Шу вақтда мижоз ўзининг бу хизматдан фойдаланиш имконияти чекланганлиги ёки ўзаро келишувдаги шартлар бузилаётганлигини эътироф этолмайди. Чунки, бунинг аниқ чегараси йўқ.

Одатда, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари татбиқ этиш ҳақида сўз юритилганда бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятни келгусида бажариш имкониятлари инобатга олинади. Бироқ ахборот хизмати кўрсатишда етказиб берилмаган ахборотни келгусида ҳам етказиб бериш мумкин бўлса-да, бу вақтга келиб кечиктириб етказиб берилган ахборот эскирган ёки ўзи аҳамиятини йўқотган бўлса, қандай йўл тутиш кераклиги ёхуд ахборотнинг талаб даражасида бўлиши, кредиторнинг эҳтиёжларига мос келиши кўп ҳолларда шартномада ўз аксини топмайди.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ва асосий мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган қўшимча мажбуриятдир¹³. Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашни қўшимча мажбурият дейиш ҳам мумкин. Бироқ у фақатгина шартномада белгиланган асосий мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда ва энг муҳими, тарафларнинг талабига биноан қўлланилади. Бунда мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ахборот хизматининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари таҳлил қилсак, **ФК**нинг 260-моддасига биноан *неустойка* қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси, яъни шартнома мажбуриятининг бажарилмаган қисмини пул

билан таъминлаш бўлиб, ахборот хизмати кўрсатишда қўлланилиши мумкин.

Неустойка ўз хусусиятига кўра, мажбуриятларнинг бажарилишида ҳар қандай ҳолат (факт) учун ундирилади ва унинг миқдори, мажбурият кечиктирилишининг қанчалик узоқ бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар белгиланади¹⁴. Аммо ахборот хизмати кўрсатилишида ушбу усулнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш алоҳида ўрнига эга. Хусусан, умумий асосларга кўра, неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

Жарима шаклидаги неустойка миқдорини белгилашда ахборот хизмат кўрсатиш билан боғлиқ етказилган зарар миқдорини қандай ҳисоблаш мумкин? Бунда етказиб берилиши (тақдим этилиши) лозим бўлган ахборотнинг нархи қайси мезонлар асосида белгиланади?

Қонун ҳужжатларида ҳам, иш муомаласи одатларида ҳам ахборотни мулкий баҳолаш мезонлари мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, ахборот хизмати кўрсатиш билан боғлиқ низоларда жарима шаклидаги неустойкани қўллашда муаммолар келтириб чиқаради. Шунингдек, пеня шаклидаги неустойкани қўллаш ҳам ахборот хизмати кўрсатишга тўлиқ мос келмайди. Чунки, пеня шаклидаги неустойка қарздор мажбуриятларининг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан татбиқ этилади. Лекин кечиктирилган ахборот хизмати натижаларини кунлар билан ҳисоблаш кредиторнинг манфаатларини тўлиқ ифодамай олмайди. Ҳозирги ахборот асрида ахборотга бўлган эҳтиёж кунлар билан эмас, соатлар, керак бўлса сониялар билан қондирилиши муҳим. Бир соат олдинги ахборот сониялар ичида эскириши ёки ўз қимматини йўқотиши ҳеч гап эмас.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида яна бири *гаров* бўлиб, **ФК**нинг 264-моддасига асосан, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун беришидир. Одатда, гаров ҳам ўз

хусусиятига кўра барча турдаги ахборот хизмати кўрсатиш шартномаларида мажбурият бажарилишини таъминлаш бўлиб хизмат қилавермайди. Жумладан, юқорида келтириб ўтилган интернет хизмати кўрсатилишида гаров сифатида ҳеч қандай ашёни олиш имкони йўқ. Бироқ интернет провайдерлари, хориж телеканалларини узатиш хизматини кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг айрим ҳолатларида қўлаш мумкин. Яъни айрим ҳолларда улар ўз ускуналари билан хизмат кўрсатиши ва айни мана шу ҳолатда уларга тегишли ускунани гаровга олган ҳолда мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш мумкин. Бироқ аксарият ҳолларда истеъмомчидан ушбу ускунанинг ҳаққи олдиндан олинади. Бундай вазиятда гаров чорасини қўллаш имкони чекланади.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг яна бир усули *ушлаб қолиш* ҳисобланади. ФКнинг 290-моддасига кўра, қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан ўз вақтида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли. Бундан керакли ахборот етказиб берилгунга қадар ахборот хизмати учун бериладиган пул суммаси ушлаб қолиниши мумкин деб ҳулоса чиқарсак бўлади. Аммо тегишли ахборот етказиб берилганда, у эскирган ёки ўз қимматини йўқотган бўлса-чи?! Шу сабабли, ушлаб қолиш усули ҳар доим ҳам ахборот хизмати кўрсатилишига тўлиқ мос келавермайди.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг яна бир усули *кафилликдир*. ФКнинг 292-моддасида кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олиши белгиланган. Ахборот хизмати кўрсатиш шартномаларида мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин-

лаш усули сифатида кафиллик тарафлар томонидан тузилган шартнома шартларида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда қўлланилади, деб ҳисоблашимиз мумкин. Сабаби, амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ахборот хизмати кўрсатишга оид шартнома шартларида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида, одатда, кафиллик, кафолат (ФК 299-модда), закат (ФК 311-модда) ҳам мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида кўзга ташланмайди.

Бундай ҳолатларда тарафлар ўртасида шартнома шартларини бажармаганлик ҳолати аниқланиши ва ишни кўриш тартибига эътибор қаратиш лозим. Иш шартнома тарафлари ўртасида ўзаро тортишув билан якунланса, юқоридаги ҳолатлар юзага келади. Вазият янада жиддий тус олиб, ишда низо келиб чиқиб суд орқали ҳал қилинса, қонунда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллариининг барчаси суд томонидан қўлланилиши мумкин. Бу ҳолатда шартноманинг тури эмас, балки унда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули устунлик қилади. Яъни низоларни ҳал этиш тартиби белгиланиб, бунда мажбуриятларни бажариш ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари аниқ келтириб ўтилган бўлса, фақатгина шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари қўлланилади. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда зарарни қоплаш алоҳида аҳамият касб этиб, у ҳар қандай ҳолатда ҳам қўлланилиши мумкин. Бироқ унинг эркин қўлланиши зарарни қоплаш усули билан фарқланади. Агар пул шаклида қопланиши назарда тутилса, у ҳар қандай турдаги ахборот хизмати кўрсатиш шартномасига татбиқ этилиши мумкин.

Шундай қилиб, ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда бу борадаги муносабатлар ва шарт-шароитнинг хусусиятларини инобатга олиш лозим бўлади. Шунингдек,

фуқаролик ҳуқуқидаги шартномаларда томонларга эркинлик берилиши натижасида улар шундай ҳуқуқлар билан кафолатланадики, улар қонунга зид бўлмаган ҳар қандай шартни келишиб олишлари мумкин. Бу эса мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкинлигини англатади. Юқорида кўриб чиққанимиздек, мажбуриятлар бажарилишини

таъминлашнинг баъзи усуллари ахборот хизмати кўрсатиш билан боғлиқ мажбуриятларга тўлиқ мос келмайди. Шу сабабли, ахборот хизмати кўрсатиш билан боғлиқ шартномалар доирасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа муқобил усулларида ҳам кенг фойдаланиш лозим.

¹ *Каримов И. А.* 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир // *Халқ сўзи.* – 2015. – 17 янв.

² *Каримов И. А.* Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир // *Халқ сўзи.* – 2016. – 16 янв.

³ *Раҳмонқулов Ҳ. Р.* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 480.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – №18. – 201-м.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – №9. – 170-м.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т., 2014. – Б. 108.

⁷ *Шодмонов Ф. Ю.* Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2002. – Б. 18–21.

⁸ *Эгамбердиева Н. Х.* Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. – Т., 2007. – Б. 138; *Оқюлов О.* Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // *Қонун ҳимоясида.* – 1999. – №9. – Б. 19; *Гражданское право. Ч.1 / Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого.* – М., 1998. – С. 550; *Иоффе О. С.* Ответственность по советскому гражданскому праву. – Л., 1955. – С. 9; *Обязательственное право.* – М., 1975. – С. 97; *Гражданское право / Отв. ред. П. Е. Орловский, С. М. Корнеев. Т.1.* – М., 1969. – С. 514.

⁹ *Оқюлов О.* Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // *Қонун ҳимоясида.* – Т., 1999. – №9. – Б.16–19; *Шодмонов Ф. Ю.* Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 2002. – Б. 20–21.

¹⁰ *Гражданское право. Ч.1 / Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого.* – М., 1998. – С. 567.

¹¹ *Раҳмонқулов Н. Р.* *Мажбурият ҳуқуқи.* – Т., 2009. – В. 66.

¹² *Саид-Газиева Н. Ш.* Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. – Т., 2005. – Б. 123–127.

¹³ *Раҳмонқулов Н. Р.* *Мажбурият ҳуқуқи.* – Т., 2009. – В. 76.

¹⁴ *Закиров И.* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. – Т., 1996. – Б. 213.

*Қ. Р. Абдурасулова,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;*

*А. Г. Закирова,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси профессори,
юридик фанлар доктори, профессор*

КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада «коррупция» ва «коррупция билан боғлиқ жиноятлар» тушунчалари таҳлил қилинган. Шунингдек, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишнинг асосий йўналишларига доир масалалар ёритилган.

Таянч тушунчалар: коррупция, коррупция билан боғлиқ жиноятлар, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг асосий йўналишлари.

Абдурасулова К. Р., Закирова А. Г. Понятие коррупции, коррупционные преступления и вопросы их предупреждения

Аннотация. В статье анализируются понятия «коррупция» и «преступления, связанные с коррупцией», а также раскрываются основные направления деятельности по предупреждению и борьбе с преступлениями, связанными с коррупцией.

Ключевые слова: коррупция, преступления, связанные с коррупцией, предупреждение преступлений, связанных с коррупцией, основные направления борьбы с преступлениями, связанными с коррупцией.

Abdurasulova Q.R., Zakirova A.G. The conception of corruption, corruption offenses and issues of their prevention

Annotation. The article deals with analysis of the conception of «corruption» and «crimes related to corruption», disclosed issues relating to the main areas of prevention and struggle against crimes related to corruption.

Key words: corruption, crimes related to corruption, prevention of crimes related to corruption, the main directions of the struggle against crimes related to corruption.

Коррупцияни кенг (ижтимоий-фалсафий) ва тор (ижтимоий-юридик) жиҳатларига кўра ўрганиш мумкин. Кенг маънода «коррупция» — бузилиш, таназзулни билдиради. «Коррупция»: 1) ёмон йўлга бошлаш, пора эвазига ўз томонига оғдириш; 2) бузилиш, таназзулга юз тутиш; 3) ахлоқий бузуқлик; 4) шахс руҳий ҳолатининг бузилгани, айнигани, аҳволининг оғирлигини англатади. Мазкур атама роман-герман ва славян тилларида ҳам шу маъноларни англатади. Баъзи славян тилларида «коррупция» пора маъносига тушунилади: масалан, «коррумпирати» кесими серб-хорватлар тилида «пора бериб ўз томонига

оғдириш, пора бериш» деб таржима қилинади, «коррупенеску» сифати эса чех тилида «сотилувчи, сотқин» маъносини англатади, рус тилидаги коррупция — пора эвазига сотиб олиш, мансабдор шахсларнинг, сиёсий арбобларнинг сотқинлигидир¹.

«Коррупция» тушунчаси маъноларга бойлигига кўра фалсафий «сифат», «хусусият», «аломат» категорияларига яқин туради.

Сўнги вақтларда мазкур атама норматив ва қонунни қўллаш билан боғлиқ ҳужжатларда тез-тез ишлатилмоқда. Аммо, республикамиз қонунчилиги ва хорижий давлатлар қонунларида

хам «коррупция» тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмас. Коррупцияга мансабдор шахсни пора эвазига ўз томонига оғдириш, сифатида қараш керак, деган фикрни кўпчилик қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, мазкур ҳодиса пора эвазига мансабдор шахсни ўз томонига оғдиришдан кўра кенгроқ маънога эга. У бир қатор ҳолларда, айниқса, сиёсий партиялар ва ҳаракатларни молиявий таъминлаш билан боғлиқ, суистеъмолликлар содир этилганида сиёсий жиҳатларга ҳам эгадир².

Республикамизда чоп этилган китоб ва мақолаларда коррупция деганда, юқори мансабдаги шахслар томонидан содир этилган порахўрлик назарда тутилади³.

Баъзи муаллифлар коррупция деган юридик тушунчанинг жорий этилиши, унинг муайян кўринишлари (масалан, пора)га қараб таърифлаш зарур эмас, деб ҳисоблайдилар. Чунки, ана шу тушунчани қатъий қолипга солиш билан боғлиқ ҳар қандай уринишлар коррупция хатти-ҳаракатларининг бир қисми Жиноят кодекси ёки бошқа қонунларнинг таъсир доирасидан четда қолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин⁴.

Яна бир қанча олимлар Жиноят кодексига ягона «коррупция» тушунчасининг киритилишига қарши эканини билдиришади. Жумладан, бу жиноят ҳуқуқи нормаларининг энг оддий талабларига зид бўлиб, қонунларнинг кўпол тарзда бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун халқаро миқёсда коррупцияга кўп таърифлар берилган, аммо унинг тўла ва аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Уларнинг фикрига кўра, «коррупция» ҳуқуқий эмас, кўпроқ ижтимоий ва криминологик тушунчадир. Шу боис, унга муайян жиноятнинг таркиби сифатида эмас, балки ижтимоий ҳодиса деб қараш керак⁵. Жиноят қонунида муайян жиноий қилмишни содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, мансабдор шахсларнинг порахўрлик содир этиши, ғараз мақсадларда хизмат мавқеини суистеъмол қилиши, ўзгалар мулкани талон-торож қилиши ва ўзлаштириши коррупция кўринишларидир. Бундан коррупция порахўрлик доирасидан кенгроқ, ўзи ва бошқалар учун қонунга хилоф равишда имтиёзларни қўлга

киритиш мақсадида мансабидан фойдаланиб содир этиладиган бошқа турдаги жиноятларни ҳам ўз ичига олади, деган хулосага келиш мумкин.

Бу муаммога доир юридик адабиётларнинг таҳлили шундан гувоҳлик берадики, «коррупция» тушунчасининг ўзидан ташқари, «коррупциявий ҳуқуқбузарлик», «жиноий коррупциявий қилмиш», «жиноий коррупциявий қилмиш таркиби», «коррупциявий алоқаларга эга жиноий уюшма», «коррупциявий қилмиш субъекти» каби тушунчалар ҳам илмий талқинга муҳтож. Коррупциянинг ижтимоий хавфлилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– у жамиятнинг маънавий асосларига путур еткази, давлат ҳокимиятини халқ олдида обрўсизлантиради ва норозиликка сабаб бўлади;

– ўсиб келаётган ёш авлод онгини заҳарлайди, «ҳаёт қаллоблигу фирромликдан иборат экан», деган фикрни вужудга келтиради;

– ижтимоий адолатга бўлган ишончни сўндиради, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келади;

– халқаро ҳамжамиятда муайян давлат тўғрисида салбий тасаввурларни юзага келтиради;

– уюшган жиноятчиликнинг давлат хизмати фаолиятига кириб боришига олиб келади;

– одил судлов тизимини издан чиқаради;

– жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларини сусайтиради;

– иқтисодиётнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига салбий таъсир кўрсатади;

– бошқа кўпгина салбий ижтимоий ҳодисалар сингари, ўзининг кенг илдиз отишига замин яратади, коррупция қанча чуқур илдиз отган бўлса, унга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш шунчалик қийинлашади.

Қуйида коррупция билан боғлиқ жиноятларга тўхталамиз. Коррупциявий жиноятлар – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар йиғиндиси бўлса, коррупция билан боғлиқ фаолият хуфиёна иқтисодиётнинг асосий турларидан биридир. Аксарият ҳолларда коррупция билан боғлиқ жиноят деганда давлат

мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида ўз мансабидан фойдаланиш, фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф равишда пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг нормаларини таҳлил қилиб, шунини таъкидлаш мумкинки, унда коррупция хусусиятига эга жиноятлар учун қатор моддаларда жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йилда ратификация қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган қуйидаги ижтимоий хавфли қилмишлар коррупциявий жиноятлар ҳисобланади:

- 1) ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш;
- 2) жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш;
- 3) бюджет интизомини бузиш;
- 4) ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш;
- 5) ҳокимият ёки мансаб ваколлати доирасидан четга чиқиш;
- 6) ҳокимият ҳаракатсизлиги;
- 7) мансаб сохтакорлиги;
- 8) пора олиш;
- 9) пора бериш;
- 10) пора олиш-беришда воситачилик қилиш;
- 11) хизматчини пора эвазига оғдириш;
- 12) товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш;
- 13) адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш;
- 14) тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш;
- 15) жиноий уюшма ташкил этиш;
- 16) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш.

Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик назарда тутилган моддалар рўйхатига мувофиқ, уларга Жиноят кодексининг турли бобларидаги қилмишлар киради. Шу боис, коррупция алоҳида бир жиноят эмас, балки коррупциявий алоқалардан фойдаланиб содир этиладиган бир неча жиноятлар йиғиндисидир. Буни И. И. Карпец

ҳам тасдиқлайди. Унинг ёзишича, коррупция жинояти таркибини кашф этишнинг ҳожати йўқ, «чунки жаҳондаги қонунларнинг бирортасида ҳам «коррупция» тушунчаси жиноят таркиби сифатида тилга олинмайди. Зеро у жиноят таркибини ташкил этмайди, балки жиноятчилик, бошқа кўпгина ижтимоий ҳодисалар каби, ижтимоий ҳодисадир»⁶. Унинг бу фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда, шунини қайд этамизки, коррупция битта жиноят эмас, балки бир неча жиноий қилмишлар йиғиндисидан иборат ҳодиса, уюшган жиноятчиликнинг бир кўринишидир.

Энциклопедик манбаларда ҳам коррупцияга турлича таърифлар берилган. Коррупция тушунчасига «Юридик энциклопедия»да — «мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият»⁷ сифатида, «Юридик атамалар қомусий луғати»да эса «давлат функцияларини бажариш ваколлатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши»⁸, деб таъриф берилган.

Яна бошқа энциклопедик манбаларда коррупция «сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият бўлиб, мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишидан иборат»⁹, деб таърифланган.

Мазкур таърифларда коррупциянинг моҳиятини шахсий бойлик орттириш учун ҳокимият ёки мансаб ваколлатидан фойдаланиш ташкил этиши кўрсатилган, бироқ коррупция уюшган жиноятчиликнинг алоҳида кўриниши эканлиги ва гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилиши назардан четда қолган.

Г. Блэкнинг юридик луғатида коррупция қуйидагича талқин этилади:

- 1) мансабдор шахснинг расмий вазифалари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари билан мувофиқ

бўлмаган, муайян имтиёз бериш ниятида содир этиладиган қилмиш;

2) мансабдор шахснинг ўз хизмат лавозими ёки мақомидан ўзга шахсларнинг ҳуқуқларига зид бўлган мақсадларда, ўзи ёки ўзга шахс учун бирор-бир устунликни қўлга киритиш учун қонунга ҳилоф равишда фойдаланишидан иборат қилмиш¹⁰.

Юридик адабиётларда «коррупция» атамасига ҳуқуқшунос олимларнинг берган таърифлари ҳам турлича. Масалан, А. И. Долгова коррупцияга «давлат амалдорлари ёки ўзга хизматчиларнинг пора эвазига оғдирилиши ва шу асосда улар ўз хизмат ваколатларидан шахсий ёки муайян гуруҳ манфаатларида фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса»¹¹, деб таъриф берган.

Н. Ф. Кузнецова коррупция деганда давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг ходимларини пора эвазига оғдиришдан иборат ижтимоий хавфли ҳодисани тушунади¹². Аммо ижтимоий ҳодиса бўлмиш коррупциянинг пора эвазига оғдириш, порахўрлик билангина боғлиқ бўлмаган кенгроқ талқини ҳам мавжуд ва у, бизнингча, тўғрироқдир.

«Коррупция тушунчаси АҚШ олимлари томонидан айниқса чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этилган», деб ёзади Л. В. Михайлов. У: америкалик тадқиқотчилар «коррупцияни сиёсий арбоблар, давлат аппарати ходимлари, бизнесменлар ва бошқа шахсларнинг бойиш, ижтимоий мақомини юксалтириш мақсадида, шахсий, оилавий ёки муайян гуруҳ манфаатларини кўзлаб, ўз расмий вазифалари ва давлат функцияларини бажаришдан бўйин товлаши сифатида тавсифлайдилар»¹³, дейди.

Коррупцияни Г. А. Сатаров «мансаб мавқеини гараз ниятда суиистеъмол қилиш»¹⁴, Қ. Тожибоев эса «давлат бошқарувининг имкониятларидан фойдаланиш, уни ўз манфаатларига бўйсундирган ҳолда ташкил этиш»¹⁵ сифатида таърифлайдилар.

Айрим адабиётларда «коррупция... — давлат лавозимидан шахсий наф кўриш учун гайриқонуний фойдаланиш»¹⁶ сифатида таърифланган. Унинг гайриқонунийлиги давлат органларида юқори лавозимларни эгаллаган шахсларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи қонунлар (қоидалар) мавжудлигини англатади.

Бу борада мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарига: «Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мадакор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир»¹⁷, деб таъриф берган.

А. К. Иркаходжаевнинг коррупцияга берган таърифи ҳам диққатга сазовор. Унинг ёзишича, криминологик ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назардан коррупция — уюшган жиноятчиликнинг бир тури. Мазкур жиноятни содир этиш замирида нафақат моддий бойлик орттириш, балки ҳокимиятга интилиш манфаатлари ҳам ётади. Коррупция давлат ва бошқа идоралар хизматчиларининг расмий хизмат ваколатларини, улар билан боғлиқ нуфуз ва имкониятларини шахсий манфаат ёки муайян гуруҳ манфаатлари йўлида, ғаразли мақсадларда фойдаланишида намоён бўладиган ижтимоий ҳодисадир»¹⁸.

Бугунги кунда, криминалист олимлар ўртасидаги баҳсларда, жиноят, фуқаролик, маъмурий, меҳнат, хўжалик ҳуқуқи соҳасидаги мутахассисларнинг илмий ишларида, оммавий ахборот воситаларида «коррупция» тушунчаси турли маъноларда қўлланилмоқда. Бу эса коррупция ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, жиноятчиликнинг ўта салбий кўринишидир, деб хулоса қилиш имконини беради.

Баъзи манбаларда бу атама «иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар» ва «мансабдорлик жиноятлари» билан бир қаторда қўлланилади. Республикамизда чоп этилган китоб ва мақолаларда ҳам коррупция деганда юқори мансабдаги шахслар томонидан содир этиладиган порахўрлик назарда тутилади¹⁹.

Айрим муаллифлар «коррупция» деган юридик тушунчани унинг муайян кўринишлари (масалан, пора)га қараб таърифлашмаслик керак, деб ҳисоблайдилар. Чунки, ана шу тушунчани қатъий қолипга солиш билан боғлиқ ҳар қандай уриниш пировардида коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг бир қисми Жиноят кодекси ёки бошқа қонунлар таъсир доирасига кирмай қолишига олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, бошқа олимлар Жиноят кодексига «коррупция» тушунчасининг киритилишига қарши эканликларини билдиришади. Жумладан, бу жиноят ҳуқуқи нормаларининг энг оддий талабларига зид бўлиб, қонуннинг қўпол тарзда бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун халқаро миқёсда коррупцияга кўп таърифлар берилган, аммо унинг тўлиқ ва аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Уларнинг фикрига кўра, «коррупция» ҳуқуқий эмас, кўпроқ ижтимоий ва криминологик тушунчадир, шу боис унга муайян жиноятнинг таркиби сифатида эмас, балки ижтимоий ҳодиса деб қараш керак²⁰.

Мазкур муаммога доир юридик адабиётларнинг таҳлили шундан гувоҳлик берадики, илмий талқинга муҳтож «коррупция» тушунчасининг ўзидан ташқари, коррупциявий ҳуқуқбузарлик, жинойи коррупциявий қилмиш, жинойи коррупциявий қилмишнинг таркиби, коррупциявий алоқаларга эга бўлган жинойи уюшма, жинойи коррупциявий қилмишнинг субъекти каби масалалар ҳам баҳсли бўлиб қолмоқда.

Маълумки, коррупциянинг негизида ҳокимиятга интилиш ётади. Коррупция уюшган жиноятчиликнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

«Коррупция давлат аҳамиятига молик вазибаларни бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат ваколатлари ёки улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, ғараз мақсадда ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар (бу қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган) йиғиндисидир»²¹.

Демак, коррупция ўзида бир неча жиноятни мужассамлаштиради. Коррупция мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни ёки бошқа шахслар манфаатини кўзлаб содир этиладиган жиноятлар йиғиндисидир. Коррупция деганда мансабдор шахслар

томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан қонунга зид равишда фойдаланиб, моддий ёки номоддий манфаатдорликка эришиш тушунилади²².

Юқорида «коррупция» тушунчасига берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда, унга шундай таъриф бериш мумкин: **коррупция — давлат хизматидаги мансабдор ва масъул мансабдор шахсларнинг ўз мансаб мавқеи ва эгаллаб турган лавозими ҳамда у билан боғлиқ бўлган обрўсидан шахсий наф кўриш ёки бир гуруҳ шахсларнинг манфаатлари йўлида ғараз мақсадларда фойдаланишдан иборат ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндисидир.**

Юқорида баён этилган таърифлар таҳлили қўйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

биринчидан, бу аниқ юридик таърифи мавжуд бўлмаган ижтимоий ҳодиса бўлиб, коррупция ҳаракатлари жамият ҳаётининг кундалик меъёрига айланса, бутун фуқаролик жамияти ва давлатнинг инқирозига олиб келади;

иккинчидан, мазкур ҳуқуқбузарлик субъектларининг муайян доираси мавжуд (булар, аввало, давлат хизматидаги мансабдор ва масъул мансабдор шахслар, ҳокимият вакиллари ва давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган бошқа шахслар, шунингдек хусусий секторда бошқарув функцияларини бажаришга ваколатли шахслардир);

учинчидан, мазкур субъектлар ўз мансаб мавқеи, ҳокимият ёки лавозим ваколати, ҳуқуқий мақоми, эгаллаган лавозимининг нуфузи ва обрўсидан ғайриқонуний фойдаланадилар;

тўртинчидан, коррупция субъектларининг фаолияти шахсий бойлик орттириш мақсадида ёки ўзга шахслар манфаатлари ёхуд корпоратив манфаатлар йўлида амалга оширилиши мумкин.

Мансабни суиистеъмол қилиш орқали мулкни талон-торож қилиш ёки порахўрлик жиноятлари коррупция жиноятчилигининг энг хавфли кўринишлари ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашда уни содир этган мансабдор шахсларни жазолашдан кўра унинг олдини олиш мақсадга мувофиқ. Зеро, «касални» даволагандан кўра олдини олган осонроқ, ҳам камхарж ҳисобланади. Мазкур иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– коррупцияга қарши кураш борасида жаҳонда тўпланган тажрибани чуқур ўрганиб, ижтимоий муносабатлар ривожланишининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олган муаммолар ечимига қаратилган Коррупцияга қарши кураш давлат дастурини ишлаб чиқиш;

– «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида», «Давлат хизмати тўғрисида», «Давлат хизматчисининг мақоми тўғрисида» қонунлар қабул қилиш;

– давлат хизматчиларининг хулқ-атвор кодексини ишлаб чиқиш;

– давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ қилиш, бунга тиббий хизмат, уй-жой билан таъминлаш (сотиб олиш) бўйича имтиёзлар ҳам киради;

– давлатнинг коррупцияга қарши кураш сиёсатини доимий амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида коррупцияга қарши кураш комиссиялари ташкил этиш (бу комиссияларга қабул қилинаётган қонунларнинг коррупция келиб чиқиши учун шарт-шароит яратиш даражасини таҳлил қилиш ва назорат этиб бориш вазифасини юклатиш);

– коррупциянинг барча турларига барҳам бериш учун жиноят қонунчилигининг бошқа қонунлар билан мувофиқлигини, шу жумладан жиноят-ҳуқуқий ва процессуал нормаларни тегишли равишда қайта кўриб чиқиш лозим;

– қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи

суд-ҳуқуқ тизимини, коррупцияга қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини изчил такомиллаштириб бориш;

– коррупция домига илинган мансабдор шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноят ишларини тергов қилиш ва жазога ҳукм этишнинг махсус принципларини белгилаш;

– хорижий мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибасини ўрганиш орқали, давлат хизматчиларининг мулки ва даромадлари ҳақидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминловчи тизим яратиш;

– барча давлат органлари ходимларининг мансаб ваколатларини ҳудудий ва соҳавий принцип асосида мунтазам ўзгартириб туриш (ротация қилиш). Бундан мақсад – давлат амалдорлари ва уларнинг хизматларидан фойдаланувчилар ўртасида яқин ва «қуюқ» муносабатлар ўрнатилиши имкониятларини камайитириш;

– давлат тузилмалари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш лозим, бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш; коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларини ишга солиш; ишонч телефонларидан кенг миқёсда фойдаланишни йўлга қўйиш;

– коррупция сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш: коррупциянинг «огоҳлантирувчи сигналлари» рўйхатини ишлаб чиқиш; ҳудудлар (вилоят, туман) ва идоралар (таълим, соғлиқни сақлаш, ва ҳ.к.) бўйича коррупция даражаси ҳақида жамоатчилик фикрини аниқлаш бўйича доимий равишда социологик тадқиқотлар олиб бориш.

Коррупцияга қарши кураш мақсадларига фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Айни вақтда бунга ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари воситалари билан ҳам эришиб бўлмайди. Умуман олганда, коррупция, кенг маънода, шунчаки жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий бузилиш ҳолатидир²³. Шундай

экан, мазкур иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки, жамият ва умуман барча фуқароларимиз

масъулдирлар. Фақат давлат ва жамият ушбу иллатга қарши биргаликда курашсагина коррупцияга йўл қолмайди.

¹ *Егорова Н. Е.* Уголовно-правовые формы борьбы с коррупцией в новых экономических условиях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1996. – С. 22.

² *Рязанов Э. П.* Уголовно-правовые проблемы борьбы с коррупцией. Коррупция в России: состояние и проблемы. – М., 1996. – С. 39–40.

³ *Зуфаров Р. А.* Порахўрлик учун жавобгарлик. – Т., 2004. – Б. 203; *Ахроров Б. Ж.* Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик. – Т., 2007. – Б. 268.

⁴ *Саттаров Г. А., Левин М. Л., Цирик М. Л.* Россия и коррупция: кто кого? – М., 1998. – С. 15.

⁵ *Агыбаев А. Н.* Ответственность должностных лиц за служебные преступления. – Алматы, 1997. – С. 181; *Алауханов Е. О., Турсынбаев Д.* Борьба с коррупцией в государственных органах в Республике Казахстан. – Алматы, 2008. – С. 278

⁶ *Карпец И. И.* Организованная преступность как социальная и юридическая проблема, ее тенденции и причины. Организованная преступность / Под ред. А. И. Долговой, С. В. Дьякива. – М., 1993. – С.13–15.

⁷ Юридик энциклопедия / У. Таджиханов таҳрири остида. – Т., 2001. – Б. 258.

⁸ Юридик атамалар қомусий лугати. – Т., 2003. – Б. 201.

⁹ Юридик энциклопедия / У. Таджиханов таҳрири остида. – М., 2003. – С. 45.

¹⁰ *Джонстон М.* Поиск определений: качество политической жизни и проблема коррупции // Международное жюри социальных наук. – Париж, 1997. – № 16. – С. 18.

¹¹ Криминология / Под ред. А. И. Долговой. – М., 1997. – С. 68.

¹² Криминология / Под ред. Н. Ф. Кузнецовой, Г. М. Миньковского. – М., 1994. – С. 58.

¹³ *Михайлов Л. В.* Борьба с коррупцией в США (80-е годы) // Вопросы истории. – 1994. – №5. – С. 9.

¹⁴ *Сатаров Г.А.* Россия и коррупция: кто кого? // Российская газета. – 1998. –19 февр.

¹⁵ *Тожибоев Қ.* Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкани талон-торож қилганлик учун жавобгарлик. – Т., 2004. – Б. 13.

¹⁶ Основы борьбы с организованной преступностью / Под ред. В. С. Овчинского. – М., 1997. – С. 92.

¹⁷ *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б. 85.

¹⁸ Криминология / Отв. ред. М. Х. Рустамбаев. – Т., 2008. – С. 219, 221–222.

¹⁹ *Зуфаров Р. А.* Порахўрлик учун жавобгарлик. – Т., 2004. – Б. 203; *Ахроров Б. Ж.* Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик. – Т., 2007. – Б. 268.

²⁰ *Агыбаев А.Н.* Ответственность должностных лиц за служебные преступления. – Алматы, 1997. – С.181; *Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.* Борьба с коррупцией в государственных органах в Республике Казахстан. – Алматы, 2008. – С. 278.

²¹ *Абдурасулова Қ., Қурбонов О.* Коррупция: асосий тушунча ва шакллари. – Т., 2009. – Б. 60.

²² *Ахроров Б. Д.* Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. – Т., 2008. – Б. 143–146.

²³ *Тогонидзе Н. В.* Административно-правовые проблемы предупреждения коррупционной и организованной преступности // Государство и право. – 2002. – № 1. – С. 115.

А. Бердиев,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси шахсий таркиб бўйича
махсус инспекцияси бошлиғи

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОМИЛИ

Аннотация. Мақолада коррупция – давлат органи ходимларининг ўз манфаатлари йўлида хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланган ижтимоий ҳодиса эканлиги баён этилган.

Таянч тushunchалар: коррупция, манфаатлар тўқнашуви, давлат хизматчиси, одоб-ахлоқ нормалари, феномен, институционал.

Бердиев А. Предупреждение конфликта интересов – фактор борьбы с коррупцией

Аннотация. В статье раскрывается сущность коррупции как негативного социального явления, характеризующегося злоупотреблением государственными служащими служебным положением в личных интересах.

Ключевые слова: коррупция, конфликт интересов, государственный служащий, этические нормы, феномен, институциональный.

Berdiyev A. The prevention of the conflict of interests – the factor of struggle against corruption

Annotation. The article discloses the contents of the essence of corruption as the negative social phenomenon characterised abusing the office position for personal interests by civil servants.

Key words: Corruption, the conflict of interests, the civil servant, ethical standards, a phenomenon, institutional.

Демократик қадриятлар қарор топиб бораётган ҳозирги вақтда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, амалдаги ҳокимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлиши мумкин. Коррупциянинг маълум бир давлатда ривожланиши эса ўша давлатнинг таназзулига олиб келади.

Коррупция фуқаро билан давлат вакили ўртасидаги маъмурий муносабатларнинг маъно-моҳиятини ўзгартиради, жамият ва давлат учун ҳам салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Коррупция – давлат органлари ходимларининг ғайриқонуний моддий ёки мулкий наф кўриш мақсадида хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланган ижтимоий ҳодисадир.

БМТ олдида турган энг глобал муаммолардан бири саналган коррупцияга қарши курашнинг давлатлар ўртасида мувофиқлаштирилган дастурлари ва бошқа ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилган. Хусусан, 2005 йил декабрь ойида кучга кирган Коррупцияга қарши конвенция кенг доирада қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг лойиҳаси икки йил давомида 130 дан ортиқ давлатлар иштирокида муҳокама этилган. Унда коррупцияга қарши халқаро ва миллий кураш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари белгиланган.

Бу иллатга қарши курашни жаҳон талаблари асосида шакллантириш мақсадида, 2008 йил 7 июлда мамлакатимиз БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилди.

Ушбу конвенция талаблари коррупцияга оид миллий қонунчиликни яна бир

бор таҳлил этиш, зарур ҳуқуқий меъёрлар қабул қилиш ва шу орқали коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишни назарда тутди. Шу йили «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланди.

Коррупцияга қарши кураш сиёсати давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида коррупция сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган ҳар томонлама ва изчил чора-тадбирларни қамраб олади. Коррупция, агар унга қарши доимий кураш олиб борилмаса, кўпайиш, кенгайишга мойил бўлган феномендир.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И. Каримов ўринли таъкидлаганидек, бугунги кунда фақат иқтисодийга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий мавқеига катта зарар етказётган энг хавfli иллат – коррупциядир.

Мамлакатимизда мазкур жиноятга қарши кураш масаласига мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жиддий эътибор қаратилган. Ўтган давр мобайнида коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилди. Республикада БМТ ҳомийлигида қабул қилинган ЭКОСОС (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши)нинг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995), Давлат

мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000) ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, давлатимиз 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида (2003 йил 10 сентябрда) қабул қилинган Коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига қўшилди. Олий Мажлис эса Жинойат даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) 2011 йил 13 декабрда ратификация қилди¹.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддасида Коррупцияга қарши курашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ, ўзининг оммавий мансабдор шахсларида бошқа фазилатлар қатори, поклик, ҳалоллик ва масъулиятни рағбатлантириш ҳамда оммавий функцияларни тўғри, виждонан ва тегишли даражада бажариш учун ҳар бир иштирокчи Давлат ўз институционал ва ҳуқуқий тизимлари доирасида ахлоқ кодекслари ёки стандартларини қўллашларини тавсия этган.

Жамиятнинг турли босқич ва жараёнларида ҳеч бир расмий, сиёсий, маданий, иқтисодий ва бошқа муносабат одоб қоидаларисиз амалга ошмайди.

Қисқа таъриф берадиган бўлсак, ахлоқ-одоб қоидалари – одамларнинг жамият ҳаётининг барча қатламларида турли шаклларда намоён бўлувчи ҳуқуқий, ахлоқий, анъанавий ва шу каби хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларига хизмат қиладиган қатъий нормалар, тавсиялар, талаблар йиғиндиси.

Давлат хизматчиси аҳамият бериши лозим бўлган одоб қоидалари, энг аввало, ахлоқ нормаларига асосланади. Ҳозирги даврда давлат хизматчиларида меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, чуқур мулоҳаза юритиш, одамларни тинглай олиш, беғараз ёрдам беришга тайёрлик, буйруқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида бажариш, ҳақгўйлик, одиллик каби ахлоқий хислатлар мавжуд бўлиши лозим.

Бу борада жорий йилнинг 2 март куни Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши давлат хизматчиларининг одоб ва ахлоқ доирасини ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқлаштириб берди².

Ушбу қарорда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари тасдиқланган бўлиб, унинг қисқача мазмун-моҳияти кўйидагиларни ўз ичига олади.

Жумладан, Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари уларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, ўз навбатида, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, давлат хизматчиларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборатдир.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш давлат хизматчисининг касбий фаолияти ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

Қоидаларда давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини қонунийлик, фуқаро-

лар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг устуворлиги, ватанпарварлик, фидойилик, хизмат бурчига, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик, одиллик, ҳалоллик ва холис-лик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик принциплари асосида амалга оширишлари кераклиги қайд этилади.

Шу билан бирга, одоб-ахлоқ қоидаларида давлат хизматчилари томонидан юқоридаги принциплар доирасида ўз касбий фаолиятини амалга оширишда қатъий мажбуриятлар белгилаб берилган.

Давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши тақиқланади. Улар коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва унинг олдини олишда фаол кўмаклашиши шарт. Давлат хизматчилари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланиши ва махфийлиги таъминланиши учун барча чораларни кўришлари керак.

Шу ўринда раҳбарларга ҳам қатъий талаблар қўйилиб, уларга мувофиқ, раҳбарлар манфаатлар тўқнашувининг, коррупциянинг олдини олиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши, ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига кўра, айнан раҳбар қўл остидаги ахлоқ принциплари ва хизмат қоидаларини бузаётган ходимларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик чораларини кўрмагани учун жавобгар бўлади.

Одоб-ахлоқ қоидаларида давлат хизматчилари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шартлиги келтирилган. Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги,

одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асосиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги кераклиги баён этилган. Шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароити ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда давлат хизматчиларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши кераклиги ҳам қатъий қоидалар сифатида киритилди. Ҳаттоки, давлат хизматчилари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги лозимлиги белгилаб берилди.

Айни вақтда, Одоб-ахлоқ қоидаларига асосан, давлат хизматчилари томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришда уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф қўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига оладиган манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлувчи шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Мазкур қоидаларда давлат хизматчилари томонидан юқорида санаб ўтилган барча одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўйилиши уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилди. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари республикамизда давлат хизматчиларининг ўз вазифаларини бажаришда риоя этиши лозим

бўлган ахлоқ ва одоб қоидаларини ўзида жамлаган, давлат хизматчилари учун дастуриламал ҳисобланган илк фундаментал норматив ҳужжат сифатида вужудга келди, десак муболага бўлмайди.

Юқорида қайд этилганидек, Қоидаларга биноан давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги лозим. *Хўш манфаатлар тўқнашувининг ўзи нима?* Амалдаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу тушунча фақат Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майдаги «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунида ўз ифодасини топган. Қонуннинг 19-моддасига асосан *манфаатлар тўқнашуви деганда* ҳомийлик ташкилоти ва манфаатдор шахслар (мазкур ташкилот бошқарув органларининг ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслари, аъзолари, уларнинг яқин қариндошлари ёки кредиторлари, шунингдек ўзларининг ҳомийлик ташкилоти билан ўзаро муносабатлари оқибатида ташкилотнинг мол-мулкани тасарруф қилишга таъсир этиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаат кўриш мақсадида ташкилот билан шахсан ёки ўз вакиллари орқали ҳамкорлик қилувчи юридик ва жисмоний шахслар) ўртасида амалга ошириладиган, ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкани тасарруф этишга дахлдор бўлган, ҳомийлик фаолиятининг манфаатлари ҳамда мақсадларига мос келмаган ёки мос келмаслиги мумкин бўлган битимлар ва (ёки) операциялар тушунилади³. Ушбу таърифдан кўришиб турибдики, *шахсий манфаатлар*нинг тегишли ташкилот манфаатларига, мақсадларига мос келмаслиги манфаатлар тўқнашувини юзага келтиради.

Манфаатлар тўқнашуви ҳуқуқий институт сифатида хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, АҚШ ва Норвегиянинг коррупцияга қарши қонунларида давлат хизматида коррупциянинг олдини олиш алоҳида йўналиш сифатида белгиланган

бўлиб, у одоб ва интизомий нормалардан ташкил топган маъмурий ахлоққа асосланади⁴. Давлат хизмати ва коррупцияга қарши курашда асосий таянч манфаатлар тўқнашуви ҳисобланади. АҚШда Одоб-ахлоқ кодекси 1958 йил Конгресс резолюцияси асосида қабул қилиниб, даставвал тавсиявий хусусиятга эга бўлган. Кейинчалик у АҚШ давлат хизматчилари маъмурий одоб-ахлоқ қоидаларининг ҳуқуқий асосига айланди. Мазкур қоидаларнинг бажарилиши устидан назорат махсус ваколатларга эга комиссия томонидан амалга оширилади. Ушбу комиссия амалдорлар устидан хизмат текшируви ўтказиши, зарур маълумотларни сўраб олиши мумкин. Буни Россия Федерацияси тажрибасида ҳам кузатса бўлади.

Буюк Британияда манфаатлар тўқнашуви нормалари 1890 йилда пайдо бўлиб, ҳозирги кунга қадар уларга ўзгартиш киритилмаган. Ҳозирги кунда Буюк Британиянинг коррупцияга қарши кураш стратегияси доирасида ҳалоллик принципи дастури амалга оширилмоқда.

Ушбу давлат қонунчилигида жамият ҳаётида хулқ-атвор стандартлари бўйича мустақил маслаҳат қўмиталари ташкил этилиши назарда тутилган.

Европа мамлакатлари орасида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда Франция қаттиқ чекловлар жорий қилганлиги билан алоҳида ўрин тутади. Франция жиноят қонунига кўра, манфаатларни ноқонуний ҳимоя қилиш деган алоҳида жавобгарлик нормаси мавжуд⁵.

Хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг алоҳида жиҳатларини республикамиз қонунчилигига татбиқ этишни илмий ўрганиш талаб этилади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, мамлакатимизда юқорида қайд этилган ҳукуматимиз қарори билан манфаатлар тўқнашуви институтининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши давлат хизматида коррупциянинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. – № 4. – 47-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 9. – 94-м.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 17–18. – 174-м.

⁴ *Наумов А. В.* Ответственность за коррупционные преступления по законодательству европейских стран: сравнительно-правовой анализ // *Коррупция.* – 2001. – С.130.

⁵ *Петрова С. Г.* Конфликт интересов на государственной службе: опыт России и зарубежных стран // *Инновационная наука.* – 2015. – № 6. – С. 202–203.

*М.З. Зиёдуллаев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Олий академик курслари бошлиғи,
юримдик фанлар номзоди, доцент*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг таянч пунктларини малакали кадрлар билан таъминлашнинг бугунги ҳолати ва долзарб масалалари, унда Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларининг туган ўрни, ички ишлар органлари таянч пунктлари субъектларининг касбий билимлари ва малакасини ошириб бориш борасида амалга оширилаётган ишлар, ушбу соҳада учраётган муаммолар ҳамда уларнинг ечимига оид мулоҳазалар ёритилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органларининг таянч пункти, ички ишлар органлари таянч пунктнинг субъектлари, ички ишлар органлари таянч пунктларининг кадрлар таъминоти, ҳудудий профилактика (катта) инспектори, патруль-пост нарядлари, йўл-патруль хизмати нарядлари, мутахассис кадрлар тайёрлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Зиёдуллаев М. З. Современное состояние и актуальные проблемы обеспечения опорных пунктов органов внутренних дел квалифицированными кадрами

Аннотация. Статья посвящена сегодняшнему состоянию и актуальным проблемам обеспечения опорных пунктов органов внутренних дел квалифицированными кадрами, подготовки кадров в учебных заведениях МВД Республики Узбекистан, вопросам подготовки, переподготовки и повышения уровня профессиональной квалификации субъектов опорных пунктов органов внутренних дел.

Ключевые слова: опорный пункт органов внутренних дел, субъекты опорного пункта органов внутренних дел, кадровое обеспечение опорных пунктов органов внутренних дел, территориальный (старший) инспектор профилактики, патрульно-постовые наряды, наряды дорожно-патрульной службы, подготовка специалистов, переподготовка и повышение квалификации.

Ziyodullayev M. Z. Condition and actual problems of organs of internal affair base stations' peopleware

Annotation. The article deals with the present condition and actual problems of organs of internal affair base stations' peopleware, the role of educational institutions of the Ministry of Internal affair in it, the work, being carried out in the sphere of professional development of subjects of organs of internal affair base stations, the problems existing in this field and their solutions.

Key words: organs of internal affairs base station, subjects of organs of internal affair base station, peopleware of organs of internal affair base stations, local crime prevention inspectors, patrol-sentry duties, road patrol service duties, training of specialists, retraining and advanced training of personnel.

Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат кадрларга ва яна кадрларга бориб тақала-веради¹. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар —

ички ишлар органлари, суд, прокуратура тизимини малакали, Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, ёш, иқтидорли ва замон талабига жавоб берадиган кадрлар билан жамлаш ишларини кучайтиришга қаратилган, қолаверса, эндиликда илгаригидек кадрларни шунчаки танлаб, жой-

жойига қўйиш эмас, балки жойларда тарбиялаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишларининг самарадорлигини юксак босқичга кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда². Жамиятда жиноятчиликнинг экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган энг қабиҳ ва хавфли уюшган кўринишлари тажовузининг кучайиб бориши, бунинг натижасида ўтган даврда республикамизнинг айрим нуқталарида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида юзага келган вазият махсус ваколатга эга давлат органлари, хусусан, терроризмнинг олдини олишда марказий субъектлардан бири бўлган ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштиришни талаб қилди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ички ишлар органлари барча хизматларини билимли, малакали ва тажрибали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди³.

Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идоралари мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 442/69-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан, ИИВ Академиясида ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ этилди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига мувофиқ Академиянинг ташкилий-штат тузилмаси қайта кўриб чиқилди. Академияда раҳбар кадрлар тайёрлайдиган Олий академик курслар, тегишли мутахассисликлар бўйича офицер кадрлар тайёрлайдиган кундузги таълим ҳамда ички ишлар органлари учун малакали сержант кадрлар тайёрлайдиган Сержантлар

таркибини тайёрлаш олий курсларининг фаолияти йўлга қўйилди⁴. Муболағасиз айтиш мумкинки, юрт тараққиёти, мамлакат келажаги ўрнимизга ким келишига ёки, бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ⁵.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамият ҳаётига татбиқ этиш натижасида ички ишлар органлари, жумладан унинг энг қуйи бўғини бўлган ички ишлар органларининг таянч пунктлари учун юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга, профессионал билим ва дунёқарашга эга ватанпарвар мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини, касбий тайёргарлигини ошириб боришнинг ўзига хос тизими шаклланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ, ички ишлар органлари, шу жумладан ички ишлар органларининг таянч пунктлари учун малакали кадрлар тайёрлаб бориш қуйидаги тизимда амалга оширилади:

1) олий юридик маълумотга эга мутахассис кадрлар тайёрлаш;

2) ноҳарбий олий ўқув юртларини тамомлаб, ички ишлар органларининг таянч пункти таркибидаги лавозимларга олинганларни дастлабки касбий тайёргарликдан ўтказиш;

3) ички ишлар органларининг таянч пункти таркибидаги лавозимларда хизмат қилаётган ходимларнинг малакасини ошириш;

4) ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларидан ички ишлар органларининг таянч пункти таркибидаги лавозимларга ўтказилган ходимларни қайта тайёрловдан ўтказиш;

5) шаҳар-туман ички ишлар бўлим (бошқарма)ларининг ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятини бошқарувчи раҳбар кадрларини тайёрлаш;

б) ички ишлар органларининг таянч пункти субъектларини хизмат фаолиятдан ажратмаган ҳолда хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотлари жараёнида ўқитиб бориш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига кўра, ички ишлар органлари таянч пунктининг асосий субъекти бўлган ҳудудий профилактика инспектори лавозимига — шаҳар-туман ИИБ бошлигининг тақдимномасига асосан, олий маълумотли, ташкилотчилик ва ташаббускорлик хислатларига эга, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан етук ходимлар; профилактика катта инспектори лавозимига эса шаҳар-туман ИИБ бошлигининг тақдимномасига асосан, ҳудудий профилактика инспектори лавозимида камида уч йил ишлаган, раҳбарлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга ходимлар тайинланади. Уларни тайинлаш ва ундан озод этиш ҳудудий ИИВ—ИИББ—ИИБлари бошлиқларининг буйруғи асосида, албатта, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармалари бошлиқларининг розилиги билан амалга оширилади.

Шу боис ички ишлар органларининг таянч пунктларини ИИВ Академиясини тегишли мутахассислик бўйича тамомлаган кадрлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 2004–2014 йиллар давомида ИИВ Академиясида 1,5 мингдан ортиқ малакали офицер мутахассислар тайёрланиб, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати тизимига юборилди⁶.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2016 йилнинг бошида республикамиз ички ишлар органлари тизимида мавжуд ҳудудий профилактика инспектори штат бирликларининг 97,1 % жамланган бўлиб, уларнинг 95,5 % олий маълумотли ва 4,5 % ўрта махсус маълумотлидир. Олий маълумотга эга ҳудудий профилактика инспекторларининг 19,5 % ҳуқуқшунос,

47,6 % педагог, 32,9 % бошқа олий маълумотга эга. Ушбу маълумотлар таҳлилининг ўзи ҳам ички ишлар органлари таянч пунктларининг кадрлар таъминотида катта муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатади.

ИИВ Академияси кундузги таълимида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислиги бўйича махсус дастур асосида таҳсил олиб, амалий фаолиятга бораётган битирувчилар ўз ихтисослиги бўйича ҳудудий профилактика инспектори лавозимига эмас, балки бошқа, жумладан терговчи, жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати тезкор вакили лавозимларига тайинланаётгани аҳволни янада оғирлаштирмоқда.

Ҳудудий профилактика инспекторлари касбий даражасининг таҳлили эса уларнинг айримларида раҳбарлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик каби касбий хислатлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Одамлар ҳудудий профилактика инспекторини ҳокимият вакили деб билиши, унга қараб давлат ҳокимиятига бўлган муносабати шаклланишини инобатга олиб, ушбу лавозимга малакали, ташкилотчи, ташаббускор, ғайратли, билимдон, ҳар томонлама етук, тажрибали, ҳалол, фидойи ва жонкуяр ходимларни саралаб олиш талаб этилади⁷.

Ўтказилган социологик тадқиқотларда фуқаролардан улар яшаётган ҳудудий профилактика инспекторининг саводхонлик даражасини қандай баҳолашлари сўралганида уларнинг 36,2 % — юқори, 47,9 % — ўрта, 9,85 % — паст даражада деб баҳолашган. Улардан ҳудудий профилактика инспекторларининг профессионалик даражаси тўғрисида сўралганида, 33,2 % — юқори, 56,2 % — ўрта, 6,3 % — паст даражадалигини билдиришган. Кўриниб турибдики, фуқаролар ҳам яшаш жойларидаги ҳудудий профилактика инспекторларининг касбий билими ва профессионалик даражасидан тўлиқ қониқмайдилар.

Худудий профилактика инспекторларига оид маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, уларнинг 41,7 % –30, 28,9 % –30–35, 16,8 % – 35–40 ёшгача бўлганлар, 12,4 % эса –40 ёшдан ошганлар эканлиги маълум бўлади. Уларнинг 18,5 % – 1 йиллик, 24,0 % – 1–3, 20,5 % –3–5, 17,0 % – 5–10, 13,0 % – 10–15 йиллик, 6,8 % – 15 йилдан ортиқ стажга эга худудий профилактика инспекторларидир. Бу таҳлиллар шундан дарак берадики, бугун худудий профилактика инспектори лавозимларида хизмат қилаётган ходимларнинг аксарияти (40,0 %дан кўпи)ни ёш ва тажрибаси кам ходимлар ташкил этади. Ёш худудий профилактика инспекторларини хизмат фаолиятига, лавозим масъулиятини ҳис қилишга ўргатиш талаб этиладиган ҳозирги кунда ички ишлар органлари тизимида ёш мутахассис кадрларнинг касб маҳоратини шакллантириш, уларни тизимнинг ўзига хос мураккаб хусусиятларига мослаштириш борасидаги ишлар ҳам эътибордан четда қолмоқда. Бунинг устига, бу борада муайян тизим ҳам йўқ.

Шундай экан, ички ишлар органлари тизимида ёш ходимларнинг ҳар томонлама етук бўлишлари учун шароит яратиш, ёш ходимларга мураббийлар бириктириш, ички ишлар органлари тизимида «устоз-шогирд» мактабига хос анъаналарни такомиллаштириш ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш керак. Ижтимоий ҳаётнинг борган сари глобаллашиб бораётгани ички ишлар органларининг таянч пунктларида фаолият олиб борувчи ходимлар, айниқса хизматга эндигина кириб келган ёш ходим, қолаверса, ёш раҳбар ходимлардан касб маҳоратини замон талаблари асосида мунтазам равишда ошириб боришини талаб қилади. Кадрларни тарбиялаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ички ишлар органлари учун ҳам қатъий қоидага айланиши, бу борадаги ишлар ягона тизим асосида

ташкил этилиши ва бу тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш лозим⁸.

Бугунги кунда худудий профилактика инспектори лавозимига: а) ИИВ Академиясининг кундузги таълимини «Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислиги бўйича тамомлаб, махсус дипломга эга бўлган номзодлар – синов муддати белгиланмасдан; б) ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларида офицерлик лавозимларида ишлаганлар – 15 кун муддатга мўлжалланган алоҳида дастур асосида қайта тайёргарликдан ўтган ҳолда; в) ИИВ Академиясидан бошқа олий таълим муассасаларини тамомлаганлар ҳамда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларида сержантлик ва сафдорлик лавозимларида ишлаётган тегишли олий маълумотга эга бўлганлар ИИВ Академияси Малака ошириш факультети ва Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида белгиланган махсус дастур асосида бошланғич касбий тайёргарликдан ўтган ҳолда тайинланмоқда. Маълумотлар таҳлили сўнгги беш йил (2011–2015 йиллар) давомида ИИВ Академияси негизида худудий профилактика инспектори лавозимига тайинланган 1600 нафардан ортиқ шундай ходимлар бошланғич касбий тайёргарликдан ўтганлигини кўрсатади.

Табиийки, ҳар йили ИИВ Академияси кундузги таълимини «Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислиги бўйича тамомлаётган ўртача 120–150 нафар малакали мутахассис кадрлар билан худудий профилактика инспектори лавозимлари учун талаб этиладиган номзодларга бўлган эҳтиёжни тўлдириб бўлмайди. Республикамиз ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати тизимида мавжуд офицерлик лавозимлари, хусусан худудий профилактика инспектори лавозимларига ходимларни жамлашга доир статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда шундай лавозимларга

тайинланганларнинг 37,2 %ини фуқаролик олий таълим муассасалари битирувчилари, 26,1 %ини бошқа соҳавий хизматлардан, 17,0 %ини сафдор-кичик сержантлар таркибидан ўтказилганлар ташкил этса, бевосита ушбу мутахассислик бўйича ИИВ Академиясини тамомлаб лавозимга тайинланганлар 10,8 %ни ташкил этади. Ноҳарбий олий таълим муассасаларини тамомлаб, ҳудудий профилактика инспектори лавозимига тайинланганларнинг аксарияти касбий тайёргарликдан ўтмаган ҳолда хизмат олиб бормоқда. Амалиётда ҳудудий профилактика инспектори лавозимига ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларида интизом бузганлиги, касбга нолойқлиги туфайли лавозимидан бўшатирилган кадрларни тайинлаш ҳоллари ҳам учрамоқда. Ички ишлар органларининг доимо халқ ичида юриб, унинг ташвиши билан яшаши лозим бўлган ҳудудий профилактика инспектори лавозимига номзодларни бу тариқа жамлаш уларнинг олдига қўйилган энг муҳим вазифалар — маҳаллада жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга тўсқинлик қилади. Натижада аҳолида нафақат ҳудудий профилактика инспекторига, балки ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ислохотларга ҳам ишончсизлик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва ИИВ раҳбарияти томонидан сўнгги йилларда ҳудудий профилактика инспекторларининг касбий тайёргарлигини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг махсус фармойиши асосида Вазирлик Академияси профессор-ўқитувчилари ва ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси тажрибали мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, ҳудудий ички ишлар органларининг ўзида ҳудудий профилактика инспекторлари билан Ўзбекистон

Республикаси ИИВ Ҳайъати мажлисларида белгилаб берилган асосий вазифалар, ҳудудий профилактика инспекторлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан келиб чиқиб белгиланган долзарб мавзулар бўйича сайёр ўқув машғулоти ўтказилиши йўлга қўйилди. 2014 ва 2015 йилларда ўтказилган шундай сайёр-ўқув машғулотида беш минг нафардан ортиқ ҳудудий профилактика инспекторлари касбий билим ва малакаларини оширдилар.

Ички ишлар органларининг таянч пункти таркибига кирувчи ҳудудий тезкор вакил лавозимига олий маълумотли ҳуқуқшунослар тайинланади. Ушбу лавозимга тайинлаш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълимида «Тезкор-қидирув фаолияти» мутахассислиги бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Ҳудудий вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини инспектори ҳам офицерлик лавозими бўлиб, унга фақат олий маълумотли ҳуқуқшунос, педагог ва психолог мутахассислар тайинланиши кўзда тутилган. Бироқ, ушбу лавозимларни малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам юқорида келтирилган сингари муаммолар мавжуд.

Ички ишлар органлари таянч пунктининг субъекти — патруль-пост хизмати милиционери сафдорлик лавозими бўлиб, ходим Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2006 йил 18 апрелдаги 80-сонли буйруғига асосан ташкил этилган ва фаолият олиб бораётган Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида бошланғич касбий тайёргарликдан ўтганидан кейин ушбу лавозимга тайинланади. Патруль-пост хизмати нарядларининг фаолиятини ташкил этувчи гуруҳ командири, йўл-

патруль хизмати инспектори лавозимларига ҳам ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини тамомлаган малакали сержант кадрлар тайинланадилар. Ўтган 2005 – 2016 йиллар давомида Олий курсларни «Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолияти» мутахассислиги бўйича 1700 нафарга яқин ва «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолияти» мутахассислиги бўйича 1700 нафардан ортиқ малакали сержант кадрлар тамомлаб, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизда хизмат олиб бормоқда.

Ички ишлар органлари таянч пункти субъектларининг мазмун жиҳатидан кенг кўламли вазифаларни самарали бажаришлари уларнинг касбий тайёргарлигини юксалтириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб боришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ҳар йили республика ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёргарликдан ўтказиб бориш жадвали ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ ўқув йиғинлари ташкил этилиб, ўтказиб борилади. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, ҳудудий профилактика инспектори, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ҳамда жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати тезкор вакиллари малака ошириш ва қайта тайёрлаш йиғинларидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Малака ошириш факультети базасида ўтадилар. Ўзбекистон Республикаси ИИВ талаблари асосида Вазирлик Академиясида 2011—2015 йиллар давомида 3 минг нафарга яқин ҳудудий профилактика инспектори, минг нафарга яқин жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати тезкор вакиллари, 70 нафардан ортиқ вояга етмаганлар ўртасида

назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори малака оширган бўлса, ҳудудий профилактика инспектори лавозимига тайинланган 180 нафарга яқин, тезкор вакил лавозимига тайинланган 45 нафар ҳамда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори лавозимига тайинланган 40 нафарга яқин ходим қайта тайёрлаш ўқув йиғинларидан ўтган.

Ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматларида ишлаётган сержант кадрлар Тошкент шаҳрида жойлашган Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида, ёнги хавфсизлиги хизматида фаолият юритаётган сержант ходимлар Самарқанд шаҳрида жойлашган Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йиғинларидан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги 442/69-сон қарори билан ички ишлар органлари учун юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган, жиноятларнинг олдини олиш тадбирларини ташкил қилиш ва бошқаришга, содир этилган жиноятларни очиш ва тергов қилишга, мамлакатда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий тартибни таъминлашга қодир юқори малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш мақсадида, ИИВ Академияси ҳузурида 1 йиллик ўқиш муддатидаги Олий академик курслар ташкил этилиб, 2000—2016 йиллар давомида ички ишлар органлари тизими учун 720 нафар малакали раҳбар кадрлар етказиб берилди. Бугунги кунда Олий академик курсларни тамомлаб ички ишлар органлари ва бошқа давлат бошқаруви органларида хизмат олиб бораётган раҳбар кадрлардан 60 нафардан ортиги шаҳар-туман ИИБ бошлиғи ва 100 нафарга яқини шаҳар-туман ИИБ бошлиғининг

ўринбосари лавозимларида фаолият юритиб, ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини самарали бошқаришга хизмат қилмоқдалар.

Ички ишлар органлари таянч пункти субъектларининг касбий тайёргарлигини ошириб бориш, шубҳасиз, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Негаки, ички ишлар органларининг таянч пункти барча субъектлари, хусусан ҳудудий профилактика инспекторлари, жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ҳудудий тезкор вакилларининг асосий қисми улар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини билмайдилар ҳамда уларни амалда қўллаш бўйича етарли кўникмаларга эга эмаслар.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси томонидан кўрсатилган йўналишлар бўйича ҳудудий профилактика инспекторлари, тезкор вакилларнинг ишини ташкил этишга амалий ва услубий ёрдам кўрсатишга хизмат қилувчи

қўлланмалар, тавсия ва шарҳларни тайёрлаш ҳамда жойларга тўлиқ етказилишини таъминлаш, улар фаолиятининг энг долзарб ва муаммоли масалаларни ўрганиб бориш орқали ҳар йили камида бир марта улар билан тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда жойларда сайёр ўқув машғулотлари ўтказиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ҳудудий профилактика инспектори лавозимида тайинланаётганларнинг салмоқли ҳиссаси (54,0 % дан ортиғи)ни ташкил этаётган фуқаролик олий таълим муассасалари битирувчилари ва сафдор, кичик сержантлар таркибидан ўтказилганларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси базасида камида уч ойлик махсус дастур асосида дастлабки тайёргарликдан ўтказгандан сўнг ҳудудий профилактика инспектори лавозимида тайинлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан шундай махсус дастлабки тайёргарликдан ўтган ушбу тоифа номзодлар ва ходимлар захирасини яратиб бориш тизимининг жорий этилиши келгусида бу борадаги муаммоларни маълум даражада ҳал этиш имконини беради.

¹ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 362.

² Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 304.

³ Пулатов Ю. С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – № 4. – С. 80–84.

⁴ Ички ишлар идораларидаги ислохотлар – тинчлик ва осойишталик гарови / И. Исмаилов, Ў. Х. Мухамедов, М.З. Зиёдуллаев ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Т., 2014. – Б. 196.

⁵ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 362.

⁶ Ички ишлар идораларидаги ислохотлар – тинчлик ва осойишталик гарови / И. Исмаилов, Ў. Х. Мухамедов, М. З. Зиёдуллаев ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Т., 2014. – Б. 181.

⁷ Мухторов Ж. С. Профилактика инспекторларини касбий тайёрлаш муаммолари // Davlat va huquq. – 2005. – № 3. – Б. 22–24.

⁸ Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т., 2003. – Б. 213.

*Д. Камалова,
Тошкент давлат юридик университети
жиноят ҳуқуқи ва криминология
кафедраси катта ўқитувчиси*

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тушунчаси ва белгиларини аниқлаш юзасидан муаммоли ҳолатлар кўриб чиқилган. Жиноят ҳуқуқига оид адабиётлар, жиноят қонуни нормалар асосида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг қасдан жиноят содир этишни тўхтатганлиги, ихтиёрийлик, қатъийлик, вақтида амалга оширилганлиги каби белгилари аниқланиб, таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, қасдан жиноят содир этишни тўхтатиш, ихтиёрийлик, қатъийлик, вақтида амалга оширилганлик.

Камалова Д.Г. Анализ объективных и субъективных признаков добровольного отказа от совершения преступления

Аннотация. В статье рассматривается проблема определения понятия и признаков добровольного отказа от преступления. На основе анализа положений уголовного закона, уголовно-правовой литературы выявляются и анализируются признаки добровольного отказа от преступления: объективное прекращение умышленного преступления, добровольность, окончательность и своевременность.

Ключевые слова: добровольный отказ от преступления, объективное прекращение совершения умышленного преступления, добровольность, окончательность, своевременность.

Kamalova D.G. Analysis of objective and subjective signs of voluntary renunciation

Annotation. The article deals with the problem of the definition of the concept of voluntary renunciation of the crime. Through analyzing criminal law, the criminal law literature identifies the author identifies and examines the features of voluntary renunciation of the crime: objective termination of intended crime, voluntariness, finality and timeliness.

Key words: voluntary renunciation of the crime: objective termination of intended crime, voluntariness, finality and timeliness.

Жиноят ҳуқуқи ўзининг жазоловчи элементлари билан эмас, балки шахснинг ижобий хулқ-атворини рағбатлантиришга қаратилган нормалар билан ифодаланади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институти шулар жумласидандир. Жиноят ҳуқуқи соҳасида мазкур институт инсон-парварлик хусусияти билан эътиборга лойиқ. Чунки жиноятга шароит яратишга қаратилган ҳаракатлар бажарилган, жиноят содир этиш бошланиб, ижтимоий хавфли қилмиш амалга оширилганига қарамасдан,

шахс жиноий фаолиятини давом эттиришдан воз кечган ҳолларда, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 26-моддаси айнан мазкур институтни ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган. Унга кўра, шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек, жиноий оқибат келиб чиқишини била туриб унинг олдини олса, жиноят содир

этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Жиноятдан ихтиёрий қайтиш, тор маънода, бошланган жиноий фаолиятни давом эттиришни тўхтатиш, кенг маънода эса шахснинг иродасига кўра, жиноятга шароит яратиш, жиноятни содир этиш ёки жиноятни охирига етказишга қаратилган ҳаракатларни тўхтатишдир.

Жиноят кодексининг 26-моддасида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг икки тури назарда тутилган: 1) жиноятнинг объектив томонига кирадиган барча ҳаракат содир этилгунча (жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноятга суиқасд қилиш босқичида) тўхтатилиши; 2) жиноятнинг объектив томонига кирувчи барча ҳаракатлар содир этилганидан сўнг жиноий оқибат юз беришининг олдини олиш. Бу эса, ўз навбатида, жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг икки тури учун объектив белгиларнинг ўзаро фарқланишини билдиради.

Юридик адабиётларда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг хусусиятини ифодаловчи аломатлар «жиноятдан ихтиёрий қайтиш белгилари»¹ ёки «жиноятдан ихтиёрий қайтиш шартлари»² ёхуд «жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтишнинг ҳуқуқийлиги шартлари»³ тарзида ифодаланади. Белгилар шахснинг қилмишида жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг мавжудлигини аниқлашга хизмат қилса, жиноий жавобгарликни қўлламаслик шартлари жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг ҳуқуқий оқибати ҳисобланади. Жиноятдан ихтиёрий қайтиш ҳолати аниқланган ва қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлмаган ҳолларда, жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашнинг асоси мавжуд бўлмайди. Шунинг учун жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг белги ва шартлари ўзаро фарқланиши лозим.

Аксарият манбаларда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг иккита белгиси кўрсатиб ўтилади: ихтиёрийлик ва қатъийлик⁴. Айрим адабиётларда мазкур

белгиларга қўшимча равишда ўз вақтида ва жиноят содир этишнинг тамомила тўхтатганлик белгилари келтирилади⁵.

Бошқа манбаларда ихтиёрий қайтишнинг тўртта белгиси кўрсатилади: а) шахс томонидан жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларининг ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларнинг тугатилиши ёхуд жиноий оқибат келиб чиқишининг олди олинishi; б) жиноят содир этишнинг тамомила тугатилганлиги; в) ихтиёрийлик; г) шахс томонидан жиноятни тамомлаш имкониятининг англаниши⁶.

Шунингдек, баъзи адабиётларда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш объектив ва субъектив белгилар асосида таҳлил қилинган⁷. Объектив белгиларга шахс томонидан жиноят содир этиш учун шароит яратиш ёки жиноятни бевосита содир этишга қаратилган ҳаракатни ҳақиқатда тўхтатиш; мазкур ҳаракатларни ўз вақтда амалга ошириш белгилари тааллуқли бўлса, субъектив белгиларга ихтиёрийлик ва жиноятни бутунлай тўхтатиш белгилари киритилган.

Фикримизча, жиноятдан ихтиёрий қайтишни объектив ва субъектив белгилар асосида таҳлил қилган тадқиқотчилар масалага тўғри ёндашган. Бизнингча, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг объектив белгиларига қуйидагилар киради:

- қасддан жиноят содир этишни тўхтатиш;
- ихтиёрийлик;
- қатъийлик;
- жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги.

Биринчи белги — қасддан жиноят содир этишни тўхтатиш. Шахс томонидан жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларининг ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларнинг тугатилиши ёхуд жиноий оқибат келиб чиқишининг олди олинishi. Мазкур белги муқобил хусусиятга эга бўлиб, объектив томондан,

жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан иборат шахс хулқ-атворининг қуйидаги турларини ўз ичига олади:

1) жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларининг тўхтатилиши. Жиноятга тайёргарлик кўришдан ихтиёрий қайтиш, одатда, ҳаракатсизлик орқали ифодаланиб, жиноятга шарт-шароит яратишга қаратилган ҳаракатларнинг яқунланишида ифодаланади;

2) жиноят содир этишга суиқасд қилишдан тўхташ, яъни муайян таркибли жиноят объектив томонини ташкил қилувчи жинойи ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга оширишдан воз кечиш;

3) жинойи оқибат келиб чиқишининг олдини олиш. Содир этилган қилмиш ва юз берган оқибат ўртасида муайян вақт оралиғи мавжуд бўлиб, субъект сабабий боғланиш ривожланиши устидан назорат қила олиш имконияти бўлгандагина жинойи оқибат юз беришини тўхтатиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, фақат бошланган жинойи фаолиятдан ихтиёрий қайтиш мумкин, яъни шахс жинойи қасдини амалга оширишга қаратилган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга оширган бўлиши лозим. Жиноятдан ихтиёрий қайтиш жиноят содир этиш босқичлари билан узвийдир. Жинойи қасднинг шаклланиши ёки намоён бўлиши босқичларида шахс ҳеч қандай қилмиш содир этмаганлиги туфайли ихтиёрий қайтиш мумкин эмас.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фаол хулқ-атворда намоён бўлиши лозим. Шахс ижтимоий хавfli оқибат юз беришига йўл қўймаслиги, уни баргараф этиши ва олдини олишга ҳаракат қилиши лозим.

Иккинчи белги. Ихтиёрийлик деганда, шахснинг бошланган жинойи хатти-ҳаракатини ўз хоҳиши билан, ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз охирига етказиш имконияти борлигини англаган ҳолда тўхтатиши тушунилади.

Ихтиёрийлик белгисининг иккита хусусияти бор: жиноятни охирига етказиш

ва келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олиш⁸.

Англаш ва исташ шахс руҳий фаолиятининг асосий белгилари бўлиб, ўзаро узвий ва бир-бирини тақозо этувчи тушунчалар ҳисобланади. Шунинг учун ихтиёрийлик тафаккурий ва иродавий элементлар орқали намоён бўлади. Иродавийлик – жиноятни охирига етказиш имконияти мавжудлигини англаш, тафаккурийлик – жиноятни ўз хоҳишига кўра тўхтатганликдир. Иродавий ва тафаккурий белги ягона руҳий жараённи ифодлагани боис фақат иродавий белги асосида, жиноятни охирига етказиш имконияти мавжудлигини англамасдан туриб ихтиёрий қайтиш мавжудлигини аниқлаш мушкул. Жиноятдан ихтиёрий қайтишни аниқлашда объектив мезон (жиноятни яқунлашга ташқи муҳит таъсири) ва субъектив мезон (шахснинг жиноятни охирига етказиш мумкинлигини англаши) биргаликда мавжуд бўлиши керак.

Таъкидлаш ўринлики, жиноятдан ихтиёрий қайтиш жиноятни охирига етказишга тўсиқлар юзага келгунга қадар амалга оширилиши лозим. Жиноят содир этишда тўсиқлар юзага келгандан сўнг амалга оширилган ихтиёрий қайтиш ихтиёрий ҳисобланмай, қилмишга амалда пушаймон бўлиш сифатида баҳоланиши лозим.

Учинчи белги. Қатъийлик – жиноятни охирига етказиш учун тўла имкониятлар борлигини англаб, жиноят содир этишдан бутунлай, тўлиқ ва муқаррар равишда воз кечилган бўлиши лозим. Қулай вазиятда жинойи қасдни амалга ошириш ёки бошқача усуллар орқали жиноятни содир этиш ёхуд келажакда жиноятни давом эттириш нияти мавжуд бўлмаслиги лозим.

Тўртинчи белги. Жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги белгиси шуни англатадики, жиноятдан ихтиёрий қайтиш моддий таркибли жиноятларда жинойи оқибат юз

бергунга қадар, формал таркибли жиноятларда қилмиш охирига етказилгунча амалга оширилиши лозим. Бунда жиноятнинг фактик эмас, балки юридик жиҳатдан тамом бўлиш вақти назарда тутилмоқда. Жиноят содир этиш вақти сурилган ёки уни кейинчалик давом эттириш мақсадида вақтинча тўхтатиш жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди.

Айрим адабиётларда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш белгиси сифатида шахс томонидан жиноятни тамомлаш имкониятининг англаниши кўрсатилади. «Башарти, шахс жиноят содир этиш вақтида тўсиқларга дуч келиши ёки жиноятни давом эттириш учун зарур техник воситалар бўлмаслиги ёхуд жиноятни содир этишга тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолатларга учрагани сабабли жиноятни содир этишдан қайтса, уни ихтиёрий деб ҳисоблаб бўлмайди. Зеро айбдор мазкур ҳолатда жиноий фаолиятини давом эттира олмаслигини англайди, яъни бошлаган жиноятини ниҳоясига етказишга халақит берувчи у ёки бу ҳолатлар боис, жиноятни содир этишдан ноилож қайтади»⁹.

Бизнингча, шахс томонидан жиноятни тамомлаш имкониятининг англаниши ихтиёрийлик белгисининг таркибий қисми ҳисобланади. Ихтиёрийлик шахс жиноий мақсадини охирига етказиш ва жиноий натижага эришиш мумкинлигини билган ҳолда жиноятни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолларда баҳоланиши мумкин. Шунинг учун шахс томонидан жиноятни тамомлаш имкониятининг англаниши белгисини алоҳида ажратиш зарурати йўқ.

Жиноятдан ихтиёрий қайтишда субъектив белгилар алоҳида аҳамият касб этади. Тўғри қасддан содир этиладиган жиноятлардан ихтиёрий қайтиш мумкин. А.С.Каюмов эгри қасддан содир этиладиган жиноятлардан ҳам ихтиёрий қайтиш мумкинлигини инкор этмайди ва қуйидаги мисолни келтиради. Шахс бинода одамлар борлигини билган ҳолда унга ўт қўяди. Шахснинг мулкни нобуд қилишга руҳий

муносабати тўғри қасдда, одамларнинг ўлимига нисбатан эса эгри қасдда ифодаланади. Чунки одамларнинг ёнгиндан қочиб чиқиб, қутулиб қолиш имкони мавжуд. Бундай ҳолда шахснинг жиноий мақсад – ўт қўйишдан ихтиёрий қайтса, тўғри қасддан содир этиладиган – мулкни қасддан нобуд қилиш жиноятдан ихтиёрий қайтиш ва эгри қасддан содир этиладиган – қасддан одам ўлдириш жиноятдан ихтиёрий қайтишга мисол бўла олади¹⁰.

Фикримизча, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларда мавжуд бўлади. Чунки, ижтимоий хавфли оқибат юз беришини истамасдан, жиноятга шартшароит яратиш мумкин эмас. Жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш босқичларидан ихтиёрий қайтиш мумкин, мазкур босқичлар эса фақат тўғри қасд орқали ифодаланади. Юқоридаги мисол ҳам тўғри қасдан содир этиладиган жиноятларга киради. Чунки шахс бинода одамлар борлигини била туриб ёнгин келтириб чиқармоқда. Тасодифий ҳолатларга кўра одамларнинг тирик қолиши шахснинг жиноий қасди билан қамраб олинмаган.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда мотив субъектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади. Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда мотив (жабрланувчига ачиниш, қилмишига пушаймон бўлиш) алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида эса жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳеч қандай мотив билан боғлиқликда кўрилмайди.

Жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг мотиви турлича бўлиши мумкин ва у шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишда муҳим эмас (шахс жабрланувчига раҳми келгандан, фош бўлишдан, жиноий жавобгарлик ва жазодан қўрққанидан, уялиш, фарзандлари тақдири ҳақида ўйлаш, қариндош ва дўстларининг маслаҳати).

Мотив бу майл, истак, хоҳишни уйғотувчи сабаб бўлиб, жиноятни содир этиш ёки содир этмасликка ундайди. Мотив орқали ҳақиқатан ҳам жиноятдан қайтиш «ихтиёрий» ёки «мажбурий» бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Жиноятдан ихтиёрий қайтишда шахснинг иродаси ташқи муҳит таъсирида бўлганлиги боис жиноятдан ихтиёрий қайтиш мотивига турлича таъсир кўрсатади. Гарчи жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ташаббуси қариндош, таниш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан билдирилганига қарамай, жиноий қилмишни тўхтатиш ёки охирига

етказиш тўғрисидаги қарорни шахснинг ўзи иродасига таянган ҳолда қабул қилиши лозим. Шахс жиноятни охирига етказиш имконияти мавжудлигини англаганлиги муҳим бўлиб, ҳақиқатан ҳам жиноий тажовузни яқунлаш имконияти мавжудлиги муҳим эмас. Демак, шахснинг субъектив фикрига эътибор қаратилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, шахс бошлаган жиноий фаолиятини давом эттириш имконияти борлигини англаган ҳолда, жиноятни давом эттириш ёки охирига етказишни қатъий, ихтиёрий ва ҳар қандай мотив асосида тўхтатса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

¹ Усмоналиев М., Бақунов П. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм). – Т., 2010. – Б. 266.

² Александрова Н. С. Деятельное раскаяние и добровольный отказ от совершения преступления // Вестник Самарской гуманитарной академии. Серия «Право». – 2008. – №1. – С. 48; Полный курс уголовного права: в 5 т. Т.1: Преступление и наказание / Под ред. А.И.Коробеева. – СПб., 2008. – С. 569–571.

³ Звечаровский И. Э. Добровольный отказ от доведения преступления до конца. – СПб., 2008. – С. 47–63.

⁴ Рустамбаев М. Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. – Т., 2010. – Б. 252; Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под ред А.В.Бриллиантова. – М., 2010. – С 94; Орлова А.И. Добровольный отказ от преступления: проблемы теории и практики: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2007. – С. 6, 11; Скоринкин А. Добровольный отказ от преступления и его место в системе обстоятельств, освобождающих от уголовной ответственности: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С. 17.

⁵ Ситникова А. И. Приготовление к преступлению и покушение на преступление. – М., 2006. – С. 124–125.

⁶ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Т., 2012. – Б. 232.

⁷ Каюмов А. С. Добровольный отказ от совершения преступления и деятельное раскаяние по уголовному законодательству Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1998. – С. 15–16; Кюев А.А. Добровольный отказ от совершения преступления // Энциклопедия уголовного права. Т.5. Неоконченное преступление. – СПб., 2006. – С. 360; Шакирова А.А. Добровольный отказ от преступления соучастников: Дис. ... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2006. – С. 33.

⁸ Рустамбаев М. Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. – Т., 2010. – Б. 252.

⁹ Кучкаров Т.Р., Хайдаров М.М. Жиноят ҳуқуқида тамом бўлмаган жиноят. – Т., 2016. – Б. 31.

¹⁰ Каюмов А. С. Добровольный отказ от совершения преступления и деятельное раскаяние по уголовному законодательству Республики Узбекистан: Дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1998. – С. 103.

Қ. Ю. Розимова,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил тадқиқотчиси

«БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ» ТУШУНЧАСИГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада жиноят қонунчилигидаги «бир қанча жиноят» тушунчаси назарий жиҳатдан тадқиқ этилган, бу борада миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: ижтимоий муносабатлар, жиноят шакллари, жиноят таркиби, рецидив жиноят, суд ҳукми, бир қанча жиноят тушунчаси, икки ва ундан ортиқ қилмиш, жиноят қонуни, жазо тайинлаш, судланганлик, жиноятлар мажмуи, ҳукмлар мажмуи.

Розимова К.Ю. Особенности теоретического подхода к понятию множественности преступлений

Аннотация. Статья посвящена теоретическим исследованиям понятия множественности преступлений. Автором проанализированы труды отечественных и зарубежных ученых в данной сфере.

Ключевые слова: общественные отношения, виды преступлений, состав преступления, рецидив преступления, приговор суда, понятие множественности преступлений, два и более деяний, уголовный закон, назначение наказания, судимость, совокупность преступлений, совокупность приговоров.

Rozimova K.Y. Theoretical studies of the concept of multiple offenses

Annotation. This article deals with theoretical studies of the concept of multiple offenses. The author analyzes the works of national and foreign scientists in the field of criminal law on the concept of multiple offenses.

Key words: social relations, species of crime, formal components of crime, recidivism of crime, sentence, notion of multiplicity crime, two or more criminal acts, criminal law, prescription of punishment, record of conviction.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида бир қанча жиноят содир этишга қарши курашиш чораларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида «бир қанча жиноят содир этиш» тушунчаси таърифининг мавжуд эмаслиги, бир томондан ҳуқуқ назариясида мазкур институтга турлича қарашлар юзага келишига сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан суд-тергов амалиётида бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда ҳали-ҳануз айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳамда бир қанча жиноят содир этилиши жиноят қонунчилиги билан қўриқланидиган ижтимоий муносабатларга жиддий хавф туғдираётгани кузатилаётганда.

Бу борада суд-тергов амалиёти таҳлил этилганда, ўтган 2015 йил давомида жиноят содир этганлиги аниқланган шахсларнинг 10,8 фоиздан ортигини муқаддам жиноят

содир этган шахслар ташкил қилганлиги, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 2,6 фоизга ошганлиги кузатилади¹.

Шу нуқтага назардан, бир қанча жиноят содир этиш институтини таҳлил этиш ва миллий қонунчилигимизда ушбу институтнинг таърифини шакллантириш орқали ҳуқуқ назарияси ва амалиётида бир қанча жиноятларни квалификация қилишда ягона ёндашувни жорий этиш талаб этилади.

Бир қанча жиноят содир этиш институти назарий жиҳатдан таҳлил этилганда унинг тушунчаси борасида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжудлигини кўриш мумкин.

«Бир қанча жиноят» тушунчасини ифодалашда жиноятнинг миқдор кўрсаткичларига асосланиб таъриф берилиши кенг тарқалган ёндашувлардан биридир.

Аксарият ҳуқуқшунос олимлар бир қанча жиноятни битта шахс томонидан

икки ва ундан ортиқ жиноят содир этилиши сифатида таърифлайдилар². Бу ҳолатда шахс томонидан камида иккита жиноят содир этилишига алоҳида аҳамият қаратилади. Бошқа ҳуқуқшунос олимлар қилмишни бир қанча жиноят деб эътироф этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида содир этилган қилмишларнинг қонунда бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик эмас, балки айнан жиноят деб топиллиши лозимлигини таъкидлайди³.

Бошқа бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар эса бир қанча жиноят деганда бир шахснинг икки ва ундан ортиқ жиноят содир этиши ва ҳар бир қилмиши алоҳида жиноят таркибини ташкил қиладиган ҳаракатлар мажмуи тушунилишини қайд этадилар⁴.

Жиноятнинг миқдор кўрсаткичларига асосланиб «бир қанча жиноят» тушунчасини ифодалашда судланганликнинг мавжудлиги ҳамда бир қанча жиноят шакллари ташкил этувчи жиноятларнинг ҳуқуқий оқибатларига эътибор берилмайди.

Фикримизча, «бир қанча жиноят» тушунчасини ёритишда айнан судланганликнинг ёки бошқа ҳуқуқий оқибатларнинг мавжудлигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ваҳоланки, айнан бир қанча жиноят шакллари жиноят ҳуқуқидаги ҳукмлар мажмуи институтидан ажратишда судланганлик институтининг мавжудлиги муҳим масалалардан биридир.

Бошқа бир ёндашувда «бир қанча жиноят» тушунчасини ёритишда жиноятнинг миқдор кўрсаткичи билан бирга шакллари ҳам ёритишга эътибор қаратилади.

Жумладан, И. Г. Возжанникова бир қанча жиноят содир этиш деганда бевосита Жиноят кодекси Умумий қисмида назарда тутилган бир қанча жиноят шакллари, хусусан, жиноят ва ҳукмлар мажмуи, рецидив, судланганликка эга бўлган шахснинг рецидив жиноят белгиларига эга бўлмаган ҳолда такроран жиноят содир қилиши ҳақидаги хулосага келади⁵.

Ушбу ёндашувга кўра, «бир қанча жиноят» тушунчасида ҳар қандай шаклдаги

икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиши инобатга олинади.

Яна бир ёндашувга кўра, «бир қанча жиноят» тушунчасига таъриф беришда, кўпроқ «жиноят» тушунчасининг моддий ёндашувидан келиб чиққан ҳолда, «бир қанча жиноят содир этиш» тушунчаси умумлаштирувчи жинойий-ҳуқуқий атама эканлиги таъкидланиб, бир қанча жиноят, шахснинг илгари содир этган қилмишлари учун судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар, бир неча жиноят содир этганлигини акс эттирадиган ижтимоий ҳодиса сифатида изоҳ берилади⁶.

Бунинг ўзига хослиги шундаки, унда қилмишнинг қонунда жиноят деб тан олинганлиги эмас, балки амалда ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганлиги қилмишларнинг бир қанча жиноят содир эканлигини англатишини қайд қилиш билан чекланилади ва у ижтимоий ҳодиса сифатида баҳоланади.

Айрим ҳуқуқшунослар томонидан эса, «бир қанча жиноят» тушунчасига таъриф беришда содир этилган ҳар бир жиноят учун жинойий-ҳуқуқий оқибат мавжудлигига алоҳида эътибор берилади.

Масалан, З. А. Незнамованинг таъкидлашича, «бир шахс хулқ-атворида жиноят қонунида кўрсатилган бир неча ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири мустақил жиноят таркибини ташкил қилса, жинойий-ҳуқуқий аҳамиятини сақлаган бўлса, ҳар бири юзасидан жинойий тартибда таъқиб қилиш учун процессуал тўсқинликлар мавжуд бўлмаса, бир қанча жиноят содир этиш деб топилади»⁷. И. Б. Агаевнинг фикрича, «мустақил жиноят таркиби белгиларини ўзида ифода этган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши, агар ушбу жиноятларнинг ҳеч бўлмаганда иккитаси юзасидан жинойий-ҳуқуқий оқибатларни инкор қилувчи ҳолатлар бўлмаса, ушбу жиноятлар учун шахс илгари жинойий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъи назар, қанча жиноят содир этиш деб топилади»⁸. Бу борада ҳуқуқшунос

олим М.Жиянов хорижий давлатлар жиноят қонунларини тадқиқ этар экан, деярли барча давлатлар жиноят қонунчилигида «бир қанча жиноят» тушунчасига таъриф берилмаганлигини таъкидлаб, унга қуйидагича таъриф беради: «Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддаси, бир моддасининг битта ёки турли қисмида ёхуд турли моддаларида назарда тутилган, жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг бир ёинки турли вақтларда бир шахс томонидан содир этилиши бир қанча жиноят содир этиш деб топилади»⁹.

Бу таърифларда жиноятнинг миқдор кўрсаткичлари билан бирга, уни ҳуқуқий баҳолашда энг асосий эътибор жиноятларнинг ҳуқуқий оқибатлари сақланиб қолганлигига қаратилади. Бу билан мазкур институтга кенгроқ таъриф бериш лозим топилади.

Ҳуқуқшунос олимлар В. В. Савин ва А. И. Сорокин бошқа олимлардан фарқли ўлароқ, бир қанча жиноятга янада кенгроқ таъриф беришга ҳаракат қилишади ва асосий эътиборни содир этилган ҳар бир жиноят учун жиноий-ҳуқуқий оқибатларнинг сақланиб қолганлиги ва жиноят иши қўзғатиш учун процессуал тўсиқлар мавжуд бўлмаслигига қаратади.

В. В. Савин эса бир қанча жиноят деганда Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддалари ёки қисмларида назарда тутилган ва мустақил жиноят таркибига эга бўлган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг, судланган-судланмаганлигидан қатъи назар, бир шахс томонидан содир этилишини, бунда ҳеч бўлмаганда содир этилган жиноятлардан камида иккитасида уларни содир этишнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари сақланиб қолган бўлишини ҳамда жиноят иши қўзғатиш учун процессуал тўсиқлар мавжуд бўлмаслигини¹⁰ таъкидлайди. А. И. Сорокин эса бир шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ бир нечта таркибий белгиларга мос келувчи мустақил жиноятларни (реал жиноятлар жами, рецидив) шу-

нингдек, бир шахс томонидан камида икки турдаги жиноятлар таркибий белгиларига эга бўлган битта жиноят содир этиши (жиноятлар идеал мажмуи) бўлиб, бунда мазкур жиноятларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий оқибатлар сақланиб қолган бўлиши ва жиноят иши қўзғатиш учун процессуал тўсиқлар мавжуд бўлмаслиги кераклигини баён этади¹¹.

Гувоҳ бўлганимиздек, В. В. Савин ва А. И. Сорокин «бир қанча жиноят» тушунчасини ёритишда миқдор кўрсаткичи ва содир этилган жиноятларнинг ҳуқуқий оқибатлари мавжудлиги билан бирга, жиноят процесси элементларини ҳам киритадилар.

Кўриниб турибдики, «бир қанча жиноят» тушунчасини ёритишда айнан жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан қараш, яъни жиноий-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигининг ўзини кўрсатиш етарли ҳисобланади.

Яна бир ёндашувда қилмишнинг квалификацияси нуқтаи назаридан таъриф берилади. Ҳуқуқшунос олим В. Н. Кудрявцевнинг фикрича, «бир қанча жиноят содир этиш бир шахс томонидан содир этилган ҳамма қилмишларнинг юридик нуқтаи назардан бир неча мустақил жиноятларга бўлиниши билан тавсифланади»¹².

В. Ф. Шевченко эса бир шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)да алоҳида жиноий-ҳуқуқий нормаларда ифода этилган бир неча жиноятлар, шахс ушбу жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилган-тортилмаганидан қатъи назар, мавжуд бўлишини бир қанча жиноят содир этиш деб таърифлайди¹³.

Бошқа ёндашувлардан фарқли равишда, профессор М. Х. Рустамбаев бир қанча жиноят содир этишга таъриф беришда мазкур институт белгиларини тўлиқроқ санаш ва унинг мазмунини ёритишга ҳам эътибор қаратади. «Бир қанча жиноят бир шахс томонидан бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет тамомланган ёки тамомланмаган бўлишидан, шахсан ўзи ёки иштирокчиликда содир этилган ёки этилмаган бўлишидан қатъи

назар, ушбу жиноятларни содир этганлик учун жиноий-ҳуқуқий оқибатлар мавжудлик шарти бўлганда, икки ёки ундан ортиқ ҳар бири жиноятларнинг мустақил таркибини ташкил этувчи жиноий қилмиш содир этишдан иборатдир»¹⁴, деб таъриф беради. Ҳуқуқшунос олим мазкур институтга таъриф беришда кўпроқ назарий ёндашади ва белгиларни қонунчилик техникаси бўйича эмас, балки имкон қадар кенгроқ ёритишни лозим топади.

Мазкур институтга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган таърифда «бир неча жиноят деганда, қонунда шахс томонидан ҳар бири алоҳида жиноят таркибини ташкил этувчи икки ва ундан ортиқ қилмиш содир этилиши назарда тутилиши қайд этилган»¹⁵, деб таъкидланади.

Шахс томонидан турли вақтларда икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилишининг ўзи ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади. Яъни, баъзи ҳолатларда шахс томонидан бирорта жинояти учун ҳам жиноий жавобгарликка тортилмасдан туриб, кетма-кет бир неча жиноят содир этилса, бошқа ҳолатларда шахс содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилганидан сўнг (дастлабки тергов пайтида ёки суд муҳокамаси вақтида), шунингдек Жиноят кодексининг 64, 65, 66, 661, 68, 70, 73, 75, 76-моддаларида назарда тутилган асосларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинганидан сўнг жиноят содир этилиши фарқланади.

Юқорида келтирилган бир қанча жиноятга берилган таърифлар орқали унинг бир қанча белгиларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, бир қанча жиноятни ташкил қилувчи ҳар бир ижтимоий хавфли қилмиш жиноят қонунида жиноят сифатида аниқ белгиланади. Бунда содир этилган қилмишнинг айнан бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик эмас, балки жиноят бўлиши шарт ҳисобланади. Бир қанча жиноятни шакллантирувчи жиноятлар хилма-хил, бир хил ва айнан ўхшаш таркибли бўлиши мумкин.

Бунда айнан ўхшаш жиноятлар деб Жиноят кодексининг айни битта моддаси билан квалификация қилинадиган, лекин турли қисмларида назарда тутилган қилмишлар назарда тутилади.

Бир хил таркибли жиноятлар деганда жиноят-ҳуқуқий ҳимоянинг умумий объектига эга бўлган, лекин бошқа юридик белгилари бўйича бир-бирига мос келмайдиган жиноятлар (Масалан, ўғрилик, босқинчилик, талончилик ва б.) тушунилади.

Турли хил ёки бевосита турли объектга, объектив томонга эга бўлган, бевосита сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи жиноятлар хилма-хил таркибли деб эътироф этилади. Қоида тариқасида хилма-хил таркибли жиноятлар ЖКнинг турли бобларида жойлашган бўлади ва уларни аниқлаш қийин эмас.

Иккинчидан, содир этилган ҳар бир ижтимоий хавфли қилмиш Жиноят кодексига назарда тутилган муайян жиноят таркибида ифодаланади. Бунинг мазмуни шундаки, бир қанча жиноятни ташкил қилувчи ҳар бир қилмиш юридик жиҳатдан мустақил ҳисобланади ва жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Учинчидан, суд томонидан ҳукм чиқариш вақтида содир этилган жиноятлардан камида иккитаси ўзининг юридик аҳамиятини сақлаб қолиши лозим. Чунончи, икки жиноятдан ҳеч бўлмаганида биттаси жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, айблов ҳукмини ижро этиш муддати тугаган, судланганлик тугатилган, олиб ташланган ёки шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса, бир қанча жиноят деб ҳисобланмайди.

Бир қанча жиноятларнинг юқорида келтирилган белгиларидан келиб чиқиб, «бир қанча жиноят» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш ва жиноят қонунчилигимизда белгилаш мақсадга мувофиқ: «Бир қанча жиноят деганда битта шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноят таркибига эга бўлган ва

жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини сақлаб қолган жиноятлар содир этилиши тушунилади».

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, жиноят қонунчилигида бир қанча жиноят тушунчасининг аниқ белгиланиши ҳуқуқ

назариясида мазкур институтга турлича қарашлар юзага келишининг олдини олиш, суд-тергов амалиётида бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда учраши мумкин бўлган айрим камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг маълумотлари.

² *Пайзиев Д. Ю.* Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этиш. – Т., 2016. – Б. 5; *Рустамбаев М.Ҳ.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т I. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. – Т., 2010. – Б. 305; ва бошқ.

³ Уголовное право России. Общая часть / Под ред. А. И. Рарога. – М., 2009. – С. 243.

⁴ *Очилов Ҳ. Р., Турғунбоев Э. О.* Жиноят ҳуқуқи: Умумий қисм / Масъул муҳаррир ю.ф.д. Ф.Тоҳиров. – Т., 2013. – Б. 65.

⁵ *Возжанникова И. Г.* Рецидив преступлений в уголовном праве России: понятие, виды, значение. – М., 2014. – С. 12–13.

⁶ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри) / Р. Кабулов., А. А. Отажонов ва бошқ. – Т., 2012. – Б. 257.

⁷ Уголовное право. Общая часть / Отв. ред. И. Я. Козаченко, З. А. Незнамова. – М., 1997. – С. 296.

⁸ *Агаев И. Б.* Совокупность преступлений: понятие, виды и наказуемость. – М., 2003. – С. 32.

⁹ *Жиянов М. Ҳ.* Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2010. – Б. 36–37.

¹⁰ *Савин В. В.* Назначение наказания при множественности преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 64.

¹¹ *Сорокин А. И.* Множественность преступлений и ее уголовно-правовая оценка: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 12.

¹² *Кудрявцев В. Н.* Общая теория квалификации преступлений. – М., 2004. – С. 242.

¹³ *Шевченко В. Ф.* Уголовно-правовая и криминологическая характеристика рецидивной преступности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб. 1998. – С. 11–12.

¹⁴ *Рустамбаев М.Ҳ.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т I. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. – Т., 2010. – Б. 305.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги № 13-сонли «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарори. www.lex.uz

С. А. Якубов,
*старший преподаватель кафедры уголовного права
Академии МВД Республики Узбекистан*

СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ СОУЧАСТНИКОВ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

Аннотация. В статье рассмотрены наиболее проблемные вопросы квалификации при рассмотрении уголовных дел по преступлениям, совершенным в соучастии.

Ключевые слова: соучастие, эксцесс исполнителя, соучастие в преступлении со специальным субъектом, подстрекатель, пособничество, добровольный отказ соучастников от преступления, провокация преступления.

Якубов С. А. Жиноят иштирокчиларини жиноий жавобгарликка тортишнинг махсус масалалари

Аннотация. Мақолада иштирокчиликда содир этилган жиноий ишларни кўриб чиқишда квалификациялашнинг энг муаммоли масалалари кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: жиноятда иштирокчилик, эксцесс бажарувчи, махсус субъектли жиноятда иштирокчилик, далолатчи, ёрдамчи, жиноятда иштирок этишдан ихтиёрий қайтиш, жиноят содир этишга ундаш.

Yakubov S. A. The specific problems to bring to criminal responsibility of the conspirators of the crime

Annotation. The article deals with the most problematic issues of qualification of crimes committed in complicity, occurring in law enforcement in criminal cases.

Key words: Mediocre culpability; the excess of the perpetrator; complicity in the crime with the special subject; without consequences abetting; attempted instigation or complicity; voluntary refusal of accomplices of a crime and provocation of crime.

Институт соучастия не нов в теории и практике уголовного права, и практически все аспекты понятийного аппарата нашли свое отражение как в трудах ученых, проводивших исследования в данной области, так и в нормативно-правовой базе, регламентирующей рассматриваемую парадигму.

Вопросы, связанные с историческими предпосылками появления и становления института соучастия в современной уголовно-правовой науке, рассматривались нами в более ранних работах, в том числе проблема провокации преступления как разновидность подстрекательства, «выпавшая» из поля зрения современного права. В данной работе мы затронем некоторые вопросы, вызывающие, на наш взгляд, проблемы при разрешении уголовных дел, связанных с привлечением к ответственности лиц, совершивших преступления в соучастии.

Основными из них являются: посредственное виновничество; эксцесс исполнителя;

соучастие в преступлении со специальным субъектом; беспоследственное соучастие; неудавшееся подстрекательство или пособничество; добровольный отказ соучастников от преступления и провокация преступления. Теоретические положения по разрешению большинства данных специальных вопросов ответственности соучастников нашли свое отражение в нормативных актах как национального законодательства, так и в законодательствах ряда зарубежных государств. Рассмотрим более подробно правила квалификации по наиболее казуальным из указанных вопросов.

Посредственное виновничество представляет собой опосредованное причинение вреда объекту преступления посредством привлечения в качестве исполнителя третьих лиц. Мотивы и цели преступника остаются в данном случае неизменными, но при подстрекательстве либо провокации лиц, относящихся к категориям социально защищенным (несовершен-

нолетние, женщины, лица, достигшие пенсионного возраста), либо лиц, находящихся в беспомощном состоянии, неспособных осознавать социальную опасность преступных деяний (невменяемые лица), инициатор надеется избежать уголовного преследования. Совокупность действий по привлечению к преступной деятельности регламентирована положениями как Общей, так и нормами Особенной частей Уголовного закона.

Непосредственное вовлечение несовершеннолетнего в преступление предусмотрено ч. 3. ст. 127 УК в качестве самостоятельного деликта, т.е. совершение преступления с использованием лица, не подлежащего уголовной ответственности в силу возрастного ценза (ст. 17 УК) или невменяемости (ст. 18 УК), не образует соучастия. Соответственно лицо, вовлекшее несовершеннолетнего в совершение преступления должно быть привлечено к ответственности в качестве исполнителя конкретного преступления путем посредственного причинения, что нормативно закреплено в ч. 2 ст. 28 УК.

Таким образом, «посредственное причинение» полностью охватывается понятием единолично выполненного преступления, но только при условии, что инициатор, использующий третье лицо, осознает факт невозможности привлечения его (подстрекаемого либо спровоцированного) в качестве субъекта преступления.

Вместе с тем встречаются случаи квалификации действий исполнителя и других участников по другим статьям Особенной части либо по различным частям одной и той же статьи. Данное положение нормативно закреплено в ч. 4 ст. 30 УК и применимо в случаях, когда деяние одного из участников выходит за рамки охвата общего умысла других соучастников (организатора, подстрекателя и пособника). При этом исполнитель совершает деяние, не согласованное заранее с другими соучастниками, о чем другие соучастники узнают по факту совершения преступления. В теории уголовного права данная парадигма имеет индивидуальное этимологическое

понятие — эксцесс исполнителя, т.е. «крайнее проявление чего-либо» и означающее совершение исполнителем более тяжкого преступления или иного, чем обговаривалось с соучастниками. Данному явлению присущи качественный и количественный признаки.

Количественный признак эксцесса исполнителя выражается в том, что исполнитель является причиной наступления более опасных преступных последствий, по сравнению с общим преступным умыслом, при совершении преступления совместно с другими соучастниками, например, когда исполнитель при совершении тайного хищения сталкивается на месте преступления с владельцем похищенного имущества. Соответственно не могут привлекаться к ответственности соучастники за действия по ликвидации свидетеля в силу не знания об этом обстоятельстве и не могущие повлиять на действия исполнителя, превышающего рамки достигнутого соглашения с целью доведения преступления до состояния оконченного.

В связи с этим теория уголовного права, предусматривает положение о привлечении к уголовной ответственности лиц, совершивших преступления в соучастии, только за те преступления в которых они непосредственно принимали участие. Качественный же признак эксцесса исполнителя определяется как совершение исполнителем, наряду с обговоренным с другими соучастниками, еще одного или нескольких других преступлений. Например, исполнитель, с целью избежания уголовной ответственности, передает взятку работникам правоохранительных органов, осуществившим его задержание на месте совершения преступления.

Специальным субъектом преступления признается лицо, обладающее наряду с общими признаками субъекта преступления (физическое лицо, вменяемость, достижение установленного законом возраста) еще и дополнительными специальными признаками. Имеются несколько приемов описания специального субъекта:

1) прямое перечисление в самостоятельном разделе закона дополнительных признаков, относящихся к однородной категории специальных субъектов (например, в Разделе восьмом Особенной части УК содержатся определения понятий должностного лица, представителя власти, хозяйствующего субъекта и др.);

2) прямое указание в диспозиции статьи Особенной части УК специального субъекта, являющегося исключением из однородной группы субъектов (умышленное сокрытие или искажение сведений о загрязнении окружающей природной среды специально уполномоченными должностными лицами – ст. 194 УК);

3) прямое перечисление в диспозиции нормы признаков конкретного специального субъекта (привлечение невиновного к ответственности дознавателем, следователем или прокурором – ст. 230 УК);

4) указание в диспозиции нормы признака, которым не должен характеризоваться соответствующий специальный субъект (получение путем вымогательства незаконного вознаграждения от граждан за выполнение определенной работы или оказание услуги служащим, не являющимся должностным лицом – ст. 214 УК)¹.

Все признаки специального субъекта в действующем уголовном законодательстве можно разделить на три группы. Это признаки, характеризующие: 1) специальную роль и правовое положение субъекта; 2) физические свойства субъекта; 3) взаимоотношение субъекта с потерпевшим.

В п. «в» ч. 3 ст. 104 УК предусмотрена уголовная ответственность за причинение тяжкого телесного повреждения обязательно особо опасным рецидивистом. Иное лицо, не обладающее данным статусом, по определению не может быть привлечено к ответственности при данной квалификации. Для того, чтобы квалифицировать деяние в качестве должностного преступления, лицо, его совершившее, должно иметь статус должностного лица, а при совершении

преступлений против порядка несения военной службы – быть военнослужащим. Статус иных лиц, принимающих участие в преступлениях со специальными субъектами, может быть расценен в качестве соучастников (организатор, подстрекатель, пособник).

Если преступление со специальным субъектом характеризуется тем, что часть его объективной стороны может быть выполнена лицом, которое не является специальным субъектом, последнее может нести ответственность как соисполнитель. Например, согласно научно-практическому комментарию к Уголовному кодексу при изнасиловании субъектом может выступать как мужчина, непосредственно совершающий насильственное удовлетворение половой потребности, так и женщина, оказывающая содействие, нанося телесные повреждения, удерживающая от сопротивления потерпевшую и т.д. Аналогично обстоит ситуация при мужеложстве. В таких случаях женщина выступает в качестве соисполнителя преступлений, предусмотренных ст. ст. 118 либо 119 УК, но наряду с этим правилом женщина не может быть их самостоятельным исполнителем.

Личный признак исполнителя будет наличествовать при умышленном убийстве матерью новорожденного ребенка, предусмотренном ст. 99 УК. В качестве соучастников будут привлечены лица, оказывающие содействие юридическому факту.

Исходя из вышесказанного, при квалификации преступлений значение специальных субъектов преступления можно выразить следующим образом:

– во-первых, если признак специального субъекта входит в состав конкретного состава преступления, этот признак добавляется в сферу составов подобных преступлений в качестве основного признака квалификации преступлений (например, преступления против порядка несения военной службы);

– во-вторых, если признак специального субъекта входит в состав преступления не как основной признак, а как признак, отягчающий ответственность, он считается необходимым

признаком субъекта преступления только этой нормы (статьи, пункта);

– в-третьих, признаки субъекта, не внесенные в сферу необходимых признаков квалификации деяния в качестве признака специального субъекта преступления согласно ст. 56 УК, могут учитываться как обстоятельство, отягчающее наказание. Например, в п. «о» ч. 1 ст. 56 УК предусмотрено совершение преступления в состоянии алкогольного опьянения или под воздействием наркотических средств, психотропных или других веществ, влияющих на интеллектуально-волевою деятельность, в качестве обстоятельства, отягчающего наказание.

Однако в случаях, отмеченных выше, т.е. если нормы уголовного закона предусматривают признаки специального субъекта, это не значит, что в этих преступлениях не могут принимать участие лица, не имеющие признаков специального субъекта. В таких случаях эти признаки применяются только относительно исполнителя. В совершении преступления могут принимать участие и лица, не имеющие специальных признаков (организатор, подстрекатель, пособник). Их действия квалифицируются по норме Особенной части и соответствующей частью ст. 28 УК.

Беспоследственное соучастие – это такое соучастие в преступлении, при котором исполнителю по независящим от него обстоятельствам не удалось довести преступление до состояния оконченого, т.е. неоконченное преступление, нормативно закрепленное в главе VI Уголовного кодекса.

В теории уголовного права под приготовлением понимается совокупность действий со стороны преступника для создания условий совершения и сокрытия планируемого преступления. Покушением характеризуется непосредственное совершение конкретных действий, направленных на достижение преступного результата. Не доведение вышеуказанных действий по обстоятельствам, от лица не зависящим, не исключает уголовной ответственности, а согласно ч. 3 ст. 25 УК квалифицируется по той же статье Особенной

части, что и оконченое преступление. Соответственно действия соучастников, принимавших «непосредственное»² участие в подготовительных действиях, содержат в себе все признаки состава преступления, не оконченого исполнителем в силу объективных обстоятельств, в том числе подыскание соучастников для совершения преступления.

Исходя из этого положения, «вступление соучастников в преступный сговор, независимо от того, что он не реализован исполнителем, необходимо рассматривать как приготовление к преступлению. Если же исполнитель приступил к выполнению объективной стороны, то действия всех соучастников будут рассматриваться как покушение на преступление»³.

Не доведение преступления до состояния оконченого по причине добровольного отказа исключает уголовное преследование, но лишь при конкретно определенных законом обстоятельствах. Во-первых, согласно ч. 3 ст. 26 УК в случае наличия в деяниях лица, добровольно отказавшегося от доведения преступления до конца, всех элементов состава преступления, деяния влекут уголовную ответственность по Уголовному кодексу. Во-вторых, при добровольном отказе соучастников преступления деяние не должно быть доведено до конца при сознании виновными фактической возможности доведения преступления до состояния оконченого.

Однако при соучастии действует не одно, а несколько лиц, роль и степень участия которых опосредованы сознательным поведением непосредственного исполнителя, преступления.

Согласно положениям, содержащимся в ст. 26 УК, «добровольный отказ, характеризуется двумя основными признаками: добровольностью и окончательностью»⁴. В случае неудачной попытки любого из соучастников предотвратить наступление преступных последствий вследствие активных действий исполнителя, доведшего преступление до состояния оконченого, деятельность соучастника (соучастников) следует квалифицировать

как деятельное раскаяние, что, в свою очередь, должно будет повлиять на избрание меры наказания с учетом смягчающего вину обстоятельства.

В теории уголовного права под провокацией преступления понимается такая ситуация, когда лицо подстрекает (провоцирует) исполнителя или других соучастников на совершение какого-либо преступления с целью их дальнейшего изобличения.

Современные доктринальные уголовно-правовые исследования в области уголовного права свидетельствуют, что «вопрос о признании провокации преступления обстоятельством, исключающим преступность деяния, еще не разработан в теоретическом плане». Видимо, этим и объясняется отсутствие правовой регламентации данного института как в УК Узбекистана, так и в уголовном законодательстве большинства зарубежных стран.

Действующий УК закрепил положение, которое, несомненно, является более важным и значимым, так как посредством его толкования можно выявить отношение законодателя в целом к явлению провокации. Речь идет о положении, сформулированном в ч. 4 ст. 37 УК, посвященной регламентации условий правомерности необходимой обороны

как одного из обстоятельств, исключающих преступность деяния: «Не является необходимой обороной умышленная провокация посягательства (выделено нами. — С. Я.) с целью нанесения вреда». Этой новелле в уголовном законодательстве Узбекистана, к сожалению, отечественные правоведы и судебная практика не уделяют должного внимания.

Провокация может быть применима к совершению любого умышленного преступления, при этом цель лица, осуществляющего провокацию, всегда будет одна — последующее изобличение лица и привлечение его к ответственности. Проблема привлечения провокаторов к ответственности рассмотрена нами ранее⁵, но вследствие правовой неурегулированности вопросы правовой квалификации таких деяний, как при совершении единичных преступлений, так и в соучастии, остаются нерешенными.

Представляется, что в период проведения судебно-правовой реформы в нашей стране существующие и возникающие юридические проблемы в теории и в юридической практике, имеющие право на самостоятельное существование и требующие решения, найдут свое отражение в национальном законодательстве.

¹ Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / М. Х. Рустамбаев (Под общ. ред. А. А. Палван-заде). — Т., 2004. — С. 140–41.

² Опосредованное участие образует признак прикосновенности к преступлению.

³ Бугаев В. А. Проблемы соучастия в современном уголовном праве. — Симферополь, 2004. — С. 45.

⁴ Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / М. Х. Рустамбаев (Под общ. ред. А. А. Палван-заде). — Т., 2004. — С. 230.

⁵ См.: Якубов С. Провокация преступления (постановка проблемы). — Т., 2007. — С. 56.

Ж. Х. Юлдашев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
катта илмий ходим-изланувчиси

ПАСПОРТ ТИЗИМИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Аннотация. Мақолада паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик масалалари МДХ давлатлари қонунчилиги билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган.

Таянч тушунчалар: жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, сертификат, паспорт тизими қоидалари, фуқаро, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс, нормалар, қонунчилик.

Юлдашев Ж. Х. Проблемы обеспечения административной ответственности за нарушение правил паспортной системы: сравнительно-правовой анализ

Аннотация. В статье на основе сравнительно-правового анализа законодательства стран СНГ обоснована необходимость совершенствования национального законодательства, регулирующего административную ответственность за нарушение правил паспортной системы.

Ключевые слова: ответственность, административная ответственность, сертификат, правила паспортной системы, гражданин, иностранный гражданин, лицо без гражданства, нормы, законодательство.

Yuldashev J. X. Problems of maintenance of the administrative responsibility of the violation of rules of passport system: the comparative-law analysis

Annotation. In the article the author legally analysis the norms of national legislation depends on the administrative codes of the states of CIS. The author elaborated scientifically grounded proposals on perfection of responsibility for breaking the rules of passport system.

Key words: responsibility, administrative responsibility, certificate, the rules of the passport system, administrative responsibility for the violations of passport system, citizen, foreigner, stateless person, norms, legislation.

Маъмурий жавобгарлик — ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган, айбдор шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ўрнатилган процессуал тартибда ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган санкцияларни қўллашдириш [1].

Мазкур жараёнда маъмурий қонунчилик нормалари алоҳида ўрин тутиб, уларда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ муаммо ва қийинчиликларни юзага келтиради. Хусусан, жавобгарлик доирасидан четда қолган

қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) юзасидан иш юритиш муаммолари ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мавжуд паспорт тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, юқоридаги каби муаммолар паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларига ҳам тааллуқлидир.

Қонун ҳужжатлари [2] талабларига асосан фуқароларга паспорт қуйидаги ҳолларда расмийлаштирилади ва берилади:

1) шахс 16 ёшга тўлганда; 2) 16 ёшга тўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарига (чет элга) чиқаётганида; 3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (ёки мамлакатда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг) фарзанди хорижда туғилганида; 4) белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги олинганида; 5) паспортнинг амал қилиш муддати тугаганда; 6) шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси ўзгарганида; 7) паспорт ёзувларида ноаниқлик ва хатолар мавжудлиги аниқланганида; 8) паспортнинг прописка, алоҳида белгилар ёки визалар учун мўлжалланган бетлари ишлатиб бўлинганида; 9) паспорт бланкаси яроқсиз ҳолга келганида; 10) паспорт йўқотиб қўйилганида.

Келтирилган 5, 9 ва 10-ҳолатларда паспорт расмийлаштиришга доир ишлар алоҳида тартибда юритилади. Яъни, бунда шахс томонидан содир этилган қилмишларга ҳуқуқий баҳо берилгандан кейингина (жавобгарлик қўлланилгач) паспорт расмийлаштирилади.

Бугунги кун амалиёти шуни кўрсатадики, хорижий мамлакатлар ҳудудида паспорт йўқотганлик ёки муддатини ўтказиб юборганлик билан боғлиқ ишларнинг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари (кейинги ўринларда ХЧК ва ФРБ) томонидан юритилишида муайян муаммолар юзага келмоқда. Бунга асосий сабаб Ўзбекистон Республикаси МЖТКда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳудуд бўйича амал қилиш доираси аниқ белгилаб қўйилмаганлигидир.

Жумладан, амалиётда чет эл ҳудудида паспортини йўқотганлик ёки амал қилиш муддатини ўтказиб юборганлик оқибатида Ўзбекистон Республикасига Ташқи ишлар вазирлиги томонидан бериладиган вақтинчалик (1 ойлик) сертификат билан келган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси МЖТК 223-моддаси биринчи қисми билан жавобгарликка тортиш ҳолатларида уларнинг ҳуқуқбузарлик фактини чет элда содир этган, шунингдек, чет элда аниқланганлигини инобатга олганда маъмурий

ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ташқи ишлар вазирлиги консуллик муассасалари томонидан юритилиши лозим бўлади. Аммо, амалдаги қонунчиликда мазкур органларга бундай ваколатлар берилмаган. Шу сабабли, паспорт йўқотганлик ёки муддатини ўтказиб юборганлик ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келгач ХЧК ва ФРБ томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКда чет эл ҳудудида содир этилувчи ҳуқуқбузарликларнинг тегишлилиги аниқ белгиланмаганлиги сабабли, бундай қилмишлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жавобгарлик қўллаш ҳолатлари текширувлар давомида назорат органларининг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 9-моддаси биринчи қисмидаги «Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бу ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қилиб турган қонун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади» мазмунидаги умумий нормаси таҳлил қилинаётган масалани янада мураккаблаштиради.

Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси шуни кўрсатадики, мазкур ҳолат бугунги кунда МДХ давлатларидан Россия (1.8-м. 2-қ.) [3] ва Қирғизистон (7-м. 2-қ.) [4] маъмурий қонунчилигида шахс (фуқаро ёки мамлакатда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс)нинг ушбу давлатлар ҳудудларидан ташқарида содир этган маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик, халқаро шартномаларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тегишли давлатларнинг қонунларига асосан юзага келишини белгиловчи алоҳида нормаларда ўз аксини топган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 9-моддасининг «Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки мамлакатда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзлари бўлган давлатларнинг қонунлари асосида маъмурий жавобгарликка тортилмаган ёхуд халқаро шартномаларда бошқача қоида

назарда тугилмаган бўлса, ушбу кодексга асосан жавобгарликка тортилади» мазмунидаги бешинчи қисм билан тўлдирилиши тадқиқ этилаётган муаммога ечим бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, ХЧК ва ФРБнинг маъмурий амалиёти натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда чет эл давлатлари ҳудудида паспортини йўқотганлик ёки муддатини ўтказганлик учун консуллик муассасалари томонидан 1 ой муддатга амал қилувчи сертификат (Ватанга қайтиш гувоҳномаси) расмийлаштирилган шахсларнинг Ўзбекистонга келиб, мазкур давр мобайнида сертификатларини йўқотиб қўйиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Ушбу ҳолатда ХЧК ва ФРБ ходимлари томонидан маъмурий иш юритишда муайян қийинчиликлар юзага келмоқда. Жумладан, сертификатни йўқотганлик ҳолатига ҳуқуқий баҳо беришда жавобгарлик қўллаш ёки қўлламаслик масаласи ҳеч бир қонун ҳужжатида (шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКда ҳам) ўз аксини топмаган. Ҳолбуки, сертификатнинг ҳам қонун ҳужжатларида қатъий ҳисобда турувчи ҳужжатлар қаторига киритилиши белгиланган. Фуқаро уни асраб авайлаши шарт. Фикримизча, давлатнинг қатъий ҳисобида турувчи ҳужжатларнинг такроран йўқотилишига йўл қўйиш жавобгарлик қўллаш масаласида алоҳида ёндашувга сабаб бўладиган вазият ҳисобланади.

Шунингдек, маъмурий амалиёт натижаларининг кўрсатишича, ХЧК ва ФРБ томонидан паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун (МЖТК 223-моддаси) жавобгарликка тортиш жараёнида 16-модда талабларини қўллашда муаммолар юзага келмоқда. Унга асосан, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган, яъни ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар жумласига кирмайдиган, бироқ интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахсларга ҳам паспорт тизими ҳуқуқбузарликлари юзасидан уларнинг устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри

назарда тугилмаган ҳолларда маъмурий жавобгарлик қўллаш мумкин. Акс ҳолда, уларнинг жавобгарлиги интизомий тартибда ҳал этилади.

Юзага келаётган муаммо, МЖТКнинг 16-моддаси биринчи қисмида келтирилган шахслар жумласига кирмайдиган, шу билан бирга, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахсларни аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларида бундай шахсларнинг аниқ тоифаси белгилаб берилмаган [5]. Бу эса, ХЧК ва ФРБнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Фикримизча, маъмурий жавобгарлик масаласидаги таҳлил этилаётган муаммоли вазиятни бартараф этиш учун бундай шахслар тоифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида белгиланиши лозим. Паспорт тизимини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда [6] паспортнинг қонунда белгиланган тартибдан ташқари ҳар қандай ҳолатда олиб қўйилиши ёки гаровга олинишининг тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Бугунги кун амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу турдаги қилмишлар аксарият ҳолатларда мансабдор шахслар томонидан эмас, балки фуқаролар томонидан содир этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг амалдаги таҳририда (2233-м.) фақатгина мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги назарда тугилган. Шу сабабли, ХЧК ва ФРБнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган паспортнинг фуқаролар (мисол учун, дорихона сотувчиси; кафе, бар официанти) томонидан ноқонуний олиб қўйилиши ёки гаровга олиб қолиниши каби ҳолатларда қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш муаммолари юзага келмоқда.

Бу борадаги муаммо юзасидан МДҲ давлатларидан Россия (19.17-м. 2-қ.) [3], Озарбайжон (332-м. 1-қ.) [7], Беларусь (23.54-м. 2-қ.) [8], Қозоғистон (379-м. 1-қ.) [9], Туркменистон (372-м. 1-қ.) [10], Тожикистон (496-м.) [11] маъмурий қонунчилиги ўрганилганда, уларда мазкур муаммонинг ечимига доир илғор нормалар мавжудлиги аниқланди. Ушбу нормалар ўзида паспортни

ноқонуний олиб қўйиш ёки гаровга олиб қолганлик учун жавобгарлик субъекти сифатида нафақат мансабдор шахсларни, балки фуқароларни ҳам назарда тутади.

Фикримизча, ХЧК ва ФРБ амалиётида юзага келаётган юқорида келтирилган муаммоларни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 223³-моддасида ҳуқуқбузарлик субъекти сифатида фуқароларни ҳам белгилаш орқали ҳал этиш мумкин. Амалиёт ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари (респондентларнинг 87,5 фоизи билдирилган таклифни маъқуллаган) юзага келган муаммони бартараф этиш йўли тўғри танланганидан далолат беради.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммоли вазиятлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 225-модда учинчи қисми билан боғлиқ бўлиб, унга кўра чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур шахсларнинг вақтинча пропискадан ўтишини таъминламаганлик ёки бўлиш муддати тугагач уларни мамлакатдан чиқариб юбориш чорасини кўрмаганлик, шунингдек, қонунга хилофлигини била туриб уларга уй-жой, транспорт воситаларини берганлик учун фақатгина уларни таклиф этган фуқаролар жавобгар бўлиши белгилаб ўтилган. Бироқ, бугунги кун амалиётида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни бир фуқаро мамлакатга таклиф этиб, бошқа бири ўз турар жойини ижарага бериши, яна бири транспорт воситасини тақдим этиши каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Бунда қонундаги чеклов иккинчи шахсни жавобгарликка тортишни истисно этади. Бундан ташқари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатга республикада доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар таклиф этган ҳолларда юқоридаги норма талаблари бузилса, жавобгарлик қандай тартибда юзага келиши эътибордан четда қолган. Қонун (МЖТК 225-м. 3-қ.) талабига кўра, қоидалар бузилган ҳолда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган

шахсларни таклиф этган Ўзбекистон Республикаси фуқароларигина жавобгар бўлади. Ваҳоланки, республикада доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам бошқа давлатда яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатга таклиф этиш, уларга уй-жой, транспорт воситалари бериш ҳуқуқига эга. Таҳлил этилаётган ҳолат Беларусь қонунчилигида (23.55-м. 3-қ.) қўйидагича тартибга солинган: «Беларусь Республикасига чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни таклиф қилган шахс томонидан уларни қабул қилмаслик, ўз вақтида рўйхатдан ўтишлари, бўлиш муддати тугагач Беларусь Республикасидан чиқиб кетиш чораларини кўрмаслик — огоҳлантириш ёки энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади» [8].

Мазкур нормада чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни таклиф этувчи барча тоифадаги шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган бўлиб, унда тадқиқ этилаётган муаммонинг ечими акс эттирилган.

Озарбайжон қонунчилиги (339-м. 2-қ.) эса мазкур масалани янада мукамалроқ ёритган. Унга кўра: «Озарбайжон Республикасига таклиф этган ва яшаш жойи тақдим этган фуқаролар, мамлакатда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Озарбайжон Республикаси ҳудудида бўлиш муддати тугагач белгиланган тартибда мамлакатдан чиқиб кетиш чораларининг кўрилмаслиги — 300 манатдан 400 манатгача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади» [7].

Кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган ҳолатларда юқоридаги давлатлар тажрибаси анча илғорроқ. Шу сабабли, фикримизча, уларда акс эттирилган нормалар талабларини миллий қонунчилигимизда ҳам жорий этиш паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўйлаймизки, ушбу мақолада илгари сурилаётган таклифларнинг миллий

қонунчиликда ўз аксини топиши паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормалар билан

бирга, ХЧК ва ФРБ фаолиятини ҳам такомиллаштиришга хизмат қилади.

1. Ма'мурий ҳуқуқ / Н.Т.Одилқориев, I.Ismailov, N.T.Ismailov va boshq.; prof. Н.Т.Одилқориев va В.Е.Қосимовнинг умумий таҳрири ostida. – Т., 2010. – В. 220.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №1–2. – 2-м.

3. Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях от 30 декабря 2001 г. № 195-ФЗ (ред. от 03.02.2014 г. с изменениями, вступившими в силу с 15.02.2014 г.) // Электрон манба: <http://zakonbase.ru/koap/> (мурожаат вақти: 10.06.2016 г.).

4 Кодекс Кыргызской Республики об административной ответственности от 4 августа 1998 г. № 115 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.05.2016 г.) // Электрон манба: http://online.adviser.kg/Document/?link_id=1000870088 (мурожаат вақти: 10.06.2016 г.).

5. Инструкция «О Порядке выдачи сертификата на возвращение в Республику Узбекистан» Утверждена приказом министра иностранных дел от 20 ноября 1997 г. // Электрон манба: http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=688686 (мурожаат вақти: 04.06.2016 г.).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом; Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №1-2. – 2-м.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисида Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №29. – 301-м.

7. Кодекс Азербайджанской Республики об административных проступках от 11 июля 2000 г. № 906-IQ (с изменениями и дополнениями по состоянию на 04.12.2015 г.) // Электрон манба: http://base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=2591 (мурожаат вақти: 10.06.2016 г.).

8. Кодекс Республики Беларусь об административных правонарушениях от 21 апреля 2003 г. № 194-З (с изменениями и дополнениями на 17.03.2013 г.) // Электрон манба: <http://pravo.levonevsky.org/kodeksby/koarnev/20130317/index.htm> (мурожаат вақти: 10.06.2016).

9. Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 30 января 2001 г. № 155-II (с изменениями и дополнениями по состоянию на 17.11.2014 г.) // Электрон манба: http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1021682 (мурожаат вақти: 10.06.2016 г.).

10. Кодекс Туркменистана об административных правонарушениях (с изменениями и дополнениями по состоянию на 1 число месяца санджар 2002 г.) // Электрон манба: <http://turkmenistan.gov.tm/?id=4878> (мурожаат вақти: 10.06.2016 г.).

11. Кодекс Республики Таджикистан об административных правонарушениях от 31 декабря 2008 г. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 14.05.2016 г.) // Электрон манба: http://www.base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=26352 (мурожаат вақти: 10.06.2016 г.).

А. А. Зулфукоров,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар
кафедраси ўқитувчиси

ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИДА «БЕЛГИ» ТУШУНЧАСИ

Аннотация. Мақолада суд хатшунослик экспертизасида ёзувнинг идентификацион белгилари, «белги» тушунчасини аниқлаш, тадқиқот объектларининг хусусиятлари, идентификацияланаётган объект хусусиятларининг бошқа объектларда акс этиш механизмини ўрганиш орқали аниқлаш масалалари ёритилган.

Таянч тушунчалар: суд-хатшунослик экспертизаси, ёзувнинг идентификацион белгилари, объектларнинг хусусиятлари, «хусусият-белги» тизими.

Зулфукоров А.А. Понятие признака в почерковедческой экспертизе

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы, касающиеся идентификационных признаков письма (почерка) в судебно-почерковедческой экспертизе, определения понятия признака, особенностей объектов исследования, выявления особенностей идентифицируемого объекта методом изучения механизма их отображения в других объектах.

Ключевые слова: судебно-почерковедческая экспертиза, идентификационные признаки письма, особенности объектов, признаков почерка.

Zulfukorov A.A. Concepts of indication in handwriting expertise.

Annotation. The article deals with the issues of identification signs of letter (handwriting) in forensic handwriting expertise, definition of indication concept, specifics of investigation objects, the specifics of identification object with the use of mechanism of their reflection in other objects have been revealed.

Key words: Forensic handwriting expertise, identification features of letters, characteristics of objects, indications of handwriting.

Мамлакатимизда суд-экспертиза муассасалари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини янгилаш, ушбу хизмат ходимлари – эксперт-криминалистларнинг касбий маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан 2010 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни айнан шу соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади. Чунки, ушбу қонуннинг мақсади суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат¹.

Хатшунослик соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотлар доимо эксперт-хатшунос ҳал этадиган масала қамровини кенгайтириш имконини беради. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда суд-хатшунослик экспертизаси ҳам аҳамият касб этади. Чунки,

суд хатшунослик экспертизаси криминалистиканинг хат (ёзув) ва унинг идентификацион, диагностик ва ситуацион вазифаларини бажариш мақсадида қўлланиладиган тадқиқот методлари ҳақидаги билимлар тизимини ўзаро бирлаштирадиган анъанавий бўлими ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, суд-хатшунослик экспертизаси – криминалистик экспертизаларнинг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади. Унинг ёрдамида дастлабки тергов ва суд органлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлайдилар.

Бундай экспертизалар жараёнида хатшунослар турли қўлёзмалар, рақамли ёзув белгилари, ҳужжатлардаги имзоларнинг бажарувчисига оид маълумотлар ва ҳужжат

тузувчисини аниқлайдилар. Фуқаровий даъволарни кўриб чиқишда, жиноятнинг олдини олиш ва очишда аҳамиятга эга бўлган турли ҳужжатларни тузиш (ёзиш шароити, ёзувчининг ҳолати) билан боғлиқ бошқа маълумотларни аниқлашга ёрдам берадилар. Турли ҳужжатларни қалбакилаштириб, мол-мулкни фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш факти бўйича жиноят ишларини тергов қилишда хатшунослик экспертизаси ўтказилиши талаб этилади.

Хатшунослик экспертизаси ёзувли объектларни ўрганиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни тадқиқ этишга йўналтирилганлиги сабабли ушбу тадқиқотларни ёзув (хат)нинг идентификациявий белгиларини билмасдан туриб ўтказишнинг имкони йўқ. Шу ўринда «ёзув (хат)», «қўлёзма» ва «қисқа ёзув» каби тушунчаларга тўхталиб ўтиш жоиз, чунки айнан шу тушунчалар орқали белги-хусусият тизими ёритилади.

«Ёзув (хат)» атамасининг бир неча мазмуни мавжуд. Кундалик ҳаётда ёзув (хат) деганда қўлёзма матнни бажариш жараёни, одамнинг фикрларини шартли график белгилар ёрдамида қайд этиш тушунилади. Ушбу тушунча криминалистика фанида эса қуйидагича талқин этилади: Ёзув (хат) — одамларнинг ўзаро мулоқотга киришишларида оғзаки (овозли) нутқига қўшимча восита бўлиб, оғзаки нутқни муайян тарзда ифодалайдиган турли график белгилар орқали амалга оширилади ҳамда оғзаки нутқни фазода юбориш ва вақтда қайд этишга хизмат қилади².

Қўлёзма матн — қўлёзманинг бир тури бўлиб, унинг мазмуни ҳарф, рақам ёки аралаш (ҳарфли-рақамли) белгилар ёрдамида қайд этилади ва ҳажми мос ҳолда тўрттадан кам бўлмаган сўз, саккизтадан кам бўлмаган рақам ва учтадан кам бўлмаган сўз ва рақамлардан иборат бўлади.

Қисқа ёзув қўлёзманинг бир тури бўлиб, унинг ҳам мазмуни ҳарф, рақам ёки аралаш (ҳарфли-рақамли) белгилар ёрдамида қайд этилади ва қўлёзма матндан ҳажми билан фарқ қилади.

Ўз навбатида, ёзувнинг идентификацион белгилари икки қатта гуруҳга ажратилади: ёзма нутқ белгилари ва ёзув (хат) белгилари, улар яна умумий ва махсус белгиларга ажратилади.

Белгининг моҳиятини аниқлаштириш — криминалистикада ўзаро таққосланаётган объектларнинг идентификацион хусусиятларини аниқлаш, ажратиш ва баҳолаш каби жуда муҳим ва мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Бизнингча, *белги* — бирор буюм ёки ҳодисани билиш, таниш, бошқалардан фарқлаш имконини берадиган нишон ёки хусусиятдир. Таъкидлаш жоизки, «хусусият» ва «белги» тушунчаларининг моҳияти масаласида криминалистик адабиётларда бир тўхтамга келинмаган. М. В. Жижинанинг фикрича, белги — буюм ёки ҳодисани билиш, таниб олиш ёки ўрганиш нуқтаи назаридан қараладиган хусусиятни билдиради³. М. В. Бобовкинанинг фикрига кўра, белги хусусиятни тўлиқ акс эттирмайди, унинг намоён бўлиш шаклларида биттасинигина ифодалайди⁴, В. Ф. Орлова эса «белги» тушунчаси билан муайян билиш функцияси (ўрганиш, таниш функцияси)ни боғлайди ва белгини объектни ўрганиш натижасида махсус ажратиб олинадиган ва айнанликни аниқлашда ишлатиладиган хусусият, деб таърифлайди⁵.

Аммо хусусият — объектнинг ўзи эмас. Объектнинг моҳияти унинг хусусиятларидан иборат бўлмайди. Белгилар эса хусусиятларнинг турлича акс этишидир. Белгидан хусусиятга ўтиш белгиларнинг шаклланиш механизмини ўрганиш, уларни солиштириш ва хусусиятларнинг қонуниятлари асосида баҳолашни талаб этади. Моддий дунёдаги ихтиёрий объектнинг хусусиятларини ўрганиш учун унинг энг турғун хоссалари ва табиатини билиш лозим. Объект хусусиятларининг турли шароитларда намоён бўлишини тадқиқ этиш ва ушбу хусусиятларнинг акс этиш механизмини аниқлаш лозим.

Ушбу фикрларни жуда кўплаб олимлар кўллаб-қувватлайдилар. Р. С. Белкин хусусиятлар белгилар орқали ифодаланишини таъкидлайди. Бинобарин, белги — хусусиятнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай буюм кўплаб

хусусиятларга эга бўлади ва ҳар қандай хусусият кўплаб белгилар орқали ифодаланиши мумкин.

«Хусусият — белги» тизимида хусусият моҳиятни ташкил этса, белги ҳодиса вазифасини ўтайди. Белги хусусиятни ифодалаб, худди хусусият каби ўз табиатига кўра холисдир. Айнан бир турдаги белгилар турли хусусиятларни ифодалашига қарамай, муайян бир «хусусият — белги» тизимида белгини хусусиятдан ажратиб бўлмайди. Шу муносабат билан, Р. С. Белкин: «Белги хусусиятни ифодалайди, уни акс эттирмайди»⁶, деб таъкидлаган. Хусусият белгиларсиз намоён бўла олади, аммо белгисиз мавжуд бўлмайди. Шу билан бирга, Р. С. Белкин «хусусиятнинг ифодаланиши» тушунчасини қўллаб-қувватлайди, «хусусиятнинг акс этиши» тушунчасини эса инкор қилади. Чунки, белги хусусиятнинг акси бўлса, хусусиятни нотўғри акс эттириши ва натижада буюмнинг кўрсаткичи сифатида холис хизмат қилмаслиги мумкин.

Моддий дунё жуда кўп ва хилма-хил хусусият ва сифатларга эга буюм ва ҳодисалар тизимидан иборат. Аммо ушбу хусусият ва сифатларнинг барчаси эмас, балки бир қисмигина буюмни ўрганишда ишлатилиши мумкин. Буюмнинг хусусияти ҳар доим мавжуд, аммо улар бошқа бир буюмлар билан таъсирлашганда намоён бўлади.

Криминалистик идентификация белгиларни ўрганиш орқали амалга оширилади, ўзаро таққосланаётган объектларнинг хусусиятлари айнан белгиларга қараб аниқланади ва ниҳоят, объектлар идентификация қилинади.

Идентификация жараёнида идентификацияланаётган объектлар хусусиятларининг, ўзаро солиштирилаётган объектларнинг индивидуаллиги ва барқарорлиги ҳақида маълумотларга эга бўлган намоён бўлишлари белги ролини бажаради. Б. М. Комаринецнинг таъкидлашича, «идентификацион белги» тушунчаси идентификация жараёнида фойдаланиладиган хусусиятлар билан боғлиқ. Идентификацион белги сифатида Б. М. Кома-

ринец идентификацияланаётган объектнинг идентификацияловчи объектда акс этадиган ва шу боисдан идентификацияда фойдаланиладиган индивидуал белгиларини кўрсатган⁷. Р. С. Белкин ва В.А.Образцов идентификацион белгиларнинг аниқлаш, ўрганиш ва таққослаш тадқиқотлари учун етарли ва яроқлилиги ҳақида фикр юритганлар⁸.

Хатшунослик экспертизаларини ўтказишда белгилар турли буюм ва ҳодисаларнинг бевосита хусусиятлари сифатида қабул қилинади. Идентификацияланаётган объектнинг хусусиятлари — ушбу хусусиятларнинг бошқа объектларда акс этиш механизмини ўрганиш орқали аниқланади. Масалан, ёзувнинг муайян (масалан, тез ёзиш орқали ўзгартириш) белгиси одамнинг айнан бир хусусияти — муайян тарзда ёза олиш қобилиятини кўрсатади, яъни қўлёзма матнларда ёзув белгиларига кўра ушбу қўлёзмани бажарган шахс (ижрочи, муаллиф)га хос ёзиш ҳаракати кўникмаси ва хусусияти аниқланади.

Шу боисдан «идентификация қилиш жараёнида айнанлик ҳақидаги масала белгилар асосида ҳал этилади», деган фикр нотўғри. Чунки, идентификацион тадқиқотларнинг асосий вазифаси ўзаро солиштирилаётган объектларнинг хусусиятларини, ушбу хусусиятлар айнанлиги ёки айнан эмаслиги ҳақида якуний хулосаларни шакллантиришга хизмат қилиш ҳисобланади.

Суд-хатшунослик экспертизаси назариясида «ёзув (хат) белгиси» тушунчаси қўлёзмада қайд этиладиган ёзиш кўникмаси у ёки бу техник жиҳатларининг хусусиятлари билан боғланади. Бу хусусият ёзиш жараёнида ҳаракатларни бошқаришга ҳам, ёзув механизмининг функцияларига, ёзув ижрочисининг якуний ҳаракатлари тизими ва бу ҳаракатларнинг қоғозда жойлашишига тегишли бўлиши мумкин. Қўлёзма хатшунослик тадқиқотларини ўтказишда ўрганишнинг бирламчи ва асосий объекти ҳисобланади. Қўлёзмада ижрочининг якуний ҳаракатлари тизими ва ушбу ҳаракатларнинг қоғозда жойлашиши бевосита акс этади. Ёзиш

жараёнининг барча бошқа, ташқи ва ички хусусиятлари билвосита ва кўпинча қисман акс этади. Масалан, ёзув асбобини ушлаш усули ёзувнинг белгиси ҳисобланмайди, чунки ушбу ҳолат қўлёзмада аниқ ва бевосита акс этмайди. Лекин у ёзув механизмида ўз ўрнига эга, қўлёзмада акс этади ва шу сабабли ёзув белгиси ҳисобланадиган у ёки бу хусусиятни ифодалайди. Шу билан бирга, ёзиш кўникмасининг қўлёзмада намоён бўлувчи барча хусусиятлари, ёзиш жараёнида бажариладиган якуний ҳаракатлар тизими ва ушбу ҳаракатларнинг қоғоз варағида жойлашиши ҳисобигагина ёзувнинг белгисини ҳам акс эттириши мумкин. Бундан ташқари, ёзув (хат) тушунчасига унинг аниқ бир шахсга тегишлилиги киради, яъни у ёзув (хат)нинг ажралмас хусусияти бўлиб, унинг индивидуаллигидан иборат. Бу эса ёзувни бажариши бўйича ҳаракат жараёнининг қўлёзмада намоён бўладиган хусусиятлари ўз-ўзидан индивидуал мажмуани ташкил этишини билдиради. Қайд этиш жоизки ёзув (хат)нинг алоҳида белгилари, турли шахслар томонидан бажарилган қўлёзмаларда бир

хилда намоён бўлиши мумкин, ушбу белгиларнинг йиғиндиси (мажмуи) эса ҳар бир ижрочи учун ўзига хос бўлади. Ўз навбатида, белгилар гуруҳий табиатга эга бўлиши мумкин (яъни, муайян турдаги ёзувларга хос бўлиши мумкин, улар фақат белгиларнинг намоён бўлишига боғлиқ равишда ажратилади). Шунингдек, белгилар индивидуал аҳамиятга ҳам эга бўлади. Бунда улар умумий гуруҳий хусусиятлардан фарқли равишда, гуруҳларда тасодифан намоён бўлади.

Белгининг аниқ намоён бўлиши, унинг индивидуаллик ёки идентификацион аҳамияти, турли шахсларнинг ёзуви ёки умумий гуруҳий хусусиятлари ёзувларда қай даражада учраб туриши билан боғлиқ.

Юқорида таъкидланганларни умумлаштириб айтиш мумкинки, идентификацион белги сифатида ёзув ҳаракат кўникмасининг қўлёзмада намоён бўладиган хусусиятини ҳисоблаш мумкин. Ёзиш кўникмасининг хусусиятлари, турли шахсларнинг ёзув (хат)ларини ўзаро фарқлаш ва қўлёзма ижрочисининг айнанлигини аниқлаш учун идентификацион белгиларнинг мажмуига бирлашади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, 1-модда //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 22. – 173–м.

² Қаранг: *Томилин В. В.* Основы судебно-медицинской экспертизы письма. – М., 2007. – С. 7.

³ *Жижина М. В.* Судебно-почерковедческая экспертиза документов. – М., 2006. – С. 56.

⁴ *Бобовкин М. В.* Криминалистические проблемы психофизиологии и патологии механизма письма. – Волгоград, 2004. – С. 87.

⁵ *Орлова В. Ф.* Судебно-почерковедческая диагностика. – М., 2006. – С. 23.

⁶ Криминалистика / Под ред. Р. С. Белкина. – М., 2000. – С. 152.

⁷ *Комаринец Б. М.* Судебно-почерковедческая экспертиза документов. – М., 1984. – С. 56.

⁸ Криминалистика / Под ред В. А. Образцова. – М., 1997. – С. 111; Криминалистика / Под ред. Р. С. Белкина. – М., 2000. – С. 147.

А. К. Янгибаев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
ички ишлар органларида ахборот-таҳлил
фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси

ПАРЛАМЕНТДАГИ ПАРТИЯВИЙ ТУЗИЛМАЛАР: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Аннотация. Мақолада сиёсий партиялар фракцияларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, парламент фракцияларини ташкил этишнинг мезонлари, асосий йўналишлари, ҳукуматни шакллантириш ва назорат қилишдаги фаолияти хорижий мамлакатлар қонунчилиги мисолида таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: қонун лойиҳаси, вакиллик органи, регламент, Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партияларнинг фракциялари, депутатлар гуруҳи, мухолифат фракция.

Янгибаев А.К. Партийные формирования в парламенте: международный опыт и национальная практика

Аннотация. В статье на примере парламентов Узбекистана и зарубежных стран рассматриваются конституционно-правовой статус фракций политических партий, критерии их образования и основные направления деятельности, а также проанализирован механизм формирования и контроля правительства.

Ключевые слова: законопроект, представительный орган, регламент, члены Сената, депутаты Законодательной палаты, фракции политических партий, депутатские группы, оппозиционная фракция.

Yangibaev A.K. Party structures in parliament: international experience and national practice

Annotation. The article deals with constitutional and legal status of fractions of political parties, criteria of formation of parliamentary fractions and their basic directions, and analyses their activity in controlling and formation of government on the example of legislation of foreign countries.

Key words: draft law, representative body, rules, members of the Senate, deputies of the Legislative chamber, political party fractions, deputy groups, oppositional fraction.

Парламент фаолияти сиёсий ранг-баранглик ва кўппартиявийлик, масалаларни эркин муҳокама қилиш ва жамоавий ҳал этиш принципларига асосланади. Кўппартиявийлик сиёсий демократия шакли ва давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Сиёсий партиялар парламент ишини ташкил этишда, унинг ваколатларини амалга оширишда иштирок этиш имкониятига амалда эга бўлган тақдирдагина парламент нормал фаолият кўрсатиши мумкин¹. Демак, парламентдаги сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш доираси ва чегарасини аниқлаш фракциянинг ҳуқуқий мақоми билан бевосита боғлиқ.

Сайлов натижалари кўриб чиқилганидан кейин сиёсий партия янги сифат касб этади ва расмий даражада парламент партиясига айланади. «Сиёсий партиялар бўлмаса, парламентаризм ҳам бўлмайди», деган машҳур қоида ҳам парламентни

шакллантириш усулига нисбатан (кўп партияли сайлов орқали), ҳам парламент фаолиятини ташкил этишга нисбатан (бунда партияларнинг парламентдаги тузилмалари ҳал қилувчи роль ўйнайди) тўғридир»². Шу тариқа сиёсий партиянинг парламентдаги фаолияти уни сиёсий жараён субъекти сифатида билвосита акс эттиради, унинг энг муҳим мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ёрдам беради. Натижада, сиёсий партиянинг давлат ҳокимияти субъекти сифатида давлат қонунчилик ва вакиллик органининг таркибий қисми — фракция ёки гуруҳ — кўринишида легитимлашуви юз беради. Бу ерда партия давлат ҳокимиятини амалга оширишга реал таъсир кўрсатиш имкониятини қўлга киритади.

Сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари — конституциявий ҳуқуқнинг тарихан шаклланган, ҳозирги ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг акса-

рияига хос бўлган институтдир. Сиёсий партиялар фракциялари ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг фаолиятини ўз аъзолари ҳаракатларининг келишилганлигини таъминлаш йўли билан ташкил этишда, шунингдек, депутатлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришларини партиявий интизомни таъминлаш механизмлари ёрдамида назорат қилишда етакчи роль ўйнайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси партия фракциялари палатанинг энг муҳим таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Фракцияларга бир қатор ҳуқуқ ва имтиёзлар берилган бўлиб, бу уларнинг фаолигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов 2014 йили 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш муҳим вазифалардан эканлигини алоҳида таъкидлаган эди³. Мазкур тузилмалар парламент фаолиятининг барча жабҳаларида муҳим функцияларни бажаради, давлат ва жамиятни ривожлантириш сиёсатининг ворисийлигини таъминлайди. Сиёсий партияларнинг фракцияларига парламент аъзолари учун белгиланган умумий фаолият шакллари (палаталар мажлисларида, тегишли қўмиталар ва комиссиялар ишида, палаталар ва уларнинг органлари топшириқларини бажаришда, парламент эшитувларида иштирок этиш ва ш.к.)дан ташқари, уларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомини тавсифлайдиган бошқа фаолият шакллари ҳам хосдир. Буларга депутатларнинг фракциялар фаолиятида иштирок этиши ҳам киради. Қонунчиликка кўра, депутат (Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар бундан мустасно) унинг номзодини кўрсатган сиёсий партия фракциясининг аъзоси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунё давлатларининг аксариятида сиёсий партия парламент фаолиятининг умум эътироф этган ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида унинг фракцияси (клуби, гуруҳи ва ҳ.к.) фаолияти амал қилади. Мазкур тузилма фаолияти орқали сиёсий партия парламентнинг таркибий қисми хусусиятини касб этади. Шу нуқтаи

назардан, ГФР Федерал конституциявий судининг қарорларидан бирида сиёсий партиялар фракцияларининг парламент фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига берилган қуйидаги таъриф диққатга сазовор: «Фракциялар Бундестагнинг таркибий қисмлари ва доимий ишлайдиган тузилмаларидир. Улар «конституциявий воқелик»нинг, яъни конституция ва регламент билан тартибга солинадиган Бундестаг фаолиятининг зарурий элементлари ҳисобланади. Уларнинг вазифаси парламент ишида иштирок этиш ва шу тариқа уни маълум даражада енгиллаштиришдан иборат»⁴. Партиялар фракцияларининг парламент фаолиятидаги бундай ҳал қилувчи роли унинг фаолият самардорлигини оширишга кўмаклашади ва партия ўзининг бир қатор асосий вазифалари ҳамда бошқа функциялари бажаришини таъминлайди. М. Амеллер таъкидлаб ўтганидек, «бугунги кунда сиёсий гуруҳлар парламент аъзоларининг бош вазифаси – ҳукумат ва жамоатчилик фикри ўртасида доимий боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилишни бажаришга парламентнинг бошқа, бир-биридан алоҳида ажратилган аъзоларига қараганда анча яхши мослашган»⁵.

«Фракция» тушунчасини хорижлик ва маҳаллий олимлар ўз тадқиқотларида таърифлаб ўтишган. Хусусан, россиялик олим А. В. Павлов: «... Фракция бир ёки мақсадлари ўхшаш бўлган ҳамда рақобатлашмаётган бир неча партиядан бирлашган депутатлар уюшмаси»⁶, деган бўлса, И. Р. Беков: «Фракция – парламент палатасининг сиёсий мансубликка оид тузилма бирлиги бўлиб, сиёсий партия манфаатларини парламентда ифодалаш ҳамда унинг сиёсатини уюшқоқлик билан олиб бориш мақсадида белгиланган миқдордаги бир партиядан сайланган вакиллардан иборат таркибда тузиладиган депутатлар бирлашмаси»⁷, дея таъриф берган. С. Н. Бердиқуловнинг фикрича, «фракция маълум бир электорат манфаати ифодаланган гоё ва дастурни қонунларга сингдириш мақсадида парламентга сиёсий партиялардан сайланган депутатлар уюшмасидир»⁸.

Юқорида билдирилган таърифларда партия фракциялари ўз электорати манфаатини ёки сиёсий партия манфаатини

парламентда ифодалаш учун тузилиши, бир партия ёки мақсадлари ўхшаш бўлган ҳамда рақобатлашмаётган бир неча партиядан бирлашган депутатларнинг фракция ташкил этиши ҳақидаги фикрлар баён этилган. Ушбу фикрлар асосида «фракция» тушунчасига қуйидаги таърифни бериш мумкин: фракция — муайян сиёсий партиясига аъзоси бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ихтиёрийлик асосида тузилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмасидир.

Мамлакатимиз қонунларида ушбу жиҳатлар тўлиқ қамраб олинган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида «фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси» эканлиги таъкидланган. Шунингдек, сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкинлиги белгиланган. Бошқа ҳолатларда ушбу қонуннинг 251-моддасига асосан, «ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир неча фракциялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчилиكنи ташкил этиши мумкин»лиги келтирилган⁹.

Парламент фракциясининг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш бир неча асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади. Улар орасида қуйидагилар бор: фракцияни ташкил этиш ва рўйхатга олиш тартиби, шу жумладан, миқдорий мезонлар ва бошқа шартлар; фракцияларнинг парламент палатаси фаолиятида ва уни ташкил этишда иштирок этиш ваколатлари (ҳуқуқлари ва имтиёзлари); парламент фракциясининг сиёсий партия билан («ташқи муносабатлар») ва депутатлар билан («ички муносабатлар») ўзаро муносабатларини тартибга солиш¹⁰. Бу йўналишларнинг ҳар бири ҳуқуқий тартибга солиш ҳажмининг ҳар хиллиги ва муайян мамлакатга хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Парламент фракцияларини ташкил

этиш, қоида тариқасида, икки мезон — партиявий ва миқдорий мезонларга мувофиқ амалга оширилади. Партиявий мезон парламент кўппартиявийлик асосида шакллантириладиган мамлакатларнинг аксариятида умум эътироф этилган. У одатда парламент Регламентида, баъзан Конституцияда ёки махсус қонунда юридик жиҳатдан мустаҳкамланади. Масалан, ГФР Бундестаги Регламентининг 10-параграфига мувофиқ, «фракциялар айна бир партиёга ёки айна бир йўналишдаги сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда, ўлкаларнинг бирортасида ҳам ўзаро рақобатлашмайдиган партиёларга мансуб депутатларнинг бирлашмаларидир»¹¹. Словакия Миллий Кенгаши Регламентининг 64-параграфида эса шундай дейилади: «Депутатлар ўзлари сайланган сиёсий партиёлар, сиёсий ҳаракатлар ёки сайлов коалицияларига мансублик белгисига мувофиқ депутатлар клубларига бирлашишлари мумкин»¹². Минтақавий, касбий, диний, миллий (этник) ёки бошқа шунга ўхшаш асосда парламент фракцияларини ташкил этиш учун мўлжалланган, парламентни лоббистик хусусият касб этадиган, энг аввало, ўз тор манфаатларини ҳимоя қиладиган турли гуруҳларнинг кураши майдонига айлантириш учун имконият яратадиган бошқа — носиёсий мезонлар тақиқланади. Яъни «хусусий, маҳаллий ва касбий манфаатларини ҳимоя қиладиган парламент гуруҳлари ташкил этилиши мумкин эмас» (Болгария Халқ Мажлиси Регламентининг 16-моддаси)¹³. Шунга ўхшаш тақиқ бошқа давлатлар (Арманистон, Грузия, Украина, Франция) парламентларининг регламентларида ҳам белгиланган¹⁴.

Партия фракциясини ташкил этишда миқдорий мезон битта партиёга мансуб депутатлар сонининг белгиланган қуйи чегараси мавжудлигини англатади. Бу масала турли мамлакатларда ҳар хил ҳал этилади, чунки амалда бундай мезонни белгилаш ҳар бир мамлакатга хос бўлган кўп сонли ранг-баранг омилларни ҳисобга олишни талаб қилади (масалан, шаклланган партиявий тизим хусусиятларини, амалдаги сайлов тизимини ҳисобга олиш; парламентнинг иш қобилиятини таъминлаш, бунда унинг ҳаддан ташқари кўп таркибий қисмларга бўлинишига йўл қўймаслик, парламентда

ўрин олган барча партияларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ш.к.). Мазкур мезон ё депутатларнинг муайян энг кам миқдорини белгилаш (Франция, Австрия ва Швейцарияда), ё палата аъзолари умумий миқдорига нисбатан муайян фоизни белгилаш (ГФР) орқали таъминланади. Баъзан фракцияни ташкил этиш учун бирор-бир минимум умуман белгиланмайди, бунда биттадан ортиқ мандатни олган ҳар қандай мустақил партия парламент гуруҳини тузишга ҳақли (Арманистон, Португалия)¹⁵.

Сайлов сиёсий партияларга давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этиш имконини беради. 2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуни, 2008 йил 25 декабрда «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2014 йил 20 январь ва 2015 йил 29 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши натижасида амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар партиянинг сиёсий тизимдаги ўрни ва аҳамиятини бутунлай ўзгартирди.

Давлат ҳокимияти учун курашиш ва вакиллик органларини шакллантириш сиёсий партияларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Сайловда ғолиб чиққан сиёсий партиялар ўз фаолиятининг асосий майдони ҳисобланадиган парламентни шакллантиради ва айнан парламент ишида қатнашиш орқали партия мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатиغا, шунингдек, мамлакат аҳолисининг кундалик ҳаётига таъсир кўрсатиши мумкин. Парламент вакиллик демократиясининг бош элементи сифатида, агар депутатлар мандатлари учун курашда сиёсий партиялар рақобати мавжуд бўлмаса, демократик йўл билан сайланган деб ҳисобланиши мумкин эмас. Шу маънода, биз россиялик тадқиқотчи Г. Д. Садовникованинг қуйидаги фикрига қўшила олмаймиз:

«Партияларнинг вакиллик органларини шакллантиришга таъсирининг кучайиши парламентнинг вакиллик функциясини сусайтиради, сайловчилар ва депутатлар ўртасидаги тафовутни кучайтиради»¹⁶. Ваҳоланки, сиёсий партиялар ўз тарафдорларини қонунчилик органларига сайлаш орқали давлатни бошқаришда иштирок этиш учун тузилади.

Депутатларнинг партиявий бирлашмалари аксарият ҳолларда партияларнинг фракциялари деб аталади, аммо улар бошқача номланиши ҳам мумкин. Масалан, ГФРда бундай бирлашмалар фракция деб аталса, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларда партияларнинг фракциялари «парламент гуруҳлари» деб аталади. Буюк Британияда улар расман парламент партиялари деб, Австрия, Польша, Хорватияда эса «партияларнинг клублари» деб аталади. Одатда, партия фракцияси бир партия рўйхатлари бўйича сайланган ва мазкур партия манфаатларини парламентда ифода этадиган депутатлардан таркиб топади. Депутатлар гуруҳи эса, масалан, сайловдан кейин ташкил топган депутатлар бирлашмасидан иборат бўлади (айтайлик, партиясиз депутатлардан ёки партияларнинг фракцияларидан чиққан депутатлардан)¹⁷.

Фракцияларни ташкил этиш масалалари парламент регламентлари билан муфассал тартибга солинади. Парламент комиссиялари ва қўмиталарини шакллантириш, қоида тариқасида, пропорционал вакиллик асосида амалга оширилади, бунинг натижасида йирик фракциялар қўмиталар ва комиссияларда кўп ўринларни эгаллайди. Айрим мамлакатларда фракцияларни тузиш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади. Масалан, Голландияда, агар палатада бирор-бир партиядан фақат битта депутат иштирок этаётган бўлса ҳам, у ўзини фракция деб эълон қилиши мумкин. Бошқа мамлакатларда партия фракциясини тузишга расмий талаблар белгиланган. Масалан, Германияда фракция Бундестаг аъзолари умумий миқдорининг 5 фоизидан, яъни 25 депутатдан кам бўлиши мумкин эмас. Австрия парламентида фракция ҳам юқори, ҳам қуйи палатада камида 5 депутатдан иборат ҳолда ташкил этилади. Францияда фракция парламентнинг юқори палатасида

камида 14 сенатордан, қуйи палатасида 20 депутатдан, Италияда эса 10 сенатор ва 20 депутатдан иборат бўлиши мумкин. Ўзбекистонда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга.

Фракциялар палата ишига жуда катта таъсир кўрсатади. Улар кун тартибига масалаларни киритади, музокаралар ва мунозараларда иштирок этади. Голландияда овоз бериш фракциялар бўйича амалга оширилади, яъни овоз бериш вақтида фракция раҳбари ўрнидан туради ва фракция «ёқлаб» ёки «қарши» овоз беришини эълон қилади. Шу сабабли, масала олдиндан ҳал этилади, фракциялар бўйича овоз бериш эса тез ҳал қилиш воситасига айланган. Бир қатор хорижий мамлакатларда (ГФР, Австрия, Швейцария) фракциялар қонунчилик ташаббусига эга ҳисобланади. Шу ўринда таклиф сифатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида фракциянинг ваколатлар доирасини кенгайтириш ва қонун ижодкорлиги борасидаги фаоллигини ошириш мақсадида фракцияларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фракциялар ҳукумат фаолияти устидан назорат олиб боришда ўз таъсиридан фойдаланади. Масалан, айрим мамлакатларда фракциялар парламент назоратининг «интерпелляция» деб аталадиган шаклини қўллашлари мумкин. Интерпелляция – бир қатор хорижий давлатларда (қоида бўйича парламент бошқаруви шаклидаги давлатларда, масалан, Италия, ГФР, Финляндия ва бошқаларда) ҳукуматга ёки алоҳида вазирга депутатлар гуруҳининг у томонидан ўтказилаётган ички ёки ташқи сиёсат ёки аниқ бир масала тўғрисида тушунтириш бериш тўғрисидаги талабномасидир¹⁸.

2016 йил 11 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, парламент назоратининг субъекти сифатида сиёсий партиялар фракциялари ҳам белгиланган. Эндиликда ушбу қонунга асосан партия фракциялари жойларда қонунлар

ижросини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини реал назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Фракциялар ҳукуматни шакллантиришда катта роль ўйнайди. Агар фракция парламентда мутлақ кўпчиликка эга бўлса, у ҳукуматни тузади, депутатлар сони етишмаган тақдирда фракциялар бирлашади ва коалицион ҳукуматни ташкил этади. Ўзбекистон ушбу қоида асосида парламент сайловида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия Бош вазир номзодини кўрсатиши тўғрисидаги нормани қонун даражасида мустақкамлаган.

Депутатлар гуруҳининг умумий йиғилиши, одатда, фракциянинг раҳбар органи ҳисобланади. Бундай йиғилишларда фракция фаолиятининг умумий йўналишлари белгиланади, ташкилий масалалар, муайян қонун лойиҳаси масаласи ҳал этилади. Фракция умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар кейинчалик очиқмай ижро этилади. Айрим мамлакатларда фракция ишига махсус орган раҳбарлик қилади. Масалан, ГФРда бу «фракция ижроия қўмитаси», Францияда – «бюро», Швецияда – «ишончли кенгаш». Чет эл мамлакатлари парламентларининг аксариятида фракция доирасида қаттиқ партиявий интизом таъминланади, унга риоя этмаган депутат фракциядан чиқарилади.

Шундай қилиб, фракцияларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомида қуйидаги элементларни фарқлаш мумкин: фракцияларнинг парламентдаги ўрни, ижтимоий-сиёсий роли ва вазифалари; парламент фаолиятида намоён бўладиган ҳуқуқ ва муомала лаёқати; ҳуқуқ, мажбурият, ҳамда имтиёзлари; фракцияларнинг ривожланишини, нормал ва лозим даражада фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ҳуқуқий омил, восита ва усуллар ҳокимияти органлари ҳужжатлари; ижро ҳокимияти органлари ҳужжатлари; суд органлари ҳужжатлари; ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатлари; жамоат ташкилотлари ҳужжатлари; корхона, муассаса ва ташкилотлар маъмурияти томонидан чиқариладиган ҳужжатларга бўлинади. Ҳуқуқни қўллаш

ҳужжатларининг ифода этилиш шаклига кўра, расмий, тавсиянома ва кўрсатма шаклидаги турлари мавжуд¹⁰.

Ҳар бир субъектнинг ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ тарзда қабул қиладиган ҳужжатлари ўз хусусиятига эга. Масалан, ички ишлар органларида тузиладиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг юридик аҳамияти шундаки, улар юридик ҳаракатлар, ҳодисалар, ҳолатларни расмий тасдиқлаш воситаси ва уларнинг юридик далили ҳисобланади. Ички ишлар ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузган баённома ноҳўя ҳаракат ҳолатларини, ҳуқуқбузарнинг шахси ҳақида далилий аҳамиятга эга бўлган ахборотни қайд этади. Фуқарога қурол сотиб олиш учун берилган руҳсатнома ушбу шахсда тегишли ҳуқуқ мавжудлигининг расмий тасдиғи ҳисобланади ва ҳоказо¹¹.

Ҳужжатлар юридик далил бўла олганлиги сабабли, ички ишлар органлари (уларнинг бўлинмалари ва ходимлари) фаолиятининг қонунийлиги ва самарадорлигини улар тузган ҳужжатларни ўрганиш орқали назорат қилиш мумкин. Жиноят ишларининг материалларини, маъмурий жазо тайинлаш ҳақидаги қарорларни ўрганиш ички ишлар органи тизимида ҳуқуқни амалга ошириш ва ходимлар фаолиятида қонунийликнинг аҳволини баҳолашга ҳамда аниқланган хатоларни бартараф этиш чораларини кўришга имкон беради.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор бериш керакки, давлат ва ҳуқуқ назариясида умум эътироф этган қоидаларга кўра, идоравий-норматив ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари алоҳида тавсифлаб келинса-да, мантиқан олиб қаралганда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам ҳуқуқни қўллаш хусусияти борлигини кузатиш мумкин. Чунки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат айна вақтда ўзига нисбатан юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг талабларини қўллаш учун ҳам қабул қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назорати механизмларини ривожлантириш, давлат бошқарувининг сифатидан фуқароларнинг қониқиши ўсишига кўмаклашиш каби масалаларни амалга ошириш билан боғлиқ қоидалар белгиланган¹².

Бундан кўриниб турибдики, ушбу қарор юқоридаги қонун нормаларини муайян даражада қўллашга қаратилган бўлиб, айна вақтда, қуйи турувчи вазирлик ва идоралар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазифасини ўтайди. Ушбу хусусият идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам хосдир.

Ҳуқуқни қўллаш натижасида ҳуқуқ нормаси талаблари аниқ ҳаётий ҳолатга татбиқ этилади¹³. Ҳуқуқни қўллашнинг умумий мақсади унинг муайян мақсадларида аниқлаштирилади ва рўёбга чиқарилади. Амалдаги қонунларни тўлдирадиган ва уларга расмангина эмас, балки уларнинг руҳига ҳам тўлиқ мувофиқ келадиган қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни қўллаш ўзаро боғлиқ уч мақсадни рўёбга чиқариши керак бўлади. Булар жумласига иш бўйича зарур бўлган барча ҳаётий вазиятлар ишончли ва тўлиқ аниқланишини таъминлаш, қонунлар талаблари, фуқаро ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига йўл қўймаслик, қонунийлик, мақсадга мувофиқлик ва адолатлилик талабларини қондирувчи қарорлар қабул қилиш кабилар киради¹⁴.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари, одатда, бошқа ҳуқуқий функциялар, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳам адо этади. Фуқароларга келсак, улар ҳуқуқни қўлловчи субъектларга кўмаклашиб, ҳужжатларни қўллаш фаолиятида қатнашадилар, муайян ишларнинг бажарилиши ҳамда ҳуқуқни қўллаш идораларининг қонунийлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ёрдам берадилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари, қонунлар билан бир қаторда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини бажаришда алоҳида аҳамият касб этади. Қонун нормаларини ҳаётга

татбиқ этишда айнан шу ҳужжатларнинг аҳамияти намоён бўлади. Шу боис, уларни тўғри расмийлаштириш ва юридик мазмун бериш масаласига жиддий эътибор қаратиш ҳуқуқий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашнинг зарурий омилидир.

¹ *Анчуткина Т. А.* Правовые основы парламентской деятельности политических партий в Российской Федерации // Теоретические проблемы российского конституционализма. – М., 2000. – С. 128.

² *Юдин Ю. А.* Политические партии и право в современном государстве. – М., 1998. – С. 217.

³ Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2015. – 24 янв.

⁴ Очерки парламентского права (зарубежный опыт). – М., 1993. – С. 179.

⁵ *Амеллер М.* Парламенты. – М., 1967. – С. 179.

⁶ *Павлов А. В.* Депутатские объединения в Государственной Думе: статус, проблемы законотворческой деятельности (политический анализ): Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1997. – С.15.

⁷ *Беков И. Р.* Олий Мажлис Қонунчилик палатаси шаклланиши ва фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2009. – Б. 15.

⁸ *Бердикулов С. Н.* Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: шаклланиши ва ривожланиши. – Т., 2014. – Б. 97.

⁹ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни. 2002 йил 12 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 215-м.

¹⁰ *Павлов А. В.* Депутатские объединения в Государственной Думе: статус, проблемы законотворческой деятельности (политологический анализ): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1997. – С. 7.

¹¹ Федеративная Республика Германии: Конституция и законодательные акты. – М., 1992. – С. 216.

¹² *Zbirka zakonov Bratislava.* – 1996. – S. 350.

¹³ Държавен вестник. – 1991. – Бр. 105; Бр. 1, 6.

¹⁴ Из опыта работы фракций в парламентах мира (Информационный материал) / Государственная Дума Федерального Собрания РФ: Парламентская библиотека ГД. – М., 1994. – С. 36–59.

¹⁵ Очерки парламентского права. Парламенты мира. – М., 1991. – С. 257.

¹⁶ *Садовникова Г. Д.* Представительные органы в Российской Федерации: проблемы исторической обусловленности, современного предназначения и перспективы развития: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2013. – С. 14.

¹⁷ *Петрова М. Г.* Регулирование парламентской деятельности политических партий (российский и зарубежный опыт) // Политическое управление: теория и практика / Под общей ред. З.М. Зотовой. – М., 1997. – С. 43–47.

¹⁸ Юридическая энциклопедия / Проф. У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 200.

*Ш.Ш. Шаякубов,
Тошкент молия институти Ўзбекистон тарихи
кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди*

ҚАДИМГИ ДАВР ВА ЎРТА АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлар, давлат бошқаруви ва жамият қурилишининг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалалар ёзма ёдгорликлар таҳлили асосида ёритилган.

Таянч тушунчалар: ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, муносабатлар, давлат, жамият, конфедерация, илк ўрта асрлар, ёзма ёдгорликлар, бошқарув, қурилиш.

Шаякубов Ш. Ш. Правовые основы государственного управления и общественного строительства в Средней Азии

Аннотация. В статье на основе анализа письменных памятников раскрываются вопросы, связанные с правовой основой социально-политических, экономических отношений, государственного управления и общественного строительства в Средней Азии.

Ключевые слова: правовой, социальный, политический, экономические отношения, государство, общество, конфедерация, раннее средневековье, письменные памятники, управление, строительство.

Shayakubov Sh. Sh. The legal basis of the rule of the state and social construction in Middle Asia

Annotation. The article describes the questions connected with a legal basis of social-political and economy relations, of the rule of the state and society construction in Middle Asia based on the analysis of written monuments.

Key words: legal, social, political, economy, relations, state, society, confederation, early middle ages, written monuments, rule, construction

Узоқ ўтмишда Турон, илк ўрта асрлардан бошлаб то сўнгги ўрта асрларгача Туркистон деб аталган Ўрта Осиё минтақаси тарихи бугунги кун минтақа халқлари учун бирдай муштаракдир. Қадим замонлардан бери ушбу минтақада ўзининг географик жойлашувидан келиб чиқиб шаклланган бир қатор тарихий-маданий ҳудудлар бўлиб, улар бизга Суғд ёки Суғдиёна, Бақтрия – Тохаристон, Хоразм, Марғиёна, Чоч, Фарғона, Уструшона, Еттисув, Шарқий Туркистон номлари билан маълум.

Сиёсий тарих масалаларининг моҳиятида аввало жамият бошқаруви билан алоқадор тизимнинг шаклланиши, тадрижий тараққиёти, ниҳоят, давлатчиликнинг барқарор анъаналари

акс этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчилик жараёнлари, турли босқичларда юзага келган давлат уюшмалари, ҳудудий давлат тузилмалари йирик салтанатлар тарихи кўринишида ҳар бир босқич учун алоҳида-алоҳида (масалан, Қадимги Суғд, Марғиёна, Хоразм каби давлат уюшмалари, Қадимги Эрон салтанати таркибида сатрапликлар, Кушон салтанати, Эфталитлар давлати, Турк хоқонлиги ва бошқалар) мавзулар доирасида ўрганиб келинар эди. 1998 йил 26 июнь куни Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов республикамизнинг бир гуруҳ етакчи тарихчи олимлари билан учрашувда баён қилган фикрлари¹ асосида Ўзбекистон ҳудудларидаги

давлатчилик тарихини узлуксиз жараён сифатида тарихий манбалар асосида ҳолисона ўрганиш масаласи долзарб илмий вазифага айланди. Бу масаланинг ҳал этилиши давлатчиликнинг тарихий илдизларини кўрсатишга, Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқи миллий давлатчилигининг бир неча минг йиллик йўлни босиб ўтганлигини, шаклланиш ва ривожланиш босқичларининг давомийлигини намойиш этишга хизмат қилмоғи кўзда тутилган эди. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг юзага келиши, ривожланишининг ўзига хос табиий, ижтимоий, иқтисодий омиллари бўлиб келганки, айрим даврларда бошқа давлатларнинг бу ҳудудда ҳукмронлик қилганига қарамасдан, ҳар бир инқирозли даврдан сўнг ўзига янги пассионар ички қувват топиб қайта тикланиш томон йўл тутиб келган.

Ўзбекистон тарихининг кам ўрганилган, мафкуравий талаблардан келиб чиқиб нотўғри баҳоланган, маълумотлар етишмаслиги туфайли, баъзан эса методологик кўрсатма боис бузиб кўрсатилган саҳифаларини мустақиллик йилларида қайта кўриб чиқишга киришилди. Мустақиллик йилларида қайта тикланган тарихий анъана ҳамда қадриятлар асосида бошқарув тизими тубдан ўзгарди, қонун чиқарувчи орган, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти тизими янги демократик шаклда энгилғор жаҳон тажрибалари асосида шакллантирилди. Айни пайтда Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси иш услублари бутунлай ўзгартирилиб, демократик давлатлар иш услубларига мослаштирилди. Давлат органи эса қонунга таяниб, уни ҳимоя қиладиган олий назорат тизимига айлантирилди. Ана шундай шароитда жамиятда демократия тамойиллари чуқурлашди, фуқароларнинг ижтимоий фаолияти кучайди. Жойларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти барча фуқароларнинг бевосита иштирокида такомиллашиб борди.

Ўзбекистон ҳудудларида кечган давлатчилик тарихи аввало кўп босқичли, узвий ҳамда тадрижий хусусиятларга эга. Ўзбек давлатчилиги тарихининг маънавий, ғоявий асослари масаласи ижтимоий-иқтисодий муносабатларга қараганда

кам ўрганилган. Инсоният тарихи маънавият инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди².

Минтақамизда давлатчиликнинг илк босқичлари жуда қадимий бўлиб, бу ҳақда илк ёзма манбаларимиздан бири «Авесто» китобида бир қатор ишончли маълумотлар жамланган. Зардуштийлик динининг расмий дин сифатида шаклланиш даврида айни илк давлатчилик муносабатлари, баъзан эса ҳали куртак ҳолидаги ижтимоий-сиёсий бошқарув аломатларининг бир қатор хусусиятларини кузатиш мумкин. Зардуштийликни жаҳон дини даражасига олиб чиқишда муҳим роль ўйнаган «Авесто» китобида ўлкамиздаги қадимий давлатчилик жараёнларининг маънавий асосланишига оид маълумотлар алоҳида диққат талаб қилади.

Ушбу масалани Яшт наск (матн)ининг баъзи алқовлари ҳамда Аҳура Мазданинг эманациялари — олти малоиканинг функционал таҳлилида кузатишимиз мумкин. Жумладан, Митра алқовида бир қатор бандлар жамият таркибининг инсон, оила, уруғ, қабила, қабилавий иттифоқ, кичик ва катта ҳудудий ёки маъмурий бирликларига ишорат қилади. Унда бир бирига қарама-қарши бўлган икки томон, уларнинг ҳарбий-ташкилий тузилмаси, бўлажак жангда маъбуд Митрадан ёрдам сўраб турган подшолар каби маъно қатламлари борки, буларга шунчаки муносабатлар дея баҳо бериш қийин³. Шунингдек, «Авесто»нинг яна бир лавҳасида Ардвиги Сура тимсолида Амударёнинг кучли оқими ўтувчи қадимий ҳудудлар тасвири акс этирилади. Улар тарихан йирик ҳудудий бирликда бўлиб, милoddан аввалги I минг йиллик бошларида илк давлат уюшмаларига айлангани маълум. «Авесто» матнларида учрайдиган Хварно кайёнийларнинг илоҳий салтанат ҳақидаги давлат, ҳокимият концепциясини, яъни легитимлигини асословчи рамзий нурли сиймо бўлиб, у кимгаки келиб қўнса, албатта улуг бахт соҳиби бўлади, деб ҳисобланган. Сўғлар хварнони «парн» деб аташган. Хусусан, жамиятда Хупарн (яхши бахт эгаси), Вғашпарн (қувончли бахт соҳиби) маъноларидаги

киши исмлари мавжуд⁴. Бу фаришта зот ўзи танлаган имонли кишига қуш, оқ қўй сифатида кўринади, деган тасаввур ҳам бўлган.

«Авесто»нинг мисраларидан бирида «юрт ҳокими», «уруғ боши» ва «уй соҳиби» каби тушунчалар давлатчилик асосларига хизмат қилувчи дастлабки унсурларнинг энг юқори тузилмасидан энг қуйи босқичигача санаб ўтилган⁵. Уй соҳиби катта патриархал оила нмананинг бошлиғидир. «Уруғ боши» атамаси ҳам бежизга ишлатилмаган, чунки айни шу даврда Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида уруғчилик муҳим ўрин тугган.

Митранинг маъбуд сифатидаги мавқеи зардуштийликка қадимий политеистик (кўпхудолик) даврларидан кириб келган. Чунки, Зардушт яшаган даврда олий илоҳий зотнинг мавҳум тимсолини одамлар тасаввур қилишлари қийин бўлган. Шу сабабли Ахура Мазда «Хурмузд Яшт»да Зардуштга хабар бериб, ўзининг «яратувчилик» миссияси эзгу дунёни бир қилишдан ташқари, уни ҳар томондан асраб ҳимоя қилиш вазифаларига эга маъбудларни ҳам яратишга қодир эканлигини билдиради. Митра алқовида бир неча бор унинг яйловлари кенглиги, ўтлоқлари ва чорвалари кўплиги эслатилади⁶. Айнан зардуштийлик вужудга келган давр Ўрта Осиёда илк давлатлар шаклланаётган пайт бўлиб, чорвачилик қабилалар ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Адабиётларда Митрани «кўёш худоси» деб аташ асосли эмас, чунки «Ҳақиқат кўриқчиси» бўлиш Митранинг асосий функцияларидан биридир. Ҳақиқат эса зардуштийликда Арта, яъни борлиқнинг Ахура Мазда яратган эзгу тартиби бўлиб, моддийлик ва маънавий эзгуликка оид фалсафий категориядир.

«Авесто» қайта кўчирилганидан кейинги сатрларда Митра ижтимоий муносабатлар даражасига туширилиб, битим ва шартномаларнинг бажарилиши устидан назорат қилувчи маъбуд сифатида талқин этилган⁷. Митранинг битм, шартномаларнинг сидқидилдан ижро этилиши устидан нозирлик функцияси, мазкур ижтимоий моҳиятдан ташқари, соф диний асосга ҳам эга. Зеро, биринчи галда инсоннинг аҳду паймони, Мазда Ясна

(зардуштийлик) дини нуқтаи назаридан банданинг уни яратган худо олдида берган ваъдаси сифатида тушунилган.

Митра зардуштийлик тизимида кўп қиррали вазифаларга эга маъбуд сифатида намоён бўлади. Уни бошқа маъбудлардан бир қатор хусусиятлар ажратиб туради. Энг муҳими, Митра Ахура Мазда яратган эзгу дунёнинг кўриқчиси ҳисобланиб, ёлгонни барбод қилувчи, ёвуз девларнинг жазосини берувчи, битим хоинларига қарши курашувчи объект ролини бажаради. Қолаверса, Митра маъбуди Зардушт ислоҳотидан аввал юксак нуфузга эга бўлгани сабабли, «Авесто»да унинг сифатлари кўп жиҳатдан Ахура Маздага нисбат бериладиган сифатларга ўхшаш ҳисобланади. Лекин бу ҳол зардуштийликда бош гоё — Ахура Мазданинг ёлғиз яратувчилик функциясига зид эмас. Зеро, Митра Ахура Мазда, Ардвиг Сура, Варахран, Тиштрия ва бошқа кўплаб язатлар — маъбудларни ҳам яратган зот, сифатида талқин қилинади. Маъбудларнинг турли соҳаларга ҳомийлик қилиш функциялари эса зардуштийлик шаклланган даврдаги ижтимоий тизим ва илк давлатчиликнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қилган.

Зардуштийликда илоҳиёт тизими олий, ўрта ва қуйи қатламларга бўлинади. Олий қатламнинг энг юқориси Ахура Маздага тегишли бўлиб, унинг иродасини бевосита ижро этувчи олти малоикаси бор. Ваҳумана — эзгу ният фариштаси, Арта Ваҳишта — эзгу ният эвазига бериладиган жаннатий Ҳақиқат, Спента Армаитий — ер (замин) фариштаси, Хшафра Варйа — адолатли шаҳриёрлик, ҳокимият рамзи, Хаурватат — мукаммаллик, бутунлик ва саломатлик фариштаси, Америтат — абадийлик, ўлмаслик гоёлари ифодаси. Ушбу малак сиймоларнинг вазифаларига диққат қилсак, улар жамиятни бошқариш, ижтимоий ҳаётни уюштириш каби муҳим масалага бевосита дахлдор эканини пайқаш мумкин.

Маълумки, илк ўрта арларда Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланган Суғд конфедерацияси ва унинг таркибидаги вилоятларни ихшид, хунав, хвабу каби унволларга эга подшо, ҳукмдорлар бошқарганлар⁸. Илк ўрта асрлар Суғд тарихи Ўзбекистон

тарихининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистон ҳудудида кечган давлатчилик тарихининг ривожланиш босқичларида Зарафшон ва Қашқадарё водийлари бўйлаб, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Қарши-Нахшаб воҳаларида милoddан аввалги биринчи минг йилликдан милодий биринчи минг йилликнинг сўнгги чорагига қадар Суғд номи билан давлатчилик жараёнлари кечганлиги, ниҳоят бу жараён милодий VI аср ўрталаридан VIII аср ўрталаригача Суғд конфедератив давлат тузилмаси билан боғлиқ эканлигини инкор этиб бўлмайди⁹. Аввало, бу давр Суғд устидан Турк хоқонлиги ҳукмронлиги шароитида ички автономия асосида конфедератив тузилманинг сақланиши ва барқарорлашуви, ниҳоят, араб истилоси арафасида ушбу тузилма субъектларининг мамлакат ҳимояси учун бирлашмагани оқибатида барбод бўлиши жараёнлари (милодий VIII асрнинг биринчи ярми)ни ўз ичига олади. Қолаверса, VI – VIII асрларда Суғднинг ўзига хос ижтимоий-маданий юксалиш даври ҳам алоҳида тадқиқот ўтказишни талаб қиладиган муаммодир.

Шу муносабат билан давлатчилигимиз тарихининг муҳим босқичини ўз ичига олган Суғд конфедератив тузилмасининг ички ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маданий масалаларини ўрганишда ёзма ёдгорликларнинг аҳамияти беқиёсдир. Масалан, суғдий ёзув орқали бизгача милoddан бошларидан XI асрларга қадар ёзилган кўплаб ноёб ёдгорликлар етиб келган. Улар орасида металл, сопол, ёғоч, чарм, қоғоз ва бошқа буюмларга битилган матнлар, шахсий мактублар, диний, ахлоқий, фалсафий матнларнинг парчалари, хўжалик, ҳуқуқий ва дипломатик ҳужжатлар бор. Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Муғ тоғи илк ўрта аср қасри харобаларидан топилган суғд ҳужжатлари архиви ана шундай ноёб суғдий ёзма ёдгорликларнинг муҳим бир туркумини ташкил этади¹⁰. Бу Муғ тоғи «суғд архиви» деб юритилувчи суғдча ҳужжатлар тўплами бўлиб, VII аср охири VIII аср бошларига (722 йилгача) оид ноёб ҳужжатларни ўз ичига олади.

Ушбу ёзма манбаларда акс эттирилган зодагонларнинг тоифалари (даражалари) ер мулкчилигига асосланган ривожланган мансаб,

ижтимоий поғонанинг (қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсунishi) мавжудлигидан далолат беради. Бу тизимнинг олий поғонасини асилзодалар эгаллаган.

Тангаларда ва суғд ҳужжатларида¹¹ Суғд зодагонлари таркиби ҳақида келтирилган унвонлар нафақат ўлканинг сиёсий тарихини, балки жамиятнинг ижтимоий муносабатларини ҳам ёритиб беради. Суғд тангаларини кузатганда VI аср охири VII аср бошларида маҳаллий ҳукмдорлар унвонлари маълум бир ўзгаришларга учраганини кўриш мумкин. Бронза тангалардаги ёзувларда Суғд ҳукмдорининг одатий унвонидан бошқа яна иккита унвон пайдо бўлади. Титулатурада учта асосий грация (бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишдаги изчиллик) кўзга ташланади. Олий даражага тааллуқлиси орамий идеограммаси билан берилган (малка) «подшо» (аслида «ҳукмдор»), иккинчиси «ҳоким» ва учинчиси суғдча «ҳоким, жаноб» унвонларидир.

Улардан биринчиси ворислик ҳуқуқига эга бўлган Самарқанд подшоҳларининг тангаларида VII асрнинг иккинчи ярмида, уларга тегишли бўлган умумий унвон ўрнига пайдо бўлган. Шу даврдан бошлаб, йилномалар ва суғд ҳужжатларида кўрсатилишича улар «подшо» ёки «Суғд подшоси» унвонига эга бўлганлар. Бу унвон улардан кейин, сулола ҳукмронлик қилган давр мобайнида сақланиб қолган.

Иккинчи – (марай) «ҳоким» унвони, Муғ ҳужжатларининг далолат беришича, аслида Самарқанд ва Панжикент ҳукмдорларининг унвони ёки фахрий номи бўлган. Учинчи унвон – Ўрта Осиёнинг қадимий унвонларидан бўлиб, тилда икки маънода – ижтимоий иерархия унвони ва ер эгаллиги номи, шу жумладан, одатий муомалада ҳурмат ифодаси сифатида амал қилган.

Тадқиқотчи Ғ. Бобоёровнинг «Турк хоқонлиги даврида Суғд» номли мақоласида "VII – VIII асрларда Суғд воҳасида дастлаб Кеш (Шаҳрисабз), кейинчалик Самарқанд шаҳри марказ бўлиб, уларнинг ҳукмдорлари Кушония (Каттақўрғон), Фай (Нарпай), Маймурғ¹², Кабудон¹³, Иштихон, Панжикент, Нахшаб (Насаф) каби шаҳарлар ҳокимлари устидан назорат қилиши қайд этилган¹⁴. Суғдда Самарқанд

ихшидлари сулоласи VII асрнинг иккинчи чорагидан VIII асрнинг учинчи чорагигача ҳукмронлик қилган. «Китоб ал-Қанд фи тарихи Самарқанд» асари муаллифи Насафийнинг фикрича, араблар келгунига қадар кетма-кет тахтга ўтирган ўн учта ҳукмдор бўлган¹⁵. Ҳозирда бизга улардан саккиз нафарининг номи маълум. Улардан бири Фурак ўғли Турғар отаси вафот этганидан сўнг 738 йилда тахтни эгаллаган.

MLK' (малка) сўзининг орабийча шакли суғдча матнларга қадимги Аҳмонийлар подшолиги даврида идора бошқарув ҳужжатчилиги анъаналари орқали кириб келган ва суғдчада ҳам гетерографик қўлланишда узоқ сақланган.

MLK' идеограммаси VII асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Самарқанд бронза тангаларида ёзилади. Бу унвон ёзилган Суғд подшоларининг охириги тангалари VIII асрнинг иккинчи ярми бошларига бориб тақалади. Бу тангаларда MLK' идеограммаси билан берилган ихшид унвонига Суғд подшолари Вархуман, Тукаспадак, Мастан-Авийан, Тархун, Фурак, Турғарлар эга бўлганлар. Суғд «ихшид»и унвони билан чиқарилган дастлабки тангалар VII асрнинг биринчи ярмида яшаган ҳукмдор Шишпирга тегишли бўлган. Фақатгина тангаларда исми сақланган бу ҳукмдор Хитой манбаларида ёзилган Кеш подшоси Шашеби (ёки Шасеби) билан бир инсон ҳисобланади. У 642 йилда Хитой императорига элчилар орқали совғалар юборган. 658—659 йилларда эса Суғдда подшо номидан танга чиқариш ҳуқуқи Самарқанд ҳукмдорлари қўлига ўтган¹⁶.

Мулкчилик муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётнинг равнақи, сиёсий вазиятнинг барқарорлашуви, халқаро савдо-сотиқ алоқаларининг ривожини Суғдда пул-товар муносабатларининг юқори чўққига кўтарилишига сабаб бўлди. Самарқанд ва Панжикент танга чиқарувчи асосий марказларга айланди. VII аср бошлари ва VIII асрларда Самарқандда давлат бошқарув поғонасининг олий — MLK' (подшо) унвони билан чиқарилган бронза тангалар Суғд давлат бошқарув тизимининг сиёсий ҳужжати ҳисобланади.

Араб тилидаги манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, «ихшид» Фарғона тилида

«шоҳлар шоҳи» (малик ул-мулк)ни англатган¹⁷. А. А. Фрейман Йақубийда берилган Фуракнинг «Суғд ихшиди», «Самарқанд афшини» унвони билан Муғ ҳужжатларидаги Деваштичнинг «Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори» унвонини таққослаб, суғд тилида MLK' идеограммасига ихшид унвони тўғри келади, деган фикрга келган¹⁸.

Суғдшунос олим М. Исҳоқовнинг таъкидлашича, *ихшидлик* «ўзидан нурланиш, нурафшонлик» маъносига эга, яъни «илоҳий нурга эга, подшоҳлик ҳуқуқига эга зот», деган маъноларни англатади. Чунки *ихшид* «нур таратмоқ» маъносига эга бўлиб, давлатнинг самовийлигига ишоратдир. Шу ўринда М. Исҳоқов «Авесто» китоби талқини асосида қўйидагиларни келтиради: «Авесто» илк давлатчилик тарихи ҳақидаги маълумотлардан ташқари, айти шу давлатчилик жараёнларининг гоъвий асосларини ҳам ўзида мужассам этган. ...Ахура Мазданинг вазифадор малоикаларидан тўртинчи малоика — Хшатра Варйа — «Шаҳриёрлик», яъни жаннатмакон заминдаги бахтиёр, фаровон, ҳаётни илоҳий адолат билан бошқариш мақомидир. Бу малоика Авестода одил подшоҳликнинг илоҳий концептуал асосига ишорат сифатида тушунилади¹⁹.

Суғднинг VI—VIII асрлардаги бошқарув тизими аввало ўзининг концептуал асослари билан алоҳида диққатга сазовор. Гап шундаки, қадимги ва илк ўрта асрлардаги Суғд учун давлат ҳокимияти концепцияси самовий — бага «худо» тушунчаси билан боғлиқ. Чунки суғдий *xwataw* (ав. *xwa-tawa*) сўзлари «ўз ўзидан қодир зот» маъносига эга.

Жамиятни бошқариш поғоналари юқоридаги илоҳий берилмиш «хуқуқ» заминига таянган ҳолда ҳокимиятнинг легитимлиги асосида ташкил топган.

Зеро, жамиятнинг фаровонлиги, тинч-осойишталиги биринчи галда эзгу ният билан боғлиқ. Чунки эзгу ният ҳукмрон бўлса, ёвузликка ўрин бўлмайди. Эзгу ният орқали ҳақиқатга эришиш мумкин. Бироқ, ҳақиқий ҳаёт муаллақ ҳолда эмас, балки ер-заминда инсон учун яратилади. Ҳар учала малоиканинг вазифалари бир бўлса, ердаги ҳаёт равнақ топади.

Бу эса, ўз навбатида, замин узра эзгуликларнинг ва албатта, инсон авлодларининг кўпайишига олиб келади. Шундай экан, жамиятни адолат билан бошқариш эҳтиёжи тугилади ва шахриёрлик мақомидаги малак сиймо ўз вазифасига киришади. Еру заминда эзгу ният,

ҳаёт барқарор бўлса, аҳоли адолат билан бошқарилса, бундай жамият бағри бутун, соғлом, маънавий барқарор ва абадий ўлмас жамият бўлади. Зардуштийликнинг ушбу гоъвий тизими идеал жамият ва энг қадимги идеал давлат гоъси деб қабул қилиниши мумкин.

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т., 1998.

² Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 21.

³ Авеста. Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси. — Т., 2001. — Б. 48.

⁴ Ўша жойда. — Б. 57.

⁵ Ўша жойда. — Б. 57–60.

⁶ Ўша жойда. — Б. 62–70.

⁷ Ўша жойда. — Б. 47.

⁸ Исҳоқов М. М. Суеидёна тарих чорраҳасида. — Т., 1990. — Б. 35; *Унинг ўзи*. Унутилган подшоликдан хатлар. — Т., 1992. — Б. 57; *Бобоёров Ф.* Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик. — 2002. — № 11. — Б. 119–129.

⁹ Манбаларда VI–VIII асрларда Суғд воҳасида дастлаб Кеш (Шаҳрисабз), кейинчалик Самарқанд шаҳри марказ бўлиб, уларнинг ҳукмдорлари Кушония (Каттақўрғон), Фай (Нарпай), Маймурғ, Кабудон, Иштихон, Панжикент, Нахшаб (Насаф) каби шаҳарлар ҳокимлари устидан назорат қилиши қайд этилган.

¹⁰ Согдийские документы с горы Муг (СДГМ) / Описание, исследования и публикации А. А. Фреймана. Вып. I. — М., 1962. — Б. 90; Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. Вып. II. — М., 1963. — Б. 222; Хозяйственные документы / Чтение, перевод и комментарии М. Н. Боголюбова, О. И. Смирновой. Вып. III. — М., 1963. — Б. 132.

¹¹ Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. — М., 1981. — Б. 548.

¹² Маймурғ — илк ўрта асрларда Самарқанд шаҳрининг жанубида жойлашган вилоят номи.

¹³ Кабудон — Суғд воҳасининг шимоли-шарқида жойлашган шаҳар номи.

¹⁴ *Бобоёров Ф.* Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик. — 2002. — № 11. — Б. 120.

¹⁵ *Насафи.* Кандия Малая / Перевод В. Л. Вяткина (Справочная книга Самаркандской области). — 1906. — Вып. 8. — Б. 110.

¹⁶ *Камалиддинов Ш.С.* Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX–начала XIII в. // Web site: www.sogaina.com; Яна қаранг: *Альбаум Л.И.* Живопись Афрасиаба. — Т., 1975. — Б. 36–38.

¹⁷ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. — М., 1970. — Б. 38.

¹⁸ *Фрейдман А. А.* Находка согдийских рукописей и памятников материальной культуры в Таджикистане // Согдийский сборник. — Л., 1934. — С. 12; Яна қаранг: *Смирнова О. И.* О двух группах согдийских монет владетелей Согда VII–VIII вв. // Известия отделения общественных наук АН ТаджССР. — 1957. — Вып. 14. — С. 121–122.

¹⁹ *Исҳоқов М. М.* Қадимги давлатчилигимиз тарихидан // Таълим муаммолари. — 2006. — № 1. — С. 19–20.

*М.Х. Саитходжаев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси СТТОК
хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли ўқитувчиси;*

*М.А. Тураев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
жанговар-жисмоний тайёргарлик кафедраси бошлигининг ўринбосари*

ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИҚДА ДИДАКТИК ПРИНЦИПЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада спорт ва жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотларнинг мунтазамлиги орқали жанговар ва жисмоний тайёргарликнинг янада оширилишига эришиш ҳақида фикр юритилган.

Таянч тушунчалар: дидактик принциплар, онглилик ва фаоллик, кўргазмалилик.

Саитходжаев М.Х., Тураев М.А. Значение принципов дидактики в физической подготовке

Аннотация. В статье раскрываются основные принципы повышения боевой и физической подготовки посредством систематичности занятий спортом и физической культурой.

Ключевые слова: принципы дидактики, сознательность и активность, наглядность.

Saithodjaev M.H., Turaev M.A. Significance of didactic principle in physical training

Annotation. The article deals with issue of reaching to further rise of military and physical preparedness by regularity of sport and physical training disciplines.

Key words: didactic principle consciousness and activity, demonstrativeness, solidity.

Жисмоний машқларни методик жиҳатдан тўғри ўргатиш дидактик принциплар асосида амалга оширилади. Ушбу принциплар таълим жараёнининг асосий мазмунидан келиб чиқади ва унинг объектив қонуниятларга асосланганлигини акс эттиради. Онглилик ва фаоллик, кўргазмалилик, тизимлилик ва кетмакетлик, оддийлик, мустаҳкамлик ана шундай принциплардан ҳисобланади. Бундан ташқари, асосий дидактик принципларга таълимда илмийлик ва Ватанга содиқлик ғоялари ҳам киради.

Тингловчи ва курсантларнинг онглилиги ва фаоллиги жисмоний хислатлар, ҳаракатланиш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда ҳаммасидан кўра самарали натижаларни таъминлайди. Ушбу принцип

талабларини жисмоний тайёргарлик жараёнига татбиқ этишга қўйидагилар орқали эришилади:

— машғулотда мақсад ва вазифаларнинг аниқ қўйилиши, тингловчи-курсантларнинг командири ёки ўқитувчи-мураббийлари улар олдида қўяётган талабларни англаб етиши;

— ўргатилаётган машқ, усул (ҳаракат)-нинг моҳиятини, уларнинг ўрганувчилар организмга таъсирини ва касбий маҳоратни оширишдаги аҳамиятини тушунтириш;

— тингловчи-курсантларда жисмоний машқларни бажаришдаги ютуқ ва камчиликлари, муайян муваффақиятларига танқидий муносабатда бўлишни тарбиялаш;

— бошлиқ ёки ўқитувчи-мураббий-

нинг доимий равишдаги юқори талабчанлиги, машғулотларни аниқ ташкил этиш ва уларни қизиқарли ўтказиши;

— тингловчи-курсантларда ўзининг жисмоний шугулланганлик ва спортдаги маҳоратлари даражасини оширишга ижодий ва ташаббускор муносабатларини ривожлантириш, уларнинг муваффақиятларини холисона баҳолаш, машғулотларга виждонан муносабатда бўлганлиги учун рағбатлантириш;

— машқларни мустақил тарзда бажаришлари учун қўшимча вақт бериш.

Таълимнинг кўргазмалилиги ҳар қандай билиш жонли кўриш, мушоҳада қилиш билан, сезиш ва идрок қилиш орқали бошланади, деган ақидага асосланади. Бизни ўраб турган дунё ҳақидаги кўпгина маълумотларни инсон кўриш ёрдамида олади, бироқ "кўргазмалилик" тушунчасига нафақат кўриш орқали қабул қилиш, балки эшитиш, ҳаракатланиш каби ташқи таассуротларни қабул қилиб олувчи ва анализ қилувчи аъзолар ҳам киради. Кўргазмалилик принципида таълим жараёнида образли ва мантиқий фикрлашнинг диалектик бирлиги ифодаланади¹.

Таълимнинг кўргазмалилиги ўрганилаётган машқни намунали тарзда кўрсатиш, қисқа, равон ва образли тушунтириш ҳамда бажариш техникаси ҳақида йўл-йўриқлар бериш, плакатлар, чизмалар, расмлар, кинофильмлар ҳамда бошқа кўргазмали воситаларни қўллаш орқали таъминланади.

Таълим жараёнида тизимлилик ва кетма-кетликни сақлаш материалларни қуйидагича жойлаштиришни, яъни навбатдаги машғулот олдингисига асосланиши, машғулотлар орасидаги вақт оптимал бўлишини талаб қилади. Бунга спорт ва жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотларнинг мунтазамлилиги орқали эришилади. Масалан, барча тоифадаги

ходимлар учун (олий таълим муассасаси тингловчи-курсантларидан ташқари) ўқув машғулотлари ҳафтада икки марта ўтказилади. Эрталабки бадантарбия машқлари — якшанба ва дам олиш кунларидан ташқари, ҳар куни, спорт машғулотлари — ҳафтада икки мартадан кам бўлмаган миқдорда, ўқув-жанговар фаолият жараёнида ҳар бир дала ўқув машғулотларида ўтказилади.

Машғулотларнинг мазмуни жисмоний тайёргарликнинг бошқа шаклларида тингловчи ва курсантлар ўқув юклама (нагрузка)ларининг ортиши ва камайишини ҳисобга олган ҳолда кетма-кетликда режалаштирилган бўлиши керак.

Билим, маҳорат ва малакаларнинг уйғунлашуви жисмоний тайёргарлик бўлимларининг, шунингдек турли машқлар табиатининг ўзаро алоқасида амалга оширилади. Бу жараёнда ўқув машғулотлари ўтказишда машқларнинг уйғунлашуви алоҳида аҳамият касб этади. Тажриба ва илмий тадқиқот натижаларининг гувоҳлик беришича, ўқув машғулотларига жисмоний тайёргарликнинг турли бўлимларидан машқлар, усуллар ҳамда ҳаракатларни киритиш шахсий таркибнинг умумий ва махсус машғулотларида бир бўлимдаги машқлардан машғулотлар ўтказишдан кўра яхшироқ самара беради².

Таълим жараёнининг оддийлигига жисмоний тайёргарликнинг одатдаги даражаси ҳисобга олинган, ҳаракат малакалари ва маҳоратларининг эгалланганлиги ҳажмида эришилади. Ушбу принципнинг асосий талаби шундаки, тингловчи-курсантларнинг муайян гуруҳлари учун оғирлик қиладиган, жисмоний зўриқишларга олиб келадиган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Ўрганувчиларнинг ҳаракатланиш қобилиятлари ва ўқув машғулотларининг мураккаблиги ўртасидаги мувофиқлик жисмоний шугулланиш учун ҳаммасидан кўра кўпроқ оптимал шароит яратади. Оддийлик

қуйидагиларни назарда тутади, яъни машғулотлар маълумдан — номаълумга оддийдан — мураккабга, енгилдан — оғирга қоидаларига амал қилган ҳолда ташкил этилади. Ҳар бир машғулотда жисмоний машқларни танлаш амалга оширилади, жисмоний зўриқиш миқдори аниқланади.

Билим ва малакаларни эгаллашда мустақкамлик таълимнинг барча жараёнлари боришида таъминланади ҳамда маҳорат ва малакаларнинг мустақкамланишини, уларнинг узоқ муддат сақланиб қолиши ва вазиятнинг ҳар қандай шароитларида қўллаш қобилиятини назарда тутади. Ўқув материалларини эгаллашнинг асосланганлиги ва суръати ўртасида мустақкам алоқа мавжуд. Шунинг учун маҳорат ва малакаларнинг керакли даражада мустақкамлигигина таълим суръатини ошириш учун шароит яратади.

Ҳаракат машқларининг мустақкам эгалланишига жисмоний машқлар, усул ва ҳаракатларни кўп марталаб қайтариш натижасида эришилади. Таълимнинг бошланғич босқичида қайтариш оддий шароитларда бўлиб ўтади. Малакаларнинг эгалланишига қараб машғулотлар бир қадар юқори суръатларда, турли шароитларда, бошқа усул ва ҳаракатлар билан уйғунликда ўтказилади³.

Қайд этиш лозимки, юқорида келтирилган принциплар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради. Зеро, агар таълимнинг тизимлиги ва кетма-кетлигига риоя қилинса, онглилик ҳам, фаоллик ҳам таъминла-

ниши мумкин. Ўқув жараёнини ташкил қилишда бир муҳим жиҳатни эътибордан четда қолдирмаслик лозим, яъни машғулотлар учун машқларни танлаш ва зўриқиш даражаларини белгилашда гуруҳ аъзоларининг ўртача кўрсаткичидан келиб чиқилади. Бироқ раҳбар ёки мураббий таълим самарадорлигини ошириш учун ҳар бир тингловчи-курсантнинг индивидуал хусусиятини билиши ва ҳисобга олиши лозим. Алоҳида жисмоний тайёргарлик даражасини билмай туриб, дидактик принципларни мақсадга йўналтирилган тарзда қўллашнинг имкони йўқ. Таълимга индивидуал ёндашувнинг муҳимлиги айнан мана шу билан боғлиқ.

Шу билан бирга, жисмоний тайёргарликда шахсий таркибнинг жамоа даражасида муайян ютуқларга эришганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда айрим вазиятлар ҳаракатларнинг гуруҳий кўникмаларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Демак, айнан шу ўринда жисмоний тайёргарликнинг оптимал гуруҳий даражаси асқатади.

Таълим жараёни тарбиявий жараён билан доимо чамбарчас боғланган бўлиб, унинг принциплари жисмоний тайёргарликда ҳисобга олиниши керак. Жисмоний хислатларни ривожлантириш ва ҳаракат кўникмаларини эгаллашда инсондаги ижобий жиҳатларга суяниш принципини қўллаш тавсия этилади. Бу уларда ўз кучига ишонч, қийинчиликларни енгиб ўтишга қодирлик ҳисларини шакллантиради.

¹ Гужаловский А. А. Основы теории и методики физической культуры. — М., 1986. — С. 48–55.

² Пулатов Ф. М. Жисмоний қобилиятларни ривожлантириш асослари. — Т., 2013. — Б. 6–31.

³ Аташайхов А. А., Худайбергенов О. К. Жисмоний тайёргарлик. — Т., 2013. — Б. 26–30.

